

81.633.1

С 59 М. СИДДИҚОВ, З. ЮНУСОВА,

М. ҲОШИМОВА

АМАЛИЙ
ТИЛШУНОСЛИК
ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК



FF0000003998

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти

М.Сиддиқов, З.Юнусова,
М.Ҳошимова

2 1 ma

АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

~~Ўзбекистон адабиёти
кутубхонаси~~

Абитуриентлар учун
қўлланма-маълумотнома

~~Nizomiy nomli
T D F U
kutubxonasi~~

011026/34

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAА»

очик акциядорлик жамияти

2004

8688

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Қўлланма-маълумотнома Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институтининг ўқув-услубий кенгашининг 2004 йил 17 февралдаги мажлисида (VI сон баённома) нашрга тавсия этилган.

Такризчилар:

филология фаълари номзоди, доцент Н. Охупов
филология фаълари номзоди, доцент Р. Тожибосов

Масъул муҳаррир:

филология фаълари номзоди, доцент И. Пўлатов

М. Сиддиқов ва бошқалар.

Амалий тилшунослик ва адабиётшунослик. (Абитуриентлар учун қўлланма-маълумотнома) - Андижон, «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ, 2004 йил, 160 бет.

Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури асосида тузилган мазкур қўлланма-маълумотнома ўзбек тили ва адабиётига оид маълумотларни қўлай усулда ўзлаштириш ва уларни амалиёт билан боғлаш имконини беради. Бу эса ҳозиргача «Ахборотнома» ва бошқа маълумотномаларда эълон қилинган тест топшириқларини тез ва ҳар томонлама тушунарли қилишга ҳал этишни осонлаштиради.

Қўлланма-маълумотнома академик лицейлар ва ўрта мактаб ўқитувчилари ҳамда абитуриентлар учун мўлжалланган.

Андижон вилоятининг
З.М. Бобур номидаги
кутубхонаси
81.2 У3-92.3

с-52

©«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ

©«OVOZA» газетаси таҳририяти

СЎЗ БОШИ

Сўнгги йилларда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ ёшларнинг фан асосларини жиддий ва пухта эгаллашлари учун мамлакатимизда кенг миқёсдаги ишлар олиб борилаётгани, айни пайтда, янгидан-янги имкониятлар юзага келаётгани сир эмас. Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда ўқувчилар ва ўқитувчилар учун тайёрланаётган қўлланмаларнинг ҳиссаси гоёт салмоқли бўлиб, таълим жараёнида улар алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўрта мактаблар, лицейлар ва академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналишлари бўйича билим савияларини ошириб борар экан, бошқа фанлар қатори, ўзбек филологияси бўйича ҳам мукамал билим ва кўникмаларга эга бўлишлари талаб этилади.

Ҳозирги ўрта мактаб ва академик лицейларнинг ўқув режаларида, мазкур режалар асосида яратилган дарсликлар, мажмуаларда тилшунослик ва адабиётшуносликнинг барча жиҳатлари, хусусан, тил илмидаги ўта позик жиҳатлар, адабиёт назарияси, шеършунослик, жаҳон адабиётидаги энг сара асарлар ҳақидаги маълумотларни старли дейиш қийин. Ҳапузгача ўқувчиларнинг мустақил фикрлашларини ўстириш, тил ва тафаккур узвийлигини таъминлаш, грамматикани амалиёт билан боғлаш, адабий материалларни тартиб билан жойлаш ва бунда ўқувчиларнинг ёши ҳамда билим кўникмаларини ҳисобга олиш борасида чалқашликларга йўл қўйиш, пишиб етмаган фикрларни ўтказишга уриниш ҳоллари дарсликларда учраб турибди. Бу эса, дарсликлар, мажмуаларни тўлдирадиган қўлланмалар яратиш заруриятини келтириб чиқаряпти.

Мазкур қўлланма ана шу эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тузилди. Муаллифлар қўлланмада тилшунослик ва адабиётшуносликнинг барча масалалари тўла қамраб олинган, деган фикрдан

йирок. Аввало, ушбу қўлланма маълумотнома шаклида тузилди. Шунга мувофиқ она тили фанининг барча бўлимлари бўйича энг муҳим масалаларни ёритиш диққат марказида турган бўлса, адабий ётшуносликнинг ҳар уччала таркибий қисми (шу жумладан, халқ оғзаки ижоди бўйича ҳам) юзасидан энг зарур маълумотлар жамланиб маълум тизимга солиб чиқилди, муҳим саналган адабий матнларга мўъжаз талқинлар берилди. Шу билан бирга, маълумотларни тўплашда қатор илмий манбалар, ўрта мактаб ва лицейлар учун чиқарилган дастур, дарслик, мажмуалардан фойдаланилди.

КИРИШ

1. XI асрда Маҳмуд Қошғарий «*Девону лугатит турк*» (Турк ўзлари тўплами) номли 3 жилдлик асарини ёзиб (464-466 х./1072-1074 мил.), туркий тил грамматикасини биринчи бўлиб шундай шаклда чикди; у «*араб тили билан икки улокчи от сингари тенг ойга қилиб, ўзиб бораётган турк тилини*» кўкларга кўтарди, шунинг ўзига хос хусусиятларини маҳорат билан кўрсатиб берди.

2. XI-XII асрда яшаган ватандошимиз, Шарқда «*Жоруллох*» (Оллохнинг кўшнисини), «*Араблар ва ғайри арабларнинг устози*», «*Хоразм фахри*» каби мартабалар билан улуғланган Абдулқосим Маҳмуд *Замахшарий*нинг 50 дан зиёд асарлари ичида тилшуносликка доир 3 та асари мавжуд:

а) «*Ал-Муфассал*» - араб тили грамматикаси (*сарфу наҳви*)га оид; 1221 йилда Макка шаҳрида ёзилган;

б) «*Муқаддимат ул-адаб*» - отлар, феъллар, боғловчилар, отларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши ҳақидаги 5 қисмли бу асарда араб тилининг истемолда бўлган барча сўзларини қамраб олишга ҳаракат қилинган, уларнинг этимологиясига эътибор берилган; хоразмшоҳ Алоуддавла Абдулмузаффарга бағишлаб 137 йилда ёзилган мазкур асарни муаллифнинг ўзи *чигатой (ўзбек)* тилига таржима қилган;

в) «*Асос ул-балоғ*» (Нотиклик асослари) - лугатшуносликка оид.

3. Муҳаммад ибн Молик араб тилининг грамматикаси ҳақида «*Алфия*» (Минг бир байт) асарини ёзгани маълум.

4. XV асрда Алишер Навоий тил илмига доир иккита асар ёзди:

а) «*Муҳокамат ул-луғатайн*» (Икки тил муҳокамаси) - форс-тожик ва туркий тил қиёсланиб, туркий тил имкониятлари бағоят тенг эканлиги исботлаб берилган;

б) «*Сабъату абхур*» (Етти денгиз) - лугатшуносликка оид; мумтоз араб тилининг изоҳли лугати.

5. XVII асрда *Абдулғози «Шажаран турк»* номли тарих арида «*Бухоро*» (муғ тилида илм ва аҳли илм тўпланадиган жой) «*барлос*» (сипоҳсолар, черикни бошқарувчи), «*муғул*» (мунгли мунгли) каби ўнлаб сўзларнинг луғавий маъносини берган.

6. XIX асрда *Фазулulloҳ Алмаий* араб тили грамматикаси оид «*Авзон ул-жумуъ*» (Кўплик вазнлари) рисоласини ёзган.

7. *Ўзбек тили ўқув фани сифатида XX асрнинг бошларида* мактабларда ўқитила бошланган.

8. Ўзбек тилшунослигининг фан сифатида шаклланишида *Мухаммадмин Мухаммадкаримов (Фахриддинов), Мунавварқо Абдурашидхонов, Е. Д. Поливанов, А. К. Боровков, Фахри Мол, Хосият Комилова, Айюб Фуломов, Ғози олим Юнусов, О. Шаймон, У.Турсунов, Мазлума Асқарова, Ғ.Абдурахмонов, Ш. Рамадуллаев, Э.Ғозилов, Ғ.Абдуллаев, А.Рустамов, Х.Неъматов* бошқа олимларнинг хизматлари катта.

* * *

Дунёдаги тиллар

1. Дунёдаги халқлар 2976 тилда гаплашади; 200 тилнинг ҳар бирида 1 млн.дан ортиқ, тилнинг ҳар бирида 5 млн.дан зиёд, 13 тилнинг ҳар бирида 1 млн.дан ортиқ киши гаплашади.

2. Кавказ тоғларида жойлашган *Довистонда* 1 млн.дан ортиқ халқ бўлиб, улар *қирққа* яқин тилда сўзлашади.

3. Жаҳон тиллари ичида номи биргина товушдан иборат *Ит* тили ҳам бор (*Хитойнинг Сичуань, Юннань, Гуйжоу вилоятлари* тарқалган).

4. Чукотка вилоятидаги эскимос (юит) тили жаҳондаги барча тиллардан сўзи узунлиги билан ажралиб туради.

5. Дунёдаги тиллар *тирик* ва *ўлик* тилларга бўлинади:

а) *тирик тиллар* - халқлар ҳозир гаплашадиган тиллар; ўзбек тили, инглиз, афғон, қирғиз, рус, немис тили каби;

б) *ўлик тиллар* - ҳозир муомалада ишлатилмай қолган тиллар: *лотин, полаб, прут, сельд, сўғд, прус, қадимги ҳинд (санскрит), қадимги славян, қадимги хоразм тиллари, тохар, аптолий тиллари, туркуми.*

6. XI асргача муомалада бўлган *қадимги хоразм тили* ҳозир *хитой, европа оиласининг эрон тиллар туркумига* мансуб эди.

7. Дунёдаги тиллар келиб чиқиши, луғавий ва грамматик жиҳатидан яқинлигига қараб тил оилаларига бўлинади: *хинд-европа*

тиллари, семит тиллари, ҳамит тиллари, угор-фин тиллари, олмон тиллари каби.

8. Тил оилалари гуруҳлар (туркумлар)га бўлинади.

9. Энг катта оила ҳисобланган Хинд-Европа оиласида 12 та туркум бўлиб, Хинд туркумида 90 тирик тил ва 3 ўлик тил, Эрон туркумида 11 тирик тил ва 10 ўлик тил, Славян туркумида 11 тирик тил ва 4 ўлик тил мавжуд ва ҳоказо.

10. Грек, албан, арман тиллари шу оиллага мансуб бўлса-да, бирор тил туркумига киритилмайди.

11. Маълум тилларнинг вужудга келиши учун манба бўлиб, ўзи алоқа воситаси сифатида ишлатилмайдиган тил *асос тил* (бобо тил) дейилади; роман тиллари учун латин тили бобо тил ҳисобланган.

ЎЗБЕК ТИЛИ

1. Тилимизни «ўзбек тили» деб аташ XIX асрнинг бошларида одат бўлган.

2. Ушгача «туркий», «туркча», «турк тили» номлари билан, «сарт тили», «чигатой тили» атамалари билан юритилган:

*Бу туркча кўшиқлар туздим сенга,
Ўқурда унутма, дуо қил менга.
(Ю.Х.Ҳожиб)*

*Турк зухуридур очунда буқун,
Бошла улук йир била туркона ун!
(Х.Хоразмий)*

*Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.
(А.Навоий)*

*Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасопани ҳикоят.
(А.Навоий)*

3. Оврўпо илмида X-XII асрлар ўзбек тили чигатой тили деб юритилгани маълум.

Аслида ҳам:

1. Ўзбеклар қадимги туркийларнинг авлодларидир.

«Турк» сўзи илк марта Геродот (мил.авв. 490/480-430/420)нинг 9 музалик «Тарих» китобида турғинтой ёки Искит водийсидаги юркей (туркий)лар номи билан учрайди.

2. «Таврот»да тўлхарма номи билан зикр этилган.

3. Қадимги Хитой маъбаларида «турк» сўзи ўрнида тик, дутюю кабилаларининг номи қайд қилинган.

4. Ислом маъбаларида Нухнинг набираси, Ёфас ўғилларида бирининг номи Турк бўлгани, туркий қавмлар Турк уруғларида экапи қайд этилган.

5. Эрон ривоятларида Фаридуллининг ўғли, Тураж ёки Тур номи билан боғланади. «Турон» сўзи ҳам аслида форсча.

6. Ўрхун-Эпасой обидаларида «турк» ва «турук» атамалари учрайди.

7. «Турк» сўзи «қалноқ», «дубулга», «бўри», «куч-қувват», «тарк этилган», «стуклик чоғи», «депгиз қирғоғида ўтирган одам», «жазб этмоқ», «тарқалмоқ», «ёйилмоқ» маъноларини ифодалаган.

8. Туркия атамаси жуғрофий ном сифатида дастлаб Византия маъбаларида учраган.

9. VI асрда Туркия номи Кичик Осиёни аниқлатган.

10. IX-X асрларда Волга бўйида Урта Европача бўлган хандудлар шу ном билан аталган.

11. XII асрдан Опадўли (Апатолия) Туркия номини олган.

12. Ўзбек тили олтой тил оиласининг (бу оиллага туркий тиллар туғул, тунгус-манжур тиллар гурухи қиради) туркий тиллар тугукумига қирувчи қозок, қорақалиноқ, қирғиз, уйғур, турк, озарбайжон, туркман, татар, чуваш, ойрот, болқор, қорачой, хакас, ёқумуқ, шор, пўғай, гагауз каби 24 тилдан бири ҳисобланади.

13. 1277 йилда элхонийлар туркий тилни муҳофаза қилувчи дастлабки фармонини эълон қилган.

14. 1485 йилда Хусайн Бойқаро туркий тилни ҳимоя этиб маъна сус фармон қабул қилган.

15. 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида Қонуни» қабул қилинди. (1995 йил декабрда ушбу қонунга айрим ўзгартиришлар киритилган).

16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» дегузи ёзиб қўйилган.

* * *

Ўзбек
адабий
тили

1. Ўзбек тили XI асрдан мустақил тил сифатида шакллана бошлаган; бунгача аждодларимиз қадимги туркий тилда гаплашганлар.

2. XIV асрдан умумхалқ ўзбек адабий тили вужудга келган.

3. Умумхалқ ўзбек тили адабий тил ва ноадабий қатлам (шева, ялғиз сўз, вульгаризм, жаргонлар ва бошқалар) деген иборат.

4. Адабий тил умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган ва маълум шеърга солинган шаклидир.

5. Адабий тилда нутқ товушларини талаффуз қилиш, сўз ишлатиш, грамматик шакллардан фойдаланиш маълум қоидалар ва шеърлар асосида бўлади, яъни адабий тил умумхалқ тилидан фонетик (оғу - йул), лексик (гашир - сабзи) ва морфологик (борон - боряпти) жиҳатдан фарқ қилади.

6. Адабий тилнинг шаклланишида қарлуқ лаҳжаси асос, Тошкент, Фарғона шеваси таянч бўлган (Тошкент шеваси лексик ва фонетик, Фарғона шеваси морфологик белгилари билан).

7. Адабий тилнинг асосий талаффуз базаси Фарғона шеваси-дир.

8. Адабий тилнинг оғзаки (ТВ, радио ва оғзаки ижод асарлари) ва ёзма (китоблар, газета ва журналлар тили) шакллари ижод.

9. Адабий тилнинг тараққиёт босқичлари:

а) Энг қадимги туркий адабий тил (Лўмбитена, Ўрхун-Эпасоёй ёзувлари тили);

б) Қадимги туркий тил (Ю.Х.Ҳожиб, А.Югнякий асарлари, Қонғарийнинг «Девону луғатит турк» асаридаги адабий матн тили);

в) Эски туркий тил (Хоразмий, Атоий, Гадоий, Саккокий, сифий асарлари тили);

г) Эски ўзбек адабий тили (Навоий, Бобур, Турди, Маншраб, унинг қабиларининг асарлари тили);

д) Ҳозирги ўзбек адабий тили.

10. Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоийдир.

* * *

Тил фанининг
бўлимлари ва
атамалари

1. Фонетикада нутқ товушлари ўрғанилади: фонема, товуш: угли, ундош, жарангли, жарангсиз; бўғил, ургу ва х.к.

2. Морфемикада ўзак ва қўшимча-

лар ўрганилади: *морфема, ўзак, негиз, аффикс (қўшимча)* ва х.к.

3. Сўз ясалишида сўз ясаш усуллари ўрганилади: *туб сўз ясама сўз, содда сўз, қўшма сўз, жуфт сўз, такрорий сўз* ва х.к.

4. Лексикологияда сўз ва унинг маъноси ўрганилади: *ўз маъно кўчма маъно, метонимия, синекдоха, синоним, архаизм* ва х.к.

5. Фразеологияда иборалар ўрганилади: *турғун бирикма*.

6. Лексикографияда лугат ва унинг турлари, тузилиши ўрганилади.

7. Графикада ёзув ўрганилади: *харф, алифбо*.

8. Орфографияда имло, тўғри ёзиш қоидалари ўрганилади.

9. Орфоэпияда оғзаки талаффуз қоидалари ўрганилади.

10. Этимологияда сўзларнинг келиб чиқиши ўрганилади.

11. Услубиятда нутқ услуби, тилда сўзларнинг ишлатилиши ўрганилади: *сўзлашув, публицистик, расмий, илмий, бадний услуб*.

12. Пунктуацияда тиниш белгилари ўрганилади.

13. Грамматика:

а) Морфологияда сўз туркумлари ўрганилади: *отлашши, турлашши, туслашши, замон, майл, ҳолат равиши, юклама* ва х.к.

б) Синтаксисда сўз бирикмаси ва гап қурилиши ўрганилади: *эргаш сўз, бон сўз, отли бирикма, атов гап, содда гап, қўшма гап* ва х.к.

* * *

ФОНЕТИКА

Нутқ аъзолари ва нутқ товушлари

1. Фақат инсонга хос бўлган товушлар нутқ товушлари ҳисобланиб, уларни ҳосил қилишда нутқ аъзолари - тил, лаблар, товуш пайчалари, настки жағ, кичик тил (фаол) ва ўнка, кекирдак, тишлар, оғиз бўшлиғи, юқори жағ (пофаол) иштирок қилади.

2. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра нутқ товушлари унлилар (ўнсадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиқка учрамаганлиги учун фақат ун (овоз)дан иборат бўлади) ва ундошлар (ўнсадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида тўсиқка учраб шовқин ҳосил қилгани учун фақат шовқин ёки шовқин ва овоздан иборат бўлади)га бўлинади.

* * *

**Унли
товушлар**

1. Ўзбек тилида 6 та унли товуш бор: а, и, у, ў, э (е), о.

2. Улар:

а) тил олди, лабланмаган: а (қуйи кенг), э (ўрта кенг), и (юқори тор);

б) тил орқа, лабланган: о (қуйи кенг), ў (ўрта кенг), у (юқори тор);

3. а, и, у унлилари қисқа, о, э, ў унлилари чўзиқ унлилар ҳисобланади.

* * *

**Ундош
товушлар**

1. Ўзбек тилида 25 та ундош товуш бўлиб, 23 ҳарф билан ифодаланади.

2. Пайдо бўлиш ўрнига кўра **лаб** (лаб-лаб: б, п, м ва лаб-тиш: в, ф), тил (тил олди: д, т, з, с, ж, дж, л, н, р, ц, ч, ш; тил ўрта: н; яқин тил орқа: к, г, нг; чуқур тил орқа: қ, ғ, х) ва бўғиз (х) ундошларига бўлинади.

3. Пайдо бўлиш усулига кўра портловчилар (б, п, д, т, г, к, қ, н, н, нг), сирғалувчилар (з, с, ж, ш, в, ф, ғ, р, л, й, х, х) ва қоришиқ (дж, ч, ц) ундошларга ажралади.

4. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра **жарангли** (товуш найчалари таранг тортилса) ва **жарангсиз** (товуш найчалари таранг тортилмаса) ундошларга ажралади:

жарангли ундошлар: б, в, з, д, г, дж, ж, ғ, р, л, м, н, нг

жарангсиз ундошлар: п, ф, с, т, к, ч, ш, қ, х, х, ц.

5. Изоҳ: 8 та жарангли-жарангсиз жуфтлик мавжуд; р, л, м, н, нг ундошлари ёлғиз жарангли ҳисобланиб, сонорлар дейилади; к, х, ц ёлғиз жарангсизлардир; 14 та жарангли 12 та ҳарф билан, 11 та жарангсиз 11 ҳарф билан ифодаланади; р товуши титрок, л товуши ён товуш ҳисобланади; ф, ж, ц ундошлари факат ўзлашма сўзларда учрайди.

* * *

**Унли ва ундошларнинг
қўшалок қўлланиши**

1. а, и, у, о унлилари сўз ўртасида қўшалок қўлланиши мумкин: таажжуб, бадий, шуур, истеҳзоомуз.

2. а, о унлилари сўз охирида қўшалок қўлланиши мумкин: мутолаа, мудофаа, Ватерлоо.

3. Деярли барча ундошлар сўз ўртасида кўшалок қўлланади: шох-шабба, аввал, сўнгги, модда, мижжа, изза, якка, миллион, хамма, миннат, ёппа, арра, муассаса, битта, Фаффор, аччик, бокка.

4. Айрим ундошлар сўз охирида кўшалок кела олади: конгресс, грамм, металл.

5. Унли ва ундошлар сўз бошида кўшалок қўлланмайди.

Изоҳ: г, з, л, в, нг ундош товушлари соф ўзбекча сўзларда сўз бошида деярли учрамайди; г ундоши соф ўзбекча сўзларда сўз охирида учрамайди.

* * *

**Унли ва ундошларнинг
сўз ясовчи вазифасида
келиши**

1. а, и унли товушлари от, феъл, сифат, равиш ясовчи кўшимчалар вазифасида кела олади: шаршара,

гулдир, тўла, ўта, қишлоқи, бойи, тинчи, чанги.

2. й, к, л, м, р, с, т, ч, қ ундош товушлари от, сифат, феъл ясовчи кўшимчалар вазифасида келади: қорай, истак, тугал, боғлам, қарам, гулдир, тўлат, севиғч, жирқанч, қувноқ, тароқ.

* * *

**Унли ва ундошларнинг сўз
ўзгартирувчи кўшимчалар вазифа-
сида келиши**

1. и унлиси эгалик кўшимчасининг III шахс бирлик ва кўплик шакли учун умумий кўшимча бў-

либ келиши мумкин: унинг китоби, уларнинг уйлари.

2. а унлиси жўналиш келишигининг ўғиз лаҳжаси ва поэтик нутқдаги қисқарган шакли бўлиб келиши мумкин: болама ўхшайди.

3. и унлиси тушум келишигининг поэтик нутқдаги қисқарган шакли бўлиб келиши мумкин: Тутмангиз ҳолими ҳаргиз бахти қаро деб ахтаринг (Муқимий).

4. н ундоши қаратқич ва тушум келишларининг поэтик нутқдаги қисқарган шакли бўлиб келиши мумкин: Ер куррасиң бошиң танғидик. (Р. Парфи).

5. к ундоши шахс-сон кўшимчасининг I шахс кўплик шакли бўлиб келиши мумкин: бордик, борсак.

6. м ундоши эгалик ва шахс-сон кўшимчаси вазифасида келиши мумкин: онам, келдим, юрсам.

**Унли ва ундошларнинг
шакл ясовчи қўшимчалар
вазифасида келиши**

фёълли сўз кўшилмаси қисмларини боғлашга (ола келинг, йиқиладим), такрорий ва жуфт равишдош ҳосил қилишга (юра-юра, ура-сура), ҳозирги-келаси замон фёълини шакллантиришга (ёзаман) хизмат қилади.

2. й, б, ундоши ҳам равишдошнинг ҳолат шаклини ҳосил қилиб, такрорий равишдош ясашга (ўқий-ўқий, ўқиб-ўқиб), қўшма фёъл қисмларини (сўраб кел) ва кўмакчи фёълли сўз кўшилмасида кўмакчи фёълни етакчи фёълга боғлашга (ўқий бошлади, сўраб бормок), ҳозирги-келаси замон (ўқийди) ва ўтган замон фёълларини (ўқибди, ачиб эди) шакллантиришга, эргаш гапни бош гапга боғлашга (Чироклар чарақлаб, атроф ёришди; Хеч вақт ўтмай, Гулнора кўринди) хизмат қилади.

3. в, ш ундошлари, аввало, ҳаракат номини ясайди (тўлов, сайлов, ўқини, яшаш), ш ундоши фёълнинг биргалик нисбатини (ишлашди) ва шахси номаълум гапнинг кесимини шакллантиришга (Марғилонда ёш болаларни ҳам сизлашади) хизмат қилади.

4. л, н, т ундошларидан фёълнинг ўзлик (тарқалди, ташланди), мажхул (сўралди, тозаланган) ва орттирма (ўқит, сўрат) нисбати шакллари ясалади.

5. р титроқ ундоши фёълнинг сифатдош (ўйнар гап), келаси замон гумон фёъли (кўзлар) ва ўтган замон давом фёъли (сўрар эди)ни ҳосил қилади.

* * *

**Унли товушларнинг
сўз туркуми
ўрнида келиши**

сувдай... Э, қўйинг-е! Ў, жуда ажойиб-ку!

2. у унлиси жуфт сўз орасида, бириктирув ва зидлов боғловчили боғланган қўшма гаплар орасида боғловчи вазифасида келади: гулу лола; Бошқаларни билмадим-у, Кулала икковимизга қийин бўлди.

3. а, у унлилари юклама ўрнида кела олади: Вой, бирам чиройли гул экап-а! Учрашай дедим-у, вақтим бўлмади.

* * *

Сўзларнинг товуш таркиби

1. Сўзлар жарангли ва жарангсиз ундошлар ҳамда унлилардан таркиб топиши мумкин: идроким, тўпламларга, гулчилик,

меҳнатсевар, ирим-сирим.

2. Туб сўзлар фақат жарангли ундошлар ва унли товушлардан таркиб топиши мумкин: болалар, гул, озод.

3. Ясама сўзлар жарангли ундошлар ва унлилардан таркиб топиши мумкин: жимжимадор, йиғинди, айлана, гиламдўз, гулзор.

4. Туб сўзлар фақат жарангсиз ундошлар ва унлилардан тузилиш мумкин: пахта, қошиқ, ўқиш, иштаха.

5. Ясама сўзлар фақат жарангсиз ундошлар ва унлилардан таркиб топиши мумкин: қочоқ, тешиқ, иссиқ, аччиқ, тепки, тўсиқ, очиқ-сочиқ.

6. Ёпиқ бўғинлардан бири жарангли ундошлар ва унлилардан иборат бўлиши мумкин: сунбул, гулчилик, гулламоқ, босволди.

7. Ёпиқ бўғинлардан бири лаб ундошларидан ва унлидан иборат бўлиши мумкин: мавсум, мафкура, бомба.

Изоҳ: ёпиқ бўғинлар фақат тил олди, фақат тил орқа ундошлардан ҳам таркиб топиши мумкин: асал, четдаги, қўрқоқ.

* * *

Бўғин

1. Бир зарб билан айтиладиган товуш ва товушлар бирикмаси бўғин ҳисобланиб, улар очик бўғин (унли билан тугаса) ва ёпиқ бўғин (ундош билан тугаса) кўринишига эга: арава, бириктир.

2. Сўзда печта унли бўлса, шунча бўғин бўлади: қоң, уюм, арава.

3. Бўғин уч хил амалий аҳамиятга эга:

а) сўзлар 1-синфда бўғин асосида ўргатилади;

б) сатрдан сатрга кўчириш бўғин асосида амалга оширилади;

- нг ундош товушининг иккала томонида ҳам унли товуш бўлса, нг ундоши иккинчи унли билан бўғин ҳосил қилади: си-нгил, де-нгиз, я-нга; нг ундошидан кейин ундош бўлса, мазкур ундош

бириши унли билан бўгин ҳосил қилади: синг-лим, манг-лай, тапг-дил;

- бир унлидан иборат бўгин олдинги сатрда қолмайди ёки кейинги сатрга кўчирилмайди: а-рава, мудофа-а шаклида кўчирилма хато;

- ъ, ь белгилари ўзидан олдинги бўгин таркибида қолади: сашъ-ат, аль-бом;

в) бармоқ ва аруз вазнида бўгин (хижо) ҳисобга олинади.

* * *

Сўз урғуси ва гап урғуси

1. Сўздаги бирор бўгиннинг бошқаларига қараганда кучлироқ айтилиши сўз (бўгин) урғуси саналади: ҳамро'х, матема'тиками:, ишла'санми?

2. Ўзбек тилида урғу, одатда, охириги бўгинга тушади: китоб, китобхон, китобхонлар, китобхонларга (урғу оладиган кўшимча кўшилиши билан урғу ҳам кўчиб бораверади).

3. Айрим бир сўзларда урғу охириги бўгинга тушмаслиги мумкин: до'им, алба'тта, афсу'ски, ба'лки, те'хника, аччи'ққинга, за'вки.

4. Урғу олмайдиган ушбу кўшимчаларни олган сўзларда ҳам урғу охириги бўгинда бўлмайди:

а) бўлишсизлик кўшимчалари: -ма, -май, -мас, -маслик;

б) шахс-сон кўшимчалари: -ман, -сан, -миз, -сиз, -ди;

в) буйрук ясовчи кўшимчалар: -ча, -дай, -дек;

г) гумон юклагаси ва кесимлик кўрсаткичи: -дир;

д) дона ва чама сон кўшимчалари: -та, -тача;

е) равиш ясовчи кўшимчалар: -ча, -дай, -дек;

ё) барча кўшимча юклагалар: -а, -я, -ми, -чи, -ку, -да, -гина, -қина, -қина, -у, -ю, -ок, -ёк.

5. Урғунинг турли ўрида бўлиши ушбу омоним сўзларда маънони фарқлашга кўмак беради: янги' (сиф.) - я'нги (рав.), то'ла' (сиф.) - то'за (рав.), бости'рма (февъл) - бостирма' (от), қайна'тма (февъл) - қайнатма' (сиф.), о'шиқ (от) - оши'қ (сиф.), қизгина' (от) - қи'згина (юклагали от), ўқувчими'з (эг.қ.) - ўқувчи'миз (шахс-сон қ.), йигитча' (от) - йиги'тча (рав.).

- лар ўрганилади: морфема, ўзак, пегиз, аффикс (қўшимча) ва х.к.
3. Сўз ясалишида сўз ясаш усуллари ўрганилади: туб сўз, ясама сўз, содда сўз, қўшма сўз, жуфт сўз, такрорий сўз ва х.к.
 4. Лексикологияда сўз ва унинг маъноси ўрганилади: ўз маъно, қўчма маъно, метонимия, синекодха, синоним, архаизм ва х.к.
 5. Фразеологияда иборалар ўрганилади: турғун бирикма.
 6. Лексикографияда лугат ва унинг турлари, тузилиши ўрганилади.
 7. Графикада ёзув ўрганилади: ҳарф, алифбо.
 8. Орфографияда имло, тўғри ёзиш қоидалари ўрганилади.
 9. Орфоэпияда оғзаки талаффуз қоидалари ўрганилади.
 10. Этимологияда сўзларнинг келиб чиқиши ўрганилади.
 11. Услубиятда путқ услуби, тилда сўзларнинг ишлатилиши ўрганилади: сўзлашув, публицистик, расмий, илмий, бадий услуб.
 12. Пунктуацияда тишиш белгилари ўрганилади.
 13. Грамматика:
 - а) Морфологияда сўз туркумлари ўрганилади: отланиш, турланиш, тусланиш, замон, майл, холат равиши, юклама ва х.к.
 - б) Синтаксисда сўз бирикмаси ва гап қурилиши ўрганилади: эрган сўз, бош сўз, отли бирикма, атов гап, содда гап, қўшма гап ва х.к.

* * *

ФОНЕТИКА

Путқ аъзолари ва путқ товушлари

1. Фақат ишонга хос бўлган товушлар путқ товушлари ҳисобланиб, уларни ҳосил қилишида путқ аъзолари - тил, лаблар, товуш пайчалари, настки жағ, кичик тил (фаол) ва ўшқа, кекирдак, тишлар, оғиз бўшлиғи, юқори жағ (нофаол) иштирок қилади.

2. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра путқ товушлари унлилар (ўшқадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсикка учрамаганлиги учун фақат ун (овоз)дан иборат бўлади) ва ундонлар (ўшқадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида тўсикка учраб шовқин ҳосил қилгани учун фақат шовқин ёки шовқин ва овоздан иборат бўлади)га бўлинади.

* * *

Унли

товушлар

1. Ўзбек тилида 6 та унли товуш бор: а, и, у, ў, э (е), о.

2. Улар:

а) тил олди, лабланмаган: а (қуйи кенг), э (ўрта кенг), и (юкори тор);

б) тил орқа, лабланган: о (қуйи кенг), ў (ўрта кенг), у (юкори тор);

3. а, и, у унлилари қисқа, о, э, ў унлилари чўзиқ унлилар ҳисобланади.

* * *

Ундош

товушлар

1. Ўзбек тилида 25 та ундош товуш бўлиб, 23 харф билан ифодаланади.

2. Пайдо бўлиш ўрнига кўра лаб (лаб-лаб: б, п, м ва лаб-тиш: в, ф), тил (тил олди: д, т, з, с, ж, дж, л, н, р, ц, ч, ш; тил ўрта: й; яқин тил орқа: к, г, нг; чуқур тил орқа: қ, ғ, х) ва бўғиз (х) ундошларига бўлинади.

3. Пайдо бўлиш усулига кўра портловчилар (б, п, д, т, г, к, қ, м, н, нг), сирғалувчилар (з, с, ж, ш, в, ф, ғ, р, л, й, х, х) ва қоришиқ (дж, ч, ц) ундошларга ажралади.

4. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангли (товуш пайчалари таранг тортилса) ва жарангсиз (товуш пайчалари таранг тортилмаса) ундошларга ажралади:

жарангли ундошлар: б, в, з, д, г, дж, ж, ғ, р, л, м, н, нг

жарангсиз ундошлар: п, ф, с, т, к, ч, ш, қ, х, х, ц.

5. Изоҳ: 8 та жарангли-жарангсиз жуфтлик мавжуд; р, л, м, н, нг ундошлари ёлғиз жарангли ҳисобланиб, сонорлар дейилади; х, х, ц ёлғиз жарангсизлардир; 14 та жарангли 12 та харф билан, 11 та жарангсиз 11 харф билан ифодаланади; р товуши титрок, л товуши ён товуш ҳисобланади; ф, ж, ц ундошлари факат ўзлашма сўзларда учрайди.

* * *

Унли ва ундошларнинг

қўшалок қўлланиши

1. а, и, у, о унлилари сўз ўртасида қўшалок қўлланиши мумкин: таажжуб, бадийй, шуур, ис-

техзоомуз.

2. а, о унлилари сўз охирида қўшалок қўлланиши мумкин: мутолаа, мудофаа, Ватерлоо.

3. Деярли барча ундошлар сўз ўртасида қўшалок қўлланади: шох-шабба, аввал, сўнги, модда, мижа, изза, якка, миллион, хамма, миннат, ёппа, арра, муассаса, битта, Фаффор, аччик, боққа.

4. Айрим ундошлар сўз охирида қўшалок кела олади: конгресс, грамм, металл.

5. Унли ва ундошлар сўз бошида қўшалок қўлланмайди.

Изоҳ: г, з, л, в, нг ундош товушлари соф ўзбекча сўзларда сўз бошида деярли учрамайди; г ундоши соф ўзбекча сўзларда сўз охирида учрамайди.

* * *

**Унли ва ундошларнинг
сўз ясовчи вазифасида
келиши**

1. а, и унли товушлари от, феъл, сифат, равиш ясовчи қўшимчалар вазифасида кела олади: шаршара,

гулдир, тўла, ўта, қишлоқи, бойи, тинчи, чанги.

2. й, к, л, м, р, с, т, ч, қ ундош товушлари от, сифат, феъл ясовчи қўшимчалар вазифасида келади: қорай, истак, тугал, боғдам, қарам, гулдир, тўлат, севинч, жирканч, қувноқ, тароқ.

* * *

**Унли ва ундошларнинг сўз
ўзгартирувчи қўшимчалар вазифа-
сида келиши**

1. и унлиси эгалик қўшимчасининг III шахс бирлик ва кўплик шакли учун умумий қўшимча бў-

либ келиши мумкин: унинг китоби, уларнинг уйлари.

2. а унлиси жўналиш келишигининг ўғиз лаҳжаси ва поэтик нутқдаги қисқарган шакли бўлиб келиши мумкин: болама ўхшайди.

3. и унлиси тушум келишигининг поэтик нутқдаги қисқарган шакли бўлиб келиши мумкин: Тутмангиз ҳолими харгиз бахти қаро деб ахтаринг (Муқимий).

4. н ундоши қаратқич ва тушум келишларининг поэтик нутқдаги қисқарган шакли бўлиб келиши мумкин: Ер қуррасин бошиң танғидик. (Р. Парфи).

5. к ундоши шахс-сон қўшимчасининг I шахс кўплик шакли бўлиб келиши мумкин: бордик, борсак.

6. м ундоши эгалик ва шахс-сон қўшимчаси вазифасида келиши мумкин: онам, келдим, юрсам.

**Унли ва ундошларнинг
шакл ясовчи қўшимчалар
вазифасида келиши**

фёлли сўз қўшилмаси қисмларини боғлашга (ола келинг, йиқила ёдим), такрорий ва жуфт равишдош ҳосил қилишга (юра-юра, ура-сура), ҳозирги-келаси замон фёлини шакллантиришга (ёзаман) хизмат қилади.

2. й, б, ундоши ҳам равишдошнинг ҳолат шаклини ҳосил қилиб, такрорий равишдош ясашга (ўқий-ўқий, ўқиб-ўқиб), қўшма фёл қисмларини (сўраб кел) ва кўмакчи фёлли сўз қўшилмасида кўмакчи фёлни етакчи фёлга боғлашга (ўқий бошлади, сўраб бормоқ), ҳозирги-келаси замон (ўқийди) ва ўтган замон фёллари (ўқибди, ачиб эди) шакллантиришга, эргаш гапни бош гапга боғлашга (Чироклар чарақлаб, атроф ёришди; Ҳеч вақт ўтмай, Гулнора кўринди) хизмат қилади.

3. в, н ундошлари, аввало, ҳаракат номини ясади (тўлов, сайлов, ўқиш, яшаш), ш ундоши фёлнинг биргалик нисбатини (ишлашди) ва шахси номаълум гапнинг кесимини шакллантиришга (Марғилонда ёш болаларни ҳам сизлашади) хизмат қилади.

4. л, п, т ундошларидан фёлнинг ўзлик (тарқалди, ташланди), мажҳул (сўралди, тозаланган) ва орттирма (ўқит, сўрат) нисбати шакллари ясалди.

5. р титроқ ундоши фёлнинг сифатдош (ўйнар гап), келаси замон гумон фёли (кўзлар) ва ўтган замон давом фёли (сўраб эди)ни ҳосил қилади.

**Унли товушларнинг
сўз туркуми
ўрнида келиши**

сувдай... Э, қўйинг-е! Ў, жуда ажойиб-ку!

2. у унлиси жуфт сўз орасида, бириктирув ва зидлов боғловчили боғланган қўшма гаплар орасида боғловчи вазифасида келади: гулу лола; Бошқаларни билмадим-у, Кулала икковимизга қийин бўлди.

3. а, у унлилари юклама ўрнида кела олади: Вой, бирам чиройли гул экап-а! Учрашай дедим-у, вақтим бўлмади.

* * *

Сўзларнинг товуш таркиби

1. Сўзлар жарангли ва жарангсиз ундошлар ҳамда унлилардан таркиб топиши мумкин: идроким, тўпламларга, гулчилик,

меҳнатсевар, ирим-сирим.

2. Туб сўзлар фақат жарангли ундошлар ва унли товушлардан таркиб топиши мумкин: болалар, гул, озод.

3. Ясама сўзлар жарангли ундошлар ва унлилардан таркиб топиши мумкин: жимжимадор, йиғинди, айлана, гиламдўз, гулзор.

4. Туб сўзлар фақат жарангсиз ундошлар ва унлилардан тузилиш мумкин: пахта, қошиқ, ўқиш, иштаҳа.

5. Ясама сўзлар фақат жарангсиз ундошлар ва унлилардан таркиб топиши мумкин: қочоқ, тешиқ, иссиқ, ачиқ, тепки, тўсиқ, очик-сочик.

6. Ёпиқ бўғинлардан бири жарангли ундошлар ва унлилардан иборат бўлиши мумкин: сунбул, гулчилик, гулламоқ, босволди.

7. Ёпиқ бўғинлардан бири лаб ундошларидаги ва унлидан иборат бўлиши мумкин: мавсум, мафкура, бомба.

Изоҳ: ёпиқ бўғинлар фақат тил олди, фақат тил орқа ундошлардан ҳам таркиб топиши мумкин: асал, четдаги, кўрқоқ.

* * *

Бўғин

1. Бир зарб билан айтиладиган товуш ва товушлар бирикмаси бўғин ҳисобланиб, улар очик бўғин (унли билан тугаса) ва ёпиқ бўғин (ундош билан тугаса) кўринишига эга: арава, бириктир.

2. Сўзда печта унли бўлса, шунча бўғин бўлади: қоп, уюм, арава.

3. Бўғин уч хил амалий аҳамиятга эга:

а) сўзлар 1-синфда бўғин асосида ўргатилади;

б) сатрдан сатрга кўчириш бўғин асосида амалга оширилади;

- нг ундош товушининг иккала томонида ҳам унли товуш бўлса, нг ундоши иккинчи унли билан бўғин ҳосил қилади: си-нгил, де-нгиз, я-нга; нг ундошидан кейин ундош бўлса, мазкур ундош

биринчи унли билан бўгин ҳосил қилади: синг-лим, манг-лай, тапг-дил;

- бир унлидан иборат бўгин олдинги сатрда қолмайди ёки кейинги сатрга кўчирилмайди: а-рава, мудофа-а шаклида кўчирилган хато;

- ь, ь белгилари ўзидан олдинги бўгин таркибида қолади: сапъ-ат, аль-бом;

в) бармоқ ва аруз вазнида бўгин (хижо) ҳисобга олинади.

* * *

Сўз урғуси ва гап урғуси

1. Сўздаги бирор бўгиннинг бошкаларига қараганда кучлироқ айтилиши сўз (бўгин) урғуси саналади: ҳам-ро'х, матема'тиками:, ишла'йсаними?

2. Ўзбек тилида урғу, одатда, охириги бўгинга тушади: китоб, китобхон, китобхонлар, китобхонларга (урғу оладиган кўшимча кўшилиши билан урғу ҳам кўчиб бораверади).

3. Айрим бир сўзларда урғу охириги бўгинга тушмаслиги мумкин: до'им, алба'тта, афсу'ски, ба'лки, те'хника, аччи'ққина, за'вқи.

4. Урғу олмайдиган ушбу кўшимчаларни олган сўзларда ҳам урғу охириги бўгинда бўлмайди:

а) бўлишсизлик кўшимчалари: -ма, -май, -мас, -маслик;

б) шахс-сон кўшимчалари: -ман, -сан, -миз, -сиз, -ди;

в) буйрук ясовчи кўшимчалар: -ча, -дай, -дек;

г) гумон юклагичи ва кесимлик кўрсаткичи: -дир;

д) дона ва чама сон кўшимчалари: -та, -тача;

е) равиш ясовчи кўшимчалар: -ча, -дай, -дек;

ё) барча кўшимча юклагичлар: -а, -я, -ми, -чи, -ку, -да, -гина, -кина, -қина, -у, -ю, -ок, -ёк.

5. Урғунинг турли ўрида бўлиши ушбу омоним сўзларда маънони фарқлашга кўмак беради: янги' (сиф.) - я'нги (рав.), то'за' (сиф.) - то'за (рав.), бости'рма (феъл) - бостирма' (от), қайна'тма (феъл) - қайнатма' (сиф.), о'шиқ (от) - оши'қ (сиф.), қизгина' (от) - қи'згина (юклагичи от), ўқувчими'з (эг.к.) - ўқувчи'миз (шахс-сон к.), йигитча' (от) - йиги'тча (рав.).

6. Ган ургуси (мантикий ургу) бирор бўлакнинг бошқаларини қараганда кучлироқ айтилиши ҳисобланиб, одатда кесим олдида жойланади: Битирув имтиҳонлари **ёзда** бошланади.

* * *

Товуш ўзгаришлари 1. Сўзлар талаффуз қилинганда ва ёзилганда товуш ўзгармаслиги ёки ўзгариши мумкин: мевалар, авлод, мени, аччиқ.

2. Товуш ўзгаришларининг товуш алманишиши, товуш тушиши ва товуш орттирилиши каби турлари мавжуд: саногим, шаҳрини, иссиқ, унга.

3. Товуш ўзгаришлари сўзнинг ўзагида (ёсин, сана) қўшимчада (кетди, ютум), бир вақтда ҳар иккаласида (китобдай, боққа, тоққа) ёки ўзак ва қўшимча ўртасида (унга, шунча, бундай) юз бериши мумкин.

4. Бу ўзгаришлар морфологик ва фонетик ёзувлар асосида ёзилади.

* * *

Морфологик ёзувда ёзиладиган товуш ўзгаришлари

1. Овзаки нутқда юз берадиган деярли барча товуш ўзгаришлари морфологик ёзувда ёзилади.

2. Морфологик ёзув бир хилликни таъминловчи принципти бўлиб, бунда муайян сўз талаффуз қилинганча эмас, аслича ёзилади:

а) олдинги товуш кейинги товушни ўзига мослаштиради (прогрессив ассимиляция): кет+ди - кетти, от+дан - оттап (қўшимчада ўзгариш);

б) кейинги товуш олдинги товушга таъсир қилиб, уни ўзига мослаштиради (регрессив ассимиляция): йигит+ча - йигичча, ёз+син - ёсин (ўзакда ўзгариш);

в) икки ўхшаш товуш бир жойда ёки бир сўзда келганда улардан бири ноўхшаш товушга айланиши мумкин: зарар-зарал, бирорта-биронта (прогрессив диссимиляция); малол - марол, иттифок - иттифок (регрессив диссимиляция);

г) ёнма-ён келган ундош товушларнинг ўрин алманиши (мета-теза): ёмғир-ёғмир, тупроқ - турпоқ, айланмоқ - айналмоқ, ялмамоқ - ялмамоқ;

д) сўз бошида бир унлининг ортиши (протеза): рўмол - ўрў-мол, раис - ўраис;

е) сўз ўртасида и, у унлисининг ортиши (эпентеза): фикр - фикир, ҳукм - ҳукум;

ё) сўз ўртасида урғусиз бўғинда кенг унлининг тор унли каби талаффуз қилиниши (синкопа): директор - директор, генератор - генератир;

ж) сўз охирида товуш тушуши (анакона): дўст - дўс, ғишт - ғиш, газета - газет;

з) сўз ўртасида бир унлининг кучсизлашиб тушиб қолиши ва иккинчисининг чўзиб айтилиши (синерезис): соат - со:т, саодат - со:дат;

и) тор унлининг кучсизлашиб талаффуз қилиниши (редукция): тил, билак, пишик;

Изоҳ: унли билан туговчи ва унли билан бошланувчи икки сўзнинг қўшилиши натижасида унли товушлардан бири тушиб қолиши мумкин ва булар фонетик ёзув асосида ёзилади:

а) бирипчи унлининг тушуши: ёза олади - ёзолади, бора олади - боролади;

б) иккинчи унлининг тушуши: борар экан - бораркан, қайтар эмиш - қайтармиш;

в) Абдужалил - Абжал, олиб кел - онке кабилар мураккабланган элизия бўлиб, морфологик қоидага биноан ёзилади.

* * *

**Фонетик ёзувда
ёзиладиган товуш
ўзгаришлари**

1. Фонетик ёзув қондаси ёзма пукда юз берадиган товуш ўзгаришларининг шу ўзгариш бўйича ёзилишини назарда тутади.


2. Ушбу ҳолларда ўзакда товуш алма-

шади:

а) к, қ ундошлари билан тугаган сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилса г, ғ билан алмашади: билагим, терагинг, кераги, товоғимиз, тўнигингиз, ёғимда.

Изоҳ: аммо идрок, иштирок, халк, хулк, уфк, сук, ўк, хак, иттифоқ сўзларида ўзакда товуш алмашмайди;

б) сон, от, ёш, онг каби сўзлардан -а, -ла қўшимчалари орқали феъл ясалганда о товуши а билан алмашади: сапа, ата, яша, англа;



в) ёрмоқ феъли ўзагидан от ясалганда о товуши а билан алмашади: яра;

г) қувнамоқ, чапқамоқ, тарқамоқ, порламоқ каби феъллар ўзагидан сифат ясалганда а унлиси о билан алмашади: қувноқ, чапқоқ, тарқоқ, порлоқ;

д) сўрамоқ, санамоқ, бўямоқ, тарамоқ каби феъл ўзагидан от ясалганда а унлиси о билан алмашади: сўроқ, сапоқ, бўёқ, тароқ;

е) совимоқ феъли ўзагидан от ясалганда и унлиси у билан алмашади: совуқ;

ё) ҳаракат номи -в шакли орқали ҳосил қилинганда а унлиси о билан алмашади: сайлов, қатнов, тўлов;

ж) ҳаракат номи -в шакли билан ҳосил қилинганда и унлиси у билан алмашади: ўқув, тўқув;

з) бир сўзидан дона сон ясалганда р ундоши т билан алмашади: битта.

3. Ушбу ҳолларда ўзакда товуш тушади:

а) а, и, у қисқа унлилари иккинчи бўғинида бўлган сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда шу унлилар тушади: шахрим, бўғзинг, ўринг, қўйни, қорни, оғзингиз, синглим, кўнгли, бағримиз, захри, ярмимиз, эғни;

б) меп, сеп кишилиқ олмошларига қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари қўшилса, ўзакдаги бир п ундоши туширилади: менинг, сенинг, меги, сеги;

в) меп, сеп кишилиқ олмошларига отдаги ҳослик қўшимчаси қўшилганда ҳам бир п тушириб ёзилади: мепики, сепики;

г) ўйинг, қийинг сўзларидан -а қўшимчаси билан феъл ясалганда и унлиси тушади: ўйна, қийна;

д) наст, суест сифатларидан -ай қўшимчаси билан феъл ясалганда т ундоши тушиб қолади: насай, сусай;

е) айир, қайир феълларидан -ил қўшимчаси билан ўзлик пиебати ҳосил қилинганда и унлиси тушиб қолади: айрил, қайрил;

ё) икки, олти, етти сонларидан жамловчи сон ҳосил қилинганда и унлиси тушади: икковлоп, олтови, еттала.

4. Ушбу ҳолларда ўзакда товуш ортади: исимоқ, сасимоқ, ачимоқ феълларидан -иқ қўшимчаси билан сифат ясалганда ўзакда товуш иккиланади (ортади): иссиқ, сассиқ, аччиқ.

5. Ушбу ҳолларда ўзак билан қўшимча орасида товуш ортади:

а) у, бу, шу, ўша, мана шу, ана бу, ана ўша олмошларига жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги қўшимчалари қўшилганда бир н ундоши орттирилади: унга, бунда, шундан, ўшанга, мана шундан, ана бунга, ана ўшанда;

б) -ча, -дай қўшимчалари билан шу, бу, ўша, у олмошларида равиш ясалганда бир н товуши орттирилади: шунча, бундай, ўшанча, унча.

Изоҳ: бир сўзда икки хил товуш ўзгариши ҳам учраши мумкин: сарғиш, сарғимтир, буйруғи (товуш тушган ва алмашган).

* * *

Товуш ўзгаришига

учраб, фонетик ёзувда
ёзиладиган қўшимчалар

1. Аксарият қўшимчалар морфологияда ёзувда ёзилади.

2. От ва феълдаги айрим қўшимчалар эса товуш ўзгаришига учра

гани боис фонетик ёзувда ёзилади:

а) жўналиш келишиги қўшимчаси: -га>-ка, -қа: билакка, куракка, бутуққа, кулоққа;

б) сифатдошнинг айрим қўшимчалари: -ган>-кан, -қан: туккан, боққан;

в) равишдошнинг айрим қўшимчалари: -гач>-қач, -қач: чўққач, чиққач; -гунча>-кунча, -қунча: тукқунча, боққунча; -гани>-кани, -қани: тўққани, боққани;

г) орттирма нисбатнинг баъзи қўшимчалари: -дир>-тир: келтир, чоптир; -гиз>-қиз, -қиз: ўтқиз, ётқиз; -газ>-қаз, -қаз: ўтқаз, тутқаз;

д) -им, -ик, -иқ қўшимчалари сўз ясовчи вазифасида келганда уюм, тузук, юлук;

е) предметнинг ўрин ёки вақтга кўра белгисини билдирадиган сифат ясовчи қўшимчалар: -ги>-ки, -қи: ички, ташки;

ё) ҳозирги замон шаклидаги -ди қўшимчаси: боряпти, куляпти;

ж) от ясовчи -инди>-унди: ювунди, куюнди.

з) буйруқ майлининг II шахс бирлик шакли: -гин>-қин, -қин.

* * *

МОРФЕМИКА

1. Бу бўлимда ўзак ва қўшимчалар ўрганилади:
тўп+ла+м+лар+имиз+га, суя+н+ч+иқ+им+сиз,
гул+бе+ор+лар+ингиз.
2. Морфема - ўзак ва қўшимча; булар сўзнинг энг кичи
маъноли қисми ҳисобланади.
3. Сўзнинг морфемик таркиби - сўзнинг ўзак ва қўшимчага
ажралиши: мувофик+ла+ш+тир+ил+ган.
4. Ўзак - сўзда мутлақо (ҳар доим) қатнашадиган морфема
ўй+ла, ол+иб кел+иб бер+моқ.
5. Қўшимча - сўзда ҳар доим ҳам қатнашавермайдиган морфе
ма: тўп, тўп+ла, тўп+ла+п+ди.
6. Қўшимчалар вазифасига кўра 3 хил: сўз ясовчи, сўз шакл
ясовчи, сўз ўзгартирувчи.
7. Қўшимчалар шакл ва маъносига кўра 4 хил: омоним, сино
ним, антоним, кўп маъноли қўшимчалар.
8. Қўшимчалар тузилишига кўра 2 хил: содда ва мураккаб.
9. Қўшимчалар сўз яшаш микдорига кўра 3 хил: упумли, ка
мунум, унумсиз.
10. Аффиксоидлар - аввал сўз бўлиб, ҳозирда қўшимчага ай
ланган морфемалар: ҳақ+нараст, иш+хопа, пос+фуруш, чой+хўр
сиз+боп, боғ+боп.

* * *

Сўз ясовчи қўшимчалар

1. Бир туркумдан бошқа туркумдаги ёки
бир туркумдан шу туркумдаги янги сўз
ҳосил қилади: кўра (фeъл) + к = кура
(от), по + тўғри (сифат) = потўғри (сифат).
2. Сўз ясовчи қўшимча:
 - а) ўзакдан сўнг қўшилади: қарс+ак=қарсак, уй+им=уюм;
 - б) ўзакдан олдин қўшилади: по+маълум, сер+файз;
 - в) шакл ясовчи қўшимчадан сўнг: ёқ+ил+ғи, ўч+ир+ғич;
 - г) қўшма сўзга қўшилади: сим ёғоч+ли, сайр қилиб юриш+ли;
 - д) жуфт сўзга қўшилади: ота-она+сиз, уй-жой+ли;
 - е) такрорий сўзга қўшилади: кўз-кўз+ла;
3. Сўз ясовчи қўшимча орқали ушбу туркумлардан янги сўз
яшаш мумкин:
 - а) отдан: иш+чи, ақл+ли, қисм+ан, сўз+ла;

- б) феълдан: *эк+иш, сог+ин, чиз+гич, теп+ки, ағдар+ма*;
 в) сифатдан: *эски+р, оқ+ар, но+тўғри*;
 г) сондан: *бир+лик, икки+лан, бир+лаш*;
 д) равишдан: *кўп+ай, ёз+ги, оз+ай, кеч+ки*;
 е) олмошдан: *сиз+ла, сиз+боп, манман+лик, ўз+лик, сеп+сира*;
 ё) ундовдан: *дод+ла, вой+илла, салом+лаш, хайр+лаш*;
 ж) таклиддан: *ялт+ира, виз+илла, варр+ак, гижж+ак, бўрс+илдоқ, шаршар+а*;
 з) модал сўздан: *бор+лик, йўқ+чилик, йўқ+ла, керак+сиз*.
 4. Сўз ясовчи кўшимчалар лексик кўрсаткич хисобланади.
 5. Фақат феъл ўзакдан сўз ясовчи кўшимча орқали феъл ясаб бўлмайти.
 6. Фақат 4 сўз туркуми: *от, сифат, феъл, равиш* туркумининг сўз ясовчи кўшимчалари бўлиб, улар турли сўз туркумларидан янги сўзлар ясайди.

* * *

**От туркумининг
сўз ясовчи
кўшимчалари**

1. От ўзакдан: *-чи* (кўшиқчи), *-шупоқ* (тилшупоқ), *-кор* (шоликор), *-каш* (аравакаш), *-хон* (китобхон), *-дўз* (гиламдўз), *-гар* (заргар), *-паз* (ошпаз), *-боз* (ваъдабоз), *-хўр* (чойхўр), *-параст* (отаппараст), *-дор* (мулкдор), *-фуруш* (чойфуруш), *-дош* (синфдош), *-вачча* (бойвачча), *-хам* (хамкасб), *-ли* (дўстлик), *-чилик* (мулкчилик), *-гарчилик* (лойгарчилик), *-о* (хаёлот), *-зор* (гулзор), *-лок* (ўтлок), *-истон* (гулистон), *-го* (сайлгох), *-дон* (сиёхдон), *-хона* (чойхона), *-нома* (арзнома), *-тик* (ўлимтик), *-моқ* (илмоқ).

2. Феъл ўзакдан от ясовчилар: *-к* (тилак), *-ик* (тўсик), *-а* (хўрак), *-ук* (югук), *-оқ* (қочоқ), *-ги* (севги), *-ки* (тепки), *-ғи* (ёқилғи), *-қи* (тутатқи), *-м* (чидам), *-ум* (тузум), *-ма* (бирирма), *-қин* (тошқин), *-ғип* (қирғип), *-ип* (ёнғип), *-уп* (тугуп). *-гич* (ўчиргич), *-ғич* (сўргич), *-кич* (эриткич), *-чок* (овунчок), *-имта* (ўсимта), *-дақ* (кекирдақ), *-моч* (қирмоч), *-қон* (босқон), *-ди* (хордик).

3. Таклид сўздан от ясовчилар: *-ак* (ғуррак), *-оқ* (қалдиروق), *-а* (ғарғара), *-илдоқ* (чирилдоқ), *-ос* (чуввос).

4. Сифат ўзакдан от ясовчилар: *-лик* (яхшилик), *-обод* (Янгиобод).

5. Олмошдан от ясовчилар: *-лик* (манманлик).

6. Равишдан от ясовчилар: -лик (тезлик).

* * *

**Сифат туркумининг
сўз ясовчи кўшимчалари**

1. Феъл ўзакдан сифат ясовчилар: -чок (эринчок), -чик (қизғанчик), -чак (куйинчак), -қок (уюшқок), -гир (сезгир), -қир (кесқир), -қир (топқир), -ғир (олғир), -ғай (қунғай), -қи (ўйноқи), -қин (тушқун), -қин (жўшқин), -ғин (озғин), -ғун (турғун), -к (чирик), -ик (ўлик), -ук (бузук), -ғ (ёруғ), -ма (қўшма), -мас (қўрқмас), -ч (жирқанч), -қа (қисқа), -ағон (билагон), -мон (ўлармон), -а (тўла), -ин (соғин), -арли (ачинарли), -ирли (арзирли), -м (қарам).

2. От ўзакдан сифат ясовчилар: -ли (турли), сер- (сершоҳ), ба- (басавлат), бо- (боақл), бе- (бемаъни), по- (нотаниш), -маид (давлатманд), -қор (фидоқор), хуш - (хушҳаво), -сиз (хабарсиз), -чан (хаёлчан), -ғай (қунғай), -лик (шаҳарлик), -дон (гапдон), -ий (илмий), -вий (оилавий), -и (қишлоқи), -намо (авлиёнамо), -симоп (шарсимоп), -парвар (халқпарвар), бад- (бадбўй), -қаш (дилқаш).

3. Сифат ўзакдан сифат ясовчилар: но- (номаълум), -қисқ (қаримқисқ), -қом (соғлом).

4. Олмошдан сифат ясовчилар: -қоп (сизқоп), -сиз (сенсиз)

5. Таклиддан сифат ясовчилар: -қилқок (шақилқок).

6. Модал сўздан сифат ясовчилар: -ли (қерақли), -ий (зарурий).

* * *

**Феъл туркумининг
сўз ясовчи
кўшимчалари**

1. От ўзакдан феъл ясовчилар: -ла (сўзла), -қан (фаҳрқан), -са (сусса), -а (сана), -қира (ғумонқира).

2. Сифат ўзакдан феъл ясовчилар: -й (қорай), -р (эқир), -ай (пасай), -ар (қўқар), -ик (ўзўрик), -и (бойи), -т (тўлат), -ит (берқит).

3. Таклид сўздан феъл ясовчилар: -қаш (саломқаш), -қилла (чирқилла), -ира (ярқира).

4. Равиш ўзакдан феъл ясовчилар: -ла (сеқинла), -ик (кеқик).

5. Олмошдан феъл ясовчилар: -ла (сизла), -қира (сенқира).

6. Сондан феъл ясовчилар: -қан (икқилан), қаш (бирқаш).

7. Упдов сўздап феъл ясовчилар: -ла (додла), -илла (войилла), -лаш (хайрлаш).

8. Модал сўздап феъл ясовчилар: -ла (йўкла).

Рапиш туркумининг

**сўз ясовчи
қўшимчалари**

1. От ўзакдан рапиш ясовчилар: -ча (ўзбекча), -ларча (болаларча), -часига (йигитчасига), -сига (қаторасига), -она (дўстона), -лаб (ойлаб), -аки (ёдаки).

2. Сифатдан рапиш ясовчилар: -ан (мажбуран), бе- (бесомон), -лай (тириклай), -лигича (хомлигича), -ча (яширипча), -ига (қўпдалангига).

3. Феълдан рапиш ясовчилар: -сиз (тўхтовсиз).

4. Олмошдан рапиш ясовчилар: -лайн (бутунлайн).

5. Сондан рапиш ясовчилар: -дан (бирдан).

* * *

**Сўз ўзгартирувчи
қўшимчалар**

1. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар - сўз маъносига таъсир ўтказмайдиган, алоқа-восита (ганда сўзларни боғловчи)

қўшимчалардир:

а) эгалик қўшимчалари: -м/-им, -нг/инг, -си/-и, -миз/-имиз, -нгиз/-ингиз;

б) келишик қўшимчалари: -ниг, -ни, -га (-ка, -қа, -ға, -а), -да, -дан;

в) шахс-сон қўшимчалари: -м, -нг, -к, -нгиз; -ман, -сан, -ди, -миз, -сиз.

2. Келишик, эгалик қўшимчалари турловчи ҳисобланиб, от, олмош, отланган сўзга қўшилади; баъзан сонга қўшилиши мумкин.

3. Шахс-сон қўшимчалари тусловчи ҳисобланиб, фақат феълга қўшилади; рапишдошнинг -б, -иб; -а, -й, -ман шакллари, сифатдош туслана олади.

Изоҳ: -ман, -сан, -сиз тусловчи қўшимчалари от, олмош, отланган сўзларга (ган таркибида от-кесим бўлганда) қўшила олади. Сиз акамсиз.

4. Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар морфологик кўрсаткич ҳисобланади.

* * *

Шакл ясовчи қўшимчалар

1. Шакл ясовчи қўшимчалар

ўзакка қўшилиб, маънони бир оёз

гартириб, уларга қўшимча маъно юклайди.

2. Шакл ясовчи қўшимчалар олмондаги ташқари барча мусо тақил сўз туркумларида мавжуд;

а) *отда*: қўнлик (уйлар, онамлар), кичрайтириш-эркалан (кизгина, бўталок, қушча, келинчак, онахон, отажон, Ойбек, Гулбиби, Сарибой), чегара (уйгача), хослик (уйлики), ўрин (уйдаги) ўхшатиш (гулдай);

б) *сифатда*: озайтирма сифат (кўкиш, қорамтир, кўкимтир), киёсий даража (катта+роқ);

в) *сонда*: дона (беш+та), чама (ўн+гача, юз+ларча, минг+лаб, ўн+лар эди), жамловчи (икк+ов, уч+ала, ет+овлоп), тартиб (икк+ичи, уч+ичи), тақсим (уч+тадап, уч+талаб);

г) *равишда*: даража (тез+роқ, секин+гина);

д) *февлда*:

- бўлишсизлик; -ма, -май (равишдош), -мас (сифатдош), -маслик (харакат поми);

- ўзлик писбати: -л, -ил, -п, -ип (айр+ил+ди, кий+ип+ди);

- мажхул писбат: -л, -ил, -п, -ип (хайда+л+ди, ишла+п+ди);

- биргалик писбати: -ш, -иш (бор+иш+ди, кўр+иш+ди);

- орттирма писбат: -т, -ар, -ир, -из, -гиз, -киз, -киз, -дир, -тир, -газ, -каз, -қаз, (ўқит, чиқар, юргиз, ётқиз, ўтказ, ёндир, айттир, сўраттир);

- шарт майли: -са (юргизса);

- буйруқ-истак майли: -ай (айтай), -айип (борайип), -гип (боргип), -ип (сўрап), -ипиз (чикипиз), -сип (тўксип);

- ўтган замон: -ди (келди), -ган эди (борган эди), -ган (юрганган), -б(-иб) эди (бориб эдим);

- ҳозирги замон: -ян (боряпган), -ёттир (юраёттирман), -моқда (бормоқдаган);

- а (бораган), -й (ўйнаган);

- келаси замон: -моқчи (ёзмақчисан), -р(-ар) (борар ган);

- равишдош:

а) ҳолат: -а, -й, -б, -иб (ура-сура, бориб);

б) пайт: -гупча, -қупча, -қупча, -гач, -қач, -қач, (боргупча, боргач);

в) мақсад: -гани, -қани, -қани (дам олгани);

- сифатдош: *-гап, -кап, -кап* (ишлаган бола), *-р, -ар, -мас* (Айттар сўзни айт, айтмас сўздан қайт), *-жак, ажак, -гуси* (келажак)
 - ҳаракат поми: *-ш, -иш, -в, -ув,, -моқ, -маслик* (*ўқиш, ўқув ўқимок, ўқимаслик*); (от, олмош отланган сўзларга қўшилади турланади, шахс ва замонни кўрсатмайди).

* * *

**Кўшимчаларнинг
 шакл ва маъносига
 кўра турлари**

1. *Омоним кўшимчалар* - турли ва зифада келувчи шаклдош (бир хил кўшимчалар: *-ма* (юрма, қотишма кўшма), *-лар* (уйлар, дадамлар, ўплар кўпгиллар), *-ла* (ишла, қувла, биз-ла), *-иш* (экиш, соғиш, кийиш сўкиш).

2. *Синоним кўшимчалар* - бир хил маъно (грамматик, лексик) ҳосил қилувчи кўшимчалар: *е+дир, е+ғиз; акл+ли, бо+акл пул+ли, пул+дор; сабр+сиз, бе+сабр.*

3. *Антоним кўшимчалар* - бир-бирига зид маъно ҳосил қилувчи кўшимчалар: *пул+сиз-пул+дор, акл+ли-бе+акл, бо+ада, бе+одоб.*

4. *Кўн маъноли кўшимчалар* - маъноларида боғламини бўлган кўшимчалар бўлиб, бир сўз туркумига хос сўзлардаги *-ма, -са, -чилик* каби кўшимчалар: *уюшма-боғлама, ёзма-қўшма, дехқончилик-мўлчилик.*

Изоҳ: илгари морфемага ажралган, аммо ҳозирда морфемага ажралмай яхлит ўзакка айланиб қолган сўзлар: *қишлоқ, олоқ, яйлов, силлиқ, суюқ, тирик, ғовла, эмакла, ўдағайла, таралла, маинший, модний, мадапний, сиёсний, кўчмапчи, қулоқчин, бўғи, белдамча, айпият, пўстлоқ, шодиёна, бирор, бугун, безор, окли, кўшимча, шолча, қизғин, чиркин, патир, пичок, сунур, ичак, юсак, Ташкент, Наманган* - бу сўзларнинг морфемага ажралмаслигига сабаб, уларда маълум бир кўшимча бўлса ҳам, ўзак лексик маънога эга бўлмайди ёки ўзак ҳам, кўшимча ҳам шаклан морфемага ажрала олса-да, улар асл маъноларига тўғри келмайди: Ташкент «тош шаҳар» эмас.

* * *

**Сўз
 таркиби**

1. Сўзлар тузилишига кўра қуйидаги шаклларга эга:

а) *солда* - бир ўзакли туб (кўлимтир) ва яс

ма (уя+ли) сўзлар;

б) кўшма - камида икки ўзакли (бир) сўз: *отқулоқ, ҳеч қачон олиб кел, бир оз, бирийўла*;

в) жуфт - икки ҳар хил сўзнинг жуфтлашишидан ҳосил бўлган (бир) сўз: *эл-юрт, ола-була, алапг-жалапг*;

г) такрорий - бир ўзакнинг такроридан ҳосил бўлган (бир) сўз: *бир-бир, эс- эс, оҳ- оҳ, тарақ-тарақ; поп-поп, доп-доп, ирим-сирим каби такрорий сўзлар ҳам мавжуд*;

д) кискартма - отга ҳос кискартмалар : АҚШ, ЎЗМУ, Ўзтелеком.

2. Кўмакчи феълли сўз кўшилмаси - шаклан кўшма феълга ўхшаш, бироқ иккинчи қисми мустақил маъно билдирмайдиган (бир) сўз; етакчи феъл содда ва кўшма бўлиши мумкин: *санабоқ, айтиб тур, олиб келиб бер; ўкиб бериб тура қол*.

* * *

Сўз ясалиши

1. Сўз яшаш, қандай усул билан бўлса-да янги сўз ҳосил қилиш демакдир: *юмшо+қ, ҳозир+жавоб, кўз-кўз+ла, гул+бе+ор, соғ+саломат олиб+кел, тасдиқ+қилмоқ*.

2. Сўз яшаш турлари (усуллари):

а) *морфологик усул* - ўзак-негизга сўз ясовчи кўшимча кўшиб янги сўз ҳосил қилиш; 4 та сўз туркуми (*от, феъл, сифат, равиш*) шу усул билан ясалади: *от (иш+ла), олмош (сеп+сира), сифат (яхши+лик), феъл (сез+ги), равиш (кўн+ай), сон (бир+лаш), ундов (дод+ла), таклид сўз (ғижж+ак), модал сўз (бор+лик) сўз ясалишига асос бўлади*;

Изоҳ: олмош, сон ва ёрдамчи сўзлар бу усулда ясалмайди.

б) *синтактик усул* - кўшма ва жуфт сўзларни яшаш усули:

- **кўшма сўз** барча мустақил сўз туркумларида мавжуд:

- *кўшма от*: *апиқловчи+аниқламиниш* (билакузук, сўзбоши, оққуш, учбурчак), *эга+кесим* (Бектемир), *ҳол+кесим* (босволди, олибсотар, бешотар), *тўлдирувчи+кесим* (отбоқар, муз ёрар) *кесим(ган) +ундалма* (уртўқмоқ, ёрилтош).

- *кўшма сифат*: *от+от* (мехмондўст, шифобахш, бугдой ранг) *сифат+от* (софдил, кўштиғ), *от+сифат* (ёкавайрон), *от+а* кўшимчали феъл (мехнатсевар), *от+аро* (халқаро).

Шунингдек: *эга+кесим* (бош яланг), *аниқловчи+аниқланмиш* (майдаган), *тўлдирувчи+кесим* (типчиликсевар), *хол+кесим* (эртапишар).

- *мураккаб сон* : бир юз ўн беш, бир ярим, бир кам қирк.

- *қўшма олмошлар*: *ана шу* (кўрсатиш), *хар ким* (белгилаш), *ҳеч ким* (бўлишсизлик).

- *қўшма феъллар*: феъл бўлмаган сўзнинг феъл билан бирикишидан (*қарор қил, қайд эт, ёд ол, оҳ ур, милт-милт қил*) ва икки феълнинг бирикиши (*олиб чиқ, бориб кел, тортиб ол, ола кел, тортиб чиқ*) дан ҳосил бўлади.

- *қўшма равиш*: *бир, оз сўзи билан* (*бирмунча, озмунча, бир-варакай, бирйўла, бир оз, бир зум*); *алла сўзи билан* (*аллавақт, аллапечук, аллақачон*); *ҳар, ҳеч сўзи билан* (*ҳар вақт, ҳеч замон, ҳеч қаср*), *аниқловчи-аниқланмиш* (*ҳамма вақт, ўтган кун(и), ўша захоти, бу ёқдан*).

- *жуфт сўзлар* мустақил сўзлардан ташқари, ундов ва тақлид сўзларда ҳам бўлса-да, фақат мустақил сўзлардагина ясама ҳисобланади:

- *жуфт от*: синоним отлар (*ҳамду сапо, соғ-саломат, ҳузур-ҳаловат*), синоним бўлмаган отлар (*соя-салқин, ган-сўз*), антоним отлар (*еру кўк, эр-хотин*), иккинчи қисми мустақил қўлланмайдиган отлар (*кийим-кечак, қапд-курс*), иккала қисми мустақил маънога эга бўлмаган отлар (*ғала-ғовур*);

- *жуфт сифатлар*: синоним сифатлар (*ола-чинор, кингир-кийшиқ*), маъноси яқин сифатлар (*оч-яланғоч, очик-сочик*), антоним сифатлар (*паст-баланд, ок-қора*), иккинчи қисми мустақил қўлланмайдиган сифатлар (*ола-була, кўпол-сўпол*), иккала қисми мустақил қўлланмайдиган сифатлар (*пойинтар-сойинтар*);

- *жуфт сонлар*: *бир-икки, уч-тўрт, ўн-ўнбеш, йигирма-ўттиз* кабилар чама сон ҳосил қилади;

- *жуфт олмошлар*: тенг боғланган икки олмош: *у-бу, сен-мен, сиз-биз*;

- *жуфт феъл*: стакчи феъл билан кўмакчи феъл бир хил шаклда жуфт феълни ҳосил қилади; *айтди-қўйди, ўтди-кетди, ура-сура* (ясама эмас);

- *жуфт равиш*: синонимлардан (*аста-секин, очик-ойдин, узил-кесил*), антонимлардан (*қийин-ёзил, остин-устин, очип-тўлип, эрта-кеч*).

Изох: от (*кундан-кунга*), сифат (*чакқон-чакқон*), олмош (*ўз-ўзидап*), равиш (*тез-тез*), сон (*бирдан-бир*) ва феъл (*тўхтаб-тўхтаб*)ни такрорлаш орқали ҳам равиш ясаш мумкин.

в) *семантик усул* - сўзни бошқа маънода қўллаш ёки сўзнинг бир туркумдан иккинчисига кўчиши:

- баъзи сифатлар от, сифат ўрнида кела олади: *бой, асир, касал, кекса, тўрик, дангаса, ошна, уста*;

- баъзи отлар икки хил лексик маънода ишлатилади: *ойлик (30 кунлик), ойлик (маош)*;

- сифатдош сифатга кўчади: *келишган (йиғит), келажак(замон)*;

- феъллар жуфтлашиб от ҳосил қилади: *борди-кедди, қўйди-чиқди, олди-берди, ур-йиқит*;

- феъллар жуфтлашиб сифат ҳосил қилади: *қўйди-пишди*;

- феъллар жуфтлашиб равиш ҳосил қилади: *узил-кесил*;

- сифатдош такрорланиб равиш ясайди: *билинар-билинмас*;

- модал сўз жуфтлашиб от ҳосил қилади: *бор-йўғим*;

- равишлар жуфтлашиб от ҳосил қилади: *кам-қўст*;

- сифатлар жуфтлашиб от ҳосил қилади: *ок-қора*;

- феъллар такрорланганда от ясалади: *деди-деди*.

г) *синтактик-лексик усул* - сўз бирикмаси, гап, ихчам гап+ундалманинг бир сўзга айланиши:

- битишув: *калтафаҳм, софдил, босволди, бешотар*;

- мослашув: *билакузук, тоғолча*;

- бошқарув: *отбоқар, музёра, типчиликсевар*;

- эга-кесим: *бош яланг, Сойкелди*;

- ихчам гап-ундалма: *уртўқмоқ, ёрилтош*.

д) *фонетик усул* - товуш тушириб ёки орттириб сўз ясаш: *шеър-шер, саъва-сава, сийла-сила, зирак-зийрак*;

е) *аббревиация усули*; сўзларни қискартиб сўз ясаш: *БМТ, ТошМИ, Ўзтелеком*.

* * *

ОРФОГРАФИЯ

Дублетлар

Айрим сўзлар икки хил айтилади ва икки хил ёзилади, булар дублетлардир: адаб - одоб, айқирмоқ - ҳайқирмоқ, беркик - бекик, батартиб - ботартиб, гадо - гадой, гуруч - гурунч, дарча - дарича, маъно - маъни, наби-

ра - невара, обрў - обрўй, каптар - кабутар, санобар - санубар, ус тоз - устод, баттар - бадтар, ўтириш - ўлтириш, шўнгимок шўмғимок, ошна - ошно, масжид - мачит, суюнтир - севинтир қайтадан - қайтатдан, қувламоқ - қуваламоқ, хийлагар - хийлакор чу - чух, юмалок - думалок.

* * *

**Қўшма
сўзларнинг ёзилиши**

1. Мазкур тузилишдаги қўшма сўзлар қўшиб ёзилади:

а) бир тушунчани билдирадиган ва бир бош урғу билан айтиладиган қўшма сўзлар: *белбоғ, асалари шерюрак;*

б) *хуш, кам, ҳам, умум, боп, пома, хона, сифат, ранг, бахш* каби сўзлар ёрдамида ясалган қўшма сўзлар: *хушхабар, кам хосил, ҳамфикр, талабнома;*

в) *бирпас, бирйўла, бирваракай, қайвақт* каби равишлар;

г) кейинги қисми турдош от ёки *обод* сўзи билан ифодаланган географик номлар: *Амударё, Косонсой, Янгикўрғон, Бекобод.*

2. Қуйидаги тузилишдаги қўшма сўзлар ажратиб ёзилади:

а) биринчи қисми сифат, иккинчиси атоқли от бўлган географик номлар: *Кичик Осиё, Марказий Америка;*

б) *ҳар, ҳеч, ҳамма, айрим қай, бир* сўзли қўшма равишлар ва олмошлар: *ҳар кун, ҳамма вақт, қай куни, бир оз, ҳар ким, ҳеч ким, ҳар бир.*

* * *

**Чизиқча билан ёзиладиган
жуфт ва такрор сўзлар**

1. Қуйидаги сўзлар чизиқча билан ажратиб ёзилади:

а) жуфт ва такрор сўзлар:

аста-секин, қоп-қоп;

б) жуфт сўзлар *-у (-ю)* боғловчиси билан қўлланса, кирилл ёзувида олдинги сўзга қўшиб ёзилади (*эртаю кеч*); лотин ёзувида биринчи сўздан чизиқча билан ажратиб ёзилади; *kun-u tun, ona-yu bola;*

в) *-ма, ба-, -дан* ёрдамида бириккан сўз қисмлари чизиқча билан ёзилади: *юзма-юз, ранг-баранг, кўлдан-кўл.*

* * *

**Бош ҳарф билан ёзиладиган
сўзлар**

1. Қуйидаги сўзлар бош ҳарф билан ёзилади:

- а) атокли отлар (киши исмлари, тахаллус, жой номлари в.
б.) *Аброр, Фитрат, Миррих, Ой;*
б) давлат, унинг олий ташкилотлари, олий мансаблар,
халқаро ташкилот номлари: *Ўзбекистон Республикаси, Олий
Мажлис Раиси, Жаҳон Тинчлик Кенгаши;*
г) олий мукофот номларидаги ҳар бир сўз: *Ўзбекистон
Қаҳрамони, Олтин Юлдуз;*
д) бошқа мукофот, нишонлардаги биринчи сўз: *«Шухрат» ор-
дени;*
е) муҳим тарихий сапа, байрам номлари: *Мустақиллик куни,
Наврўз байрами, Рамазон ҳайити;*
ё) қисқартма отлар: *БМТ, АҚШ.*

* * *

**ц ундошининг лотиндаги
шакллари**

1. Сўз бошида ва охирида келса, s
ёзилади: sirk, soy, abzas;

са, ts ёзилади; aviatsiya, militsiya, konstitutsiya, deklaratsiya;

3. Сўз ўртасида ундошдан сўнг келса, s ёзилади: aksiya,
unsiya.

* * *

**Ёзилиши
қийин сўзлар**

Айрим сўзларнинг имлоси бир мунча
қийин ҳисобланади: афв этмок, абитури-
ент, алахсирамоқ, алахсимоқ, тақсим,
тахлит, тақлид, таққир, таъм, хайхот, хушхол, ҳамжихат, рўйхат,
таъқиб, таъзир, хою-ҳавас, қайтатдан, қуваламоқ, синган, синган,
яшшамагур, тараддуд, шосуна, шахсувор, мушиқи, мушиғи, лейте-
пант, хайъат, хусайни, хуш, хуш, хол, хол, хат, ухла, ухла, хато,
хайр, базур, базўр, бахузур, бесўнақай, хосият, хосият, ҳуқуқ,
муҳим, муқим, муваффақият, муассаса, мутахассис, маврид, муо-
мала, муҳокама, мутолаа, мулоқот, энидемиология, номақбул, но-
маъқул, масъулият, тақиқламоқ, сайъ-ҳаракат, хатти-ҳаракат, хол-
аҳвол, яъни, янимок, таъб, таб, тазийқ, таважжух, тааллуқ, тааж-
жуб, batalon, bargga, rejissor.

* * *

ОРФОЭПИЯ

1. Огзаки путқ қонун-қоидалари ўрғанилади.
2. Агар муайян сўз барча ҳудудларда бирдек бузиб ишлатилса, орфоэпик меъёрга мослик ҳисобланади: *отка (отга), исхор (изхор), иссиз (изсиз), қудик (қудук)*.
3. Агар муайян сўз маълум ҳудуддагина бузиб талаффуз қилинса, орфоэпик меъёрдан чекиниш ҳисобланади: *акқа (у ёкқа), ошши (ошпи), бала (бола), кетаппан (кетиппан)*.
4. Ъ белгиси унлидан сўнг келса, шу унли чўзиқ айтилади: *маъно, аъло, таъзим, таъсир, матлаъ*.
5. Ъ белгиси ундошдан кейин келса, ундош билан унли ажратиб талаффуз қилинади: *сапъат, қалъа, масъуд, машъум*.
6. *Баҳор, замон, тамом* сўзларида а унлиси о га мойил айтилса ҳам, а ёзилади.
7. *Аъло, маъно, таъм, маътал, таъб* сўзларида ъ (тутук белгиси) таъсирида унли чўзиқ айтилса ҳам битта а ёзилади.
8. *Мутолаа, мудофаа, мапфаат, таажжуб, тааллук* каби сўзларда а унлиси чўзиқ айтилади ва 2 та а ёзилади.
9. Конгресс, миллион сўзларида битта с, л айтилади, аммо иккита ёзилади.
10. Айрим русча-ўзлашма сўзларда е, ё, я, ю ундоши ўрнида а, у айтилади ва ёзилади: *budjet*.
11. *Трактор, картошка* сўзларида о унлиси и каби талаффуз қилинади (*трактир, картишка*), аммо о ёзилади.
12. *Тўқсон, иқтисод, тақдим, пақд, мақсад* сўзларида к товуши х га мойил айтилса ҳам, қ ёзилади.
13. х бўғиз ундоши чуқур тил орқа х ундошига қараганда юмшоқроқ, пафисроқ талаффуз этилади ва бу ҳолат пароним сўзларда аниқ кўринади: *шохи-шохи, хол-хол, ҳосият-ҳосият, хил-хил, ухла-ухла*.
14. п товуши б, м, п ундошлари олдида м тарзида айтилади, аммо п ҳарфи билан ёзилади: *тамбур-тапбур, мимбар-мипбар, мамман-мапман, мамлар-маплар*.
15. пг ундоши *мапглай, ипгичка, денгиз, кўндаланг, сипгил* сўзларида учрайди, аммо *конгресс, ипглиз, тапгенс, бугунги* сўзларида пг ундоши мавжуд эмас.

* * *

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Кўп маъноли сўзлар

1. Тилдаги барча сўзлар шу тилнинг лексикасини ташкил қилади.

2. Сўзлар бир маъноли (*моносемантик*) ва кўп маъноли (*полисемантик*) бўлади: *равини, чумчук, кўз, қалин*.

3. Кўп маъноли сўз бош (*ўз*) ва ясама (*кўчма*) маъноли бўлади:

а) ўз маъно - сўзнинг путқдан ташқаридаги маъноси: *кўз-кўриш аъзоси*;

б) кўчма маъно - сўзнинг путқдаги бошқа сўзлар ёрдамида англашиладиган маъноси: *деразанинг кўзи, булоқнинг кўзи*.

4. Кўп маънолилиқ отда (*кўз, лаб, бош, ўчок, гирдоб, мактаб*), феълда (*кесди, узди, чўзди, тишдирди*), сифатда (*енгил, оғир, тишиқ*), равишда (*тонг, эрта, кеч*), сонда (*бир*) учрайди.

5. Кўп маъноли сўз омоним сўзга ўхшаш, бироқ омоним *бир шаклга эга бир неча сўз бўлса*, кўп маънолилиқ *бир сўзнинг турли маънолари* ҳисобланади.

6. Кўп маънолилиқ турли маъно кўчишига олиб келади:

а) *метафора* - ўхшашлик асосида маъно кўчиши: *Ўчок оғзи, шиёла лаби, мактаб биқини, дуторнинг қулоғи, ҳовли этағи, ҳазон бўлмоқ, ҳаёт зағи*; *Хушрўй Зайнабни сўз билан чакиб олди*.

б) *метонимия* - алоқадорлик асосида маъно кўчиши; биричинг номи иккинчисига кўчиши: *Фузулийни ўқимоқ, самоварга чиқмоқ, ўнга кирмоқ; Осмонга тикилар миллион жуфт кўз. Зал оёққа турди; Қўқоғга борамап*.

в) *синекдоха* - бутушни атаб қисмини, қисмини атаб бутушни англаш: *Тирпоққа зор. Ўн қўл-ўн ҳунар. Ёнғоқ эқдим, оксоқол. Кеч-гача туз тотмади*.

г) *вазифадошлиқ* - вазифанинг кўчиши: *ўқ (пайқон), ўқ (натроп)*.

* * *

Сўзларнинг шакл ва маъносига кўра турлари
(*синонимлик, омонимлик, антонимлик, паронимлик*)

I. Синонимлар - маънодош сўзлар бўлиб, бир қатор бирликлар синонимликка эга:

а) *лексик синонимлар* - сўзлар синонимлиги: *тўшиқ*

(ватап-юрт-ўлка) ва маъповий (хўл-нам-шалаббо) синонимлари бўлинади;

б) грамматик синонимлар - кўшимчалар (ақлли - боақл, брянти - бораётир -бормоқда) ҳамда кўмакчилар (каби, сипгар шулар каби-шулар қатори) синонимлиги;

в) фразеологик синонимлар - иборалар (оғзи кулоғида, бош осмонда) синонимлиги;

г) синтактик синонимлар - сўз бирикмалари (кузги шамол, кшамоли) ҳамда гаплар (Хат ёзди. Хат ёзилди.) синонимлиги;

д) услубий синонимлар - турли услублардаги синонимлик келди - ташриф буюрди.

1. Синонимларнинг кетма-кет қўйилиши синонимик қатор деиладди: помусли, иболи, хаёли, андишали, уятчап.

2. Синоним қаторда асосий сўз биринчи туради, у адабий тилга хос бўлади, кўп ишлатилади, услубий бўёғи бўлмайдди: одакиши-ипсон-башар.

3. Синонимик қатордаги сўзлар миқдори:

а) икки сўздан: кекса, қари;

б) уч сўздан: чора, илож, тадбир;

в) тўрт сўздан: уялмоқ, ийманмоқ, тортишмоқ, орланмоқ;

г) беш сўздан: тайёр, мухайё, шай, тахт, ҳозир;

д) олти сўздан: овоз, товуш, ун, садо, сас, боғг;

е) етти сўздан: қизиқ, галати, ажойиб, аломат, антиқа, ажаажиб;

ё) саккиз сўздан: озгина, пича, сал, ҳисл, жиндак, китдай, аадак, жичча.

Изох: сўзлар миқдори бундан ҳам кўп бўлиши мумкин.

4. Туркумларда синонимлик: отларда (сабр, токат, чидам, тзим), феълларда (хайрлашмоқ, хўшлашмоқ, видолашмоқ), сифаларда (катта, улуг, буюк, азим, улкан, гигант), равишларда (хеасло, асти, сира, зинҳор, мутлако, бутунлай), сонларда: (биттякка, ягона), олмонларда (у, бу, шу, ўша, мазкур, ўшалбоғловчиларда: (ва, ҳам, ҳамда, -у, -ю; аммо, лекин, бироқ, -у, ю), кўмакчиларда (доир, асосан, мувофик, биноян), юкламаларда (-гина, фақат, фақатгина, ёлғиз), модал сўзларда (керак, зарур, даркор; бор, мавжуд), ундовларда (вой, дод; салом, ассалом, асалому алайкум), тақлидларда (қарс, курс, кирс; лим-лим, лимлим).

5. Синонимлик факат бир сўз туркуми доирасида бўлади: *сўнг-кейин (равиш)*.

6. Бир сўз бир синоним каторда ишлатилади.

7. Кўп маъноли сўз бир неча синоним каторда катнашиши мумкин: *ўрин-жой, ўрин-лавозим*.

8. Синонимликнинг пайдо бўлиши: туб сўз ва туб сўз (*ош-таом*), туб ва ясама сўз (*савол-сўроқ*), ясама ва ясама сўз (*серпул-пулдор*), олинма ва олинма сўз (*доктор-врач*), ўзбекча ва олинма сўз (*кўк-осмон*), ўзакдош сўзлар (*чопқир-чопағон*).

9. Шартли синонимлик ҳам мавжуд: *иш-ходиса (бу иш -бу ходиса)*.

II. Омонимлик - бир хил шаклга эга бир неча сўз: том (*от*), том (*фёъл*), том (*том маъно-сифат*):

1. **Лексик омонимлар** - сўзлар шаклдошлиги: *қуймоқ (от), қуймоқ (фёъл), бурун (от), бурун (равиш), эриш (харакат номи), эриш (номупосиб), асар (из), асар (бадий асар)*;

2. **Фразеологик омонимлар** - иборалар шаклдошлиги: *қўл кўтармоқ (тасдиқламоқ), қўл кўтармоқ (урмоқ), қўл кўтармоқ (таслим бўлмоқ)*;

3. **Грамматик омонимлар** - кўшимчалар шаклдошлиги: *-ла (ишла), -ла (қувла), -ла (биз-ла)*.

4. Омонимликнинг юзага келиши:

а) сўзлар доирасида: *тут, тил, қорни, қўйни, ошиқ, ховлиқма, ковок*;

б) кўшимчалар доирасида: *-м, -ни, -к, -қ, -ма, -лар, -им, -ик, -ча, -ил, -сиз, -нг, -ка, -лок, -чак, -а, -и, -й, -р, -ш, -ниш, -та, -доп, -ч, лик-, -ги, -инди, -дап, -ларча, -лаб: чайқа, бокқа; экин, тўқин, кийин; опам, келдим, хўплам, қарам*;

в) иборалар доирасида: *бошга кўтармоқ, кўз юммоқ, қўл қўймоқ*;

г) тасвирий ифодалар доирасида: *илм ўчоғи, қора олтин, аср вабоси, ақл гимнастикаси, фазо лочини*;

д) сўз бирикмалари доирасида: *ун чиқармоқ, яхши от*;

е) гап доирасида: *От қоқилди, Салим гап бермади*.

5. Омонимликнинг туркумлараро муносабати:

а) бир туркум доирасида: *сон, расм, қовоқ, боғ, суз, туй (от ва фёлда)*;

б) икки туркум ичида: *тут, сол, ол, тур, соч, қур, қўр, терма*;

в) уч туркум доирасида: *том, хур, тик, ошик*.

6. Омонимлик бир сўз туркуми доирасида бўлса, грамматик шакллар қўшилса ҳам, омонимлик сақланади: *тортдим* (судрадим), *тортдим* (ўлчадим), *сири* (давлат сири), *сири* (идин сири).

7. Омонимлик бир печа сўз туркуми доирасида бўлса, грамматик шакллар қўшилса, омонимлик йўқолади: *куй* (от: куйпи), *куй* (феъл: куюнди).

8. *Ўт, от* каби сўзларда қўшимча қўшилгач, омонимлик қисман йўқолади, яъни *ўт* сўзи *майса, олов, тап аъзоси* маъноси сақланади, лекин феъл маъносида йўқотади.

III. Антонимлик - сўз, ибора, қўшимча маъносидаги зидлик:

1. *Лексик антонимлар* - сўз маъноларидаги зидлик: *ок-қоръ*;

2. *Фразеологик антонимлар* - иборалар маъносидаги зидлик: *оғзи қулоғида - қовоғи солиқ*;

3. *Грамматик антонимлар* - қўшимчалар маъносидаги зидлик: *ақлли-ақлсиз*.

4. Бир сўз синоним қаторидаги ҳар бир сўз билан алоҳида антоним жуфтлик ҳосил қила олади: *хафа-шод, хафа-хурсанд, хаф-хуррам*.

5. Шартли антонимлик ҳам бор: *тез (жаҳли тез)-оғир* (босик).

Изоҳ: Сон, олмош, ёрдамчи сўзларда антонимлик йўқ.

IV. Паронимлик - ёзилиши ва маъноси ҳар хил, айтилиши яқин сўзлар, керакли сўз ўрнига паронимни ёзиш услубий ва оғографик хатога олиб келади: *нуфуз-нуфус, таъриф-тариф, равон-ровон, куйинди-куюнди, тахлит-таклид, кайд-кайт, таъб-таб, отлик-оталиқ, хаёл-хиёл, қисм-қисим, тапбур-тамбур, бўшлиқ-бўшлиқ, бот-бод, расо-роса, тахир-тақир, борлик-борлик, ёд-ёдалос-халос, таъпа-тана, қуйилди-қуюлди, етти-етди, компания-кампания, дара-дарра, турсун-турсин, уриш-уруш, ҳосият-ҳосият, синган-синган, таҳқир-тақир, ориқ-ариқ, тузсиз-туссиз, асил-асил, яъни-яни, адл-адил, чиппи-чипи, изи-изм*.

Изоҳ: 3, 20, 40, 70, 100 сонлари омоним, 7, 10, 50, 90 сонлар паронимларга эга.

* * *

**Ўзбек тилининг
луғат таркиби**

1. *Ўз қатлам* - тилдаги барча туркумлик сўзлар: *қўқ, қўқлам, оғоч, қўқоқ, бир, икки, бор, кел, яхши, тўғри, юлдуз, булут, чечак, бугдой, олтин, қумуш, болта, қапча, ўтир, кел, бер*.

2. *Ўзлашган қатлам* - четдан кирган (олишма, ўзлашма) сўзлар:

а) арабча: *касб, сапъат, иморат, асбоб, овқат, ғалла, аёл, хала, раис, жасур, бипо, халқ, қисм, ижод, жамият, даража, давлат, фаолият, ғалаба, ходиса, ҳаракат, эҳтиёж, иқлим, махсус, масъулият, қалам, қарор;*

б) тожикча: *ғижжак, чирок, парда, гилам, пайпоқ, чарм, ружа, зипа, базм, рубоб, баҳор, гул, чора, жапжал, дарвоза, девона, фарзанд, гуруҳ, майдон, пойтахт, савдо, шудгор, тахт;*

в) русча: *парта, ручка, лампочка, буфет, самовар, яшик, стол, шкаф;*

г) лотинча: *пота, металл, капал, радио, рефлекс;*

д) грек (юнон)ча: *грамматика, талапт, поэма, метр, нефть;*

е) немисча: *ракета, крап, фронт, шахта, карта;*

ё) инглизча: *митинг, чемпион, автобус, футбол, тапк;*

ж) французча: *палто, вергул, банк, марш, компания, кампания;*

з) мўғилча: *тумап, қурултой;*

и) хитойча: *чой, лағмон, шийшон;*

й) хиндча: *бут.*

Изоҳ: ўзлашган қатламга оид сўзлар шаклий ёзув қоида бўйича ёзилади.

* * *

Нофаол сўзлар

1. *Атамалар* - фап-техника ва илм-фан оид бир маъноли сўзлар, ҳар бир соҳани

ўз атамалари бўлади:

а) тилшуносликнинг морфология (*отлашиш, ўрин равизи, турлашиш, тушлашиш, қўнлик, бирлик, сифатдош, майл каби*), синтаксис (*бош сўз, сўз бирикмаси, умумлаштирувчи сўз, кириш сўзи, апиқловчи, гап каби*) ва бошқа бўлимларининг ўз атамалари маълум бўладу.

2. *Касб-хунар сўзлари* - касб-хунар доирасида ишлатиладиган бир маъноли сўз (атама)лар; *андава* (сувоқчилик) *гундак* (тапчилик), *фонендоскоп* (врачлик).

3. *Шева сўзлар*: *мома, маяк, ўжак, гашир, тажя.*

4. *Архаизмлар* - ҳозирда синонимга эга эскирган сўзлар: *алтун (байрок), дудок (лаб), ёвуқ (яқин), илик (қўл).*

5. *Историзмлар* - хозирда синоними йўқ тарихий сўзлар: *ёрғучоқ, удайчи, чақирим (тахм. 1км), тош (8 чақирим), газ (71 см), чакса (5 кг), пайса (50 г), пақир (2 тийин), мири (5 тийин), мискол (4, 25 г), ботмон (176 г).*

6. *Янги сўзлар* - *маркетинг, дизайн, ҳиссадорлик, менежер.*

7. *Жаргон ва арголар* - *лой, якан (пул), дега (бегона), тиш (гуруч), инхай (чай), ухлади (тўхтади), бедана (тўппонча).*

* * *

Тасвирий ифода

1. *Тасвирий ифода* - бир сўзни ўз номи билан атамай, образли қилиб ифодалаш: шахмат, математика - *акл гимнастикаси, кўмир, нефть - қора олтин, СПИД, гиёҳвандлик - аср вабоси.*

2. *Тасвирий ифодалар қайси даврда пайдо бўлишига кўра фарқланади: илм маскани, деҳқоннинг қаноти, фазо лочини, аср вабоси.*

* * *

Бўёқсиз ва бўёқдор сўзлар

1. *Бўёқсиз сўзларда* салбий ёки ижобий маъно мўътадил бўлади: *чи-ройли, хушук, яхши, ёмон, келди, юз.*

2. *Бўёқдор сўзларда* салбий ёки ижобий бўёқ бўртиб туради: *жамол, кўрк, аломат, гўзал, бадбашара, кампирдахан, галча, учар, доғули, олчок.*

* * *

ФРАЗЕОЛОГИЯ

Иборанинг хос белгилари

1. Камида икки сўзнинг ўзаро бирикишидан таркиб топади: *оёғи енгил.*

2. Сўзлар ўз маъно мустақиллигини йўқотади: *аммамнинг бу-зоғи.*

3. Ҳар доим бир сўзга тенг келади: *капалаги учиб кетди (кўрқди).*

4. Кўчма маънога асосланади: *оқ кўнгил, аравани қуруқ олиб қочмоқ.*

5. Ҳиссий-таъсирий бўёқ мавжуд бўлади: *илоннинг ёғини ялаган, қўл кўтармоқ.*

6. Ҳар доим битта гап бўлаги бўлади: *Аравани курук олиб қочдинг, дўстим (1 та бўлак).*

7. Турғун (*миси чиқди, оёғи огир*) ва эркин (*қўли енгил, ам-мамнинг бузоғи*) бирикма шаклида бўлади.

8. Иборада омонимлик, синонимлик, антонимлик мавжуд.

* * *

Иборага ўхшаш бирликлар

1. Қўшма сўз: *Фарбий Европа, олиб келмоқ, ҳамма ер.*

2. Кўмакчи феълли сўз кўшилмаси: *ўқиб бер, айтиб бериб тура қол.*

3. Сўз бирикмаси: *кумуш қиш, олтин бешик, тўлиқ ривож-ланмоқ.*

4. Ўйғиқ содда гап: *Ҳаво тоза. Баҳор келди.*

5. Кўмакчили сўз: *шунга қарамай, мактаб томон.*

6. Лексик даражаланган сўз: *жиққа хўл, жуда қетг, бағоят улуг, ғоят тез.*

ЛЕКСИКОГРАФИЯ

1. Луғат ва унинг турларини ўрганади.

2. А. Замахшарийнинг «*Асос ул балоға*», А. Навоийнинг «*Сабъату абхур*» асарлари луғатшуносликка оиддир; «*Абушқа*» луғати XVI асрда усмонли турк тилида битилган; Шайх Сулаймон Бухорийнинг «*Луғоти чигатойи ва турки усмоний*» луғати ҳам мавжуд.

3. «*Имло луғатида*» ҳар қандай сўзнинг тўғри ёзилиши қайд этилади.

4. Ўзбек тилининг энг катта имло луғатида 65000 сўзнинг тўғри ёзилиши берилган.

5. Изоҳли луғатларда муайян сўзларнинг изоҳи берилади.

6. Кўп маъноли сўзларнинг барча маънолари *изоҳли луғатда* берилади.

7. Ўзбек тилининг II жилдлик изоҳли луғатида (1981й) 60000 сўз мавжуд.

8. А. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (IV жилд)да 60000 сўз берилган.

9. Луғатларда феълга оид сўзлар ҳаракат номи (-моқ) шаклида берилади.

10. Икки тилли (лингвистик) лугатлар кўп.
11. Этимологик лугат ҳам яратилди (И. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик лугати. - Т., 2000).
12. *Кўшма сўзлар* ҳамда *этнографик лугат* хали яратилмаган.

ГРАФИКА

1. Харф товушининг белгисидир.
2. Ёзув ва алифбо ўрганилади: ёзув халқ тарихи, маданияти, урф-одатларини авлоддан-авлодга олиб ўтади.
3. Дастлабки ёзма ёдгорликларимиз VI-VII асрга тааллуқли (Ўрхун-Энасой ёдгорлиги).
4. Аждодларимиз *юнон, сўғд, карошта, клинопись, оромий, санскрит, қадимий хоразм, араб, уйғур, рус, лотин* ёзувларида фойдаланган.
5. Милоддан аввалги VI-IV асрларда клинопись, яъни миқ ёзуви ишлатилган.
6. Халқаро дипломатик муомалаларда сўғд ёзуви қўлланган.
7. Милоддан аввалги III-I асрларда юнон ва карошта ёзувлари қўлланган.
8. I-VI асрларда сўғд ёзуви ишлатилган.
9. II-III асрларда хоразм ёзуви ҳам амалда бўлган.
10. V-VIII асрларда Ўрхун-Энасой (рун) ёзувидан фойдаланилган.
11. X-XV асрларда уйғур ёзуви ишлатилган.
12. VIII асрдан 1929 йилгача араб ёзуви амалда бўлган.
13. 1929-1940 йиллар оралиғида лотин ёзуви ишлатилган.
14. 1940 йилдан 2005 йил 1 сентябргача рус (кирилл) ёзуви амалда бўлади.
15. 2005 йил 1 сентябрдан лотин ёзувиға тўлиқ ўтилади.
16. 1993 йил 2-3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши лотин ёзувиға ўтиш тўғрисида қарор қабул қилди.
17. 1995 йил 6-7 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бу қарорга ўзгартириш киритди.
18. Янги (лотин) алифбо 29 харф қилиб белгилади (шундан 3 та харф бирикмаси: sh, ch, ng).

19. 1995 йил 24 августда «Ўзбек тилининг янги имло қоидалари» қабул қилинди.

20. Ю. Х. Ҳожибнинг «Кутадгу билиг» асари уйғур ва араб ёзувида битилган.

АЛИФБО

(кирилл ва латин)

1. Аа Аа	11. Йй Ll	21. Уу Vv	31. Яя
2. Бб Bb	12. Кк Мм	22. Фф Хх	32. Ўў
3. Вв Dd	13. Лл Nn	23. Хх Yy	33. Ққ
4. Гг Ee	14. Мм Oo	24. Цц Zz	34. Ғғ
5. Дд Ff	15. Нн Pp	25. Чч O'o'	35. Хх
6. Ее Gg	16. Оо Qq	26. Шш G'g'	
7. Ёё Hh	17. Пп Rr	27. Ъъ Sh sh	
8. Жж Ii	18. Рр Ss	28. Ьь Ch ch	
9. Зз Jj	19. Сс Tt	29. Ээ Ng ng	
10. Ии Kk	20. Тт Uu	30. Юю	

тест - 20,6,19,20,

test - 19,4,18,19

Изоҳ: ҳозирда 30% мамлакатда алифбо латин ёзуви асосида яратилган.

* * *

ЭТИМОЛОГИЯ

1. Сўзларнинг келиб чиқиши, пайдо бўлиши ўрганилади.
2. «Яхши» сўзининг этимологияси: ёқ (фёъл) -иш (хар.п.) -и (эгалик) ёқиши > яхши; қаттик (сифат) < кот (фёъл) + ик (сифат ясовчи).

* * *

ДИАЛЕКТОЛОГИЯ

1. Диалект атамаси шева ва лаҳжа тушунчасини ифодалайди.
2. Лаҳжа - бир-бирига яқин шевалар йиғиндиси.
3. Ўзбек тили таркибида уч хил лаҳжа бор:

а) қарлук лаҳжаси - асосан шаҳар шевалари, Фарғона, Тошкент шевалари;

б) қишқоқ лаҳжаси - асосан қишлоқ шевалари, Сирдарё, Қашқадарё шевалари;

в) ўғуз лаҳжаси - Хоразм шевалари.

4. Қарлук лаҳжасида қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари - ни (ди) шаклида ишлатилади: *дарахтни пўстлоғи*.

5. Ўғиз лаҳжасида қаратқич келишиги қўшимчаси -инг, жўналиш келишиги қўшимчаси -а шаклида қўлланади: *Хазараспинг ати, уйима галинг*.

6. Қишқоқ лаҳжасида ғ ундоши в ундоши каби талаффуз этилади: *тоғ-тов, оғди-овди, оғир-овир*.

* * *

УСЛУБИЯТ

1. Сўзларни тўғри қўллаш қоидаларини ўрганувчи бўлим.

2. Услублар асосан 2 хил: сўзлашув ва ёзма (бадий, илмий, расмий, оммабон).

3. Қуйидаги услуб турлари мавжуд:

а) *сўзлашув услуби* - жопли мулоқот услуби (*айланай, кокиндик*): сўзлар эркин қўлланади: шева унсурлари, инверсия, қўшма гап қўлланади;

б) *бадий услуб* - бадий асар услуби, аралаш услуб; барча услублардан истифода қилинади; шева, инверсия, қўшма гап, диалог, монолог етакчи: *Мовий кўкда сайр этур нарку булутлар*;

в) *расмий услуб* - эълон, тилхат, маълумотнома кабилар шу услубда ёзилади, сўзлар, жумла, иборалар бир қолипда бўлади; дарак, буйруқ гаплар етакчи; хис-хаяжон гаплар ишлатилмайди;

г) *илмий услуб* - илмий адабиёт, дарсликлар услуби; алоҳида атамалар, шартли белгилар, қўшма гаплар кўп қўлланади;

д) оммабон (публицистик) услуб - путқ, мақолалар услуби; ижтимоий-сиёсий сўзлар ишлатилади.

4. Барча услубларда ишлатиладиган сўзлар *услубий бестараф* сўзлар дейилади.

* * *

Услубий
хатолар

1. Сўзни ноўрин такрорлаш: СПИД касал-

лиги билан касалланганлар сони ортиб бормоқда.

2. Сўзни поўрин қўллаш: Пахта гуллади. Лўнни-лўнни кўсалар кўзга очиқ ташланади;

3. Бир сўз ўрнига паронимини қўллаш: Раис камчиликларни кайт килди;

4. Сўз тартибини бузиш билан боғлиқ: Лўнни-лўнни пахталар очиқ кўзга ташланади;

5. Қўшимчани поўрин ишлатиш: Бу фанда асослашиб берилган. Бизнинг гилмоялар Россия гилмояларидан фарқ қиладилар.

* * *

ГРАММАТИКА

Морфология

1. *Грамматик маъно* - сўзнинг бирор туркумга мансублиги, сўзнинг грамматик шаклга эга бўлиши; сўзнинг лексик маъносига қўшимча маъно.

2. *Грамматик шакл* - грамматик маъно ифодаловчи кўрсаткичлар (сўз ўзгартувчи ва шакл ясовчи қўшимчалар, кўмакчи сўзлар, жуфт ва такрорий сўзлар).

3. *Сўз туркуми* - муайян сўзнинг луғавий, грамматик маъноси, грамматик шакллари хисобга олган ҳолда гуруҳлашгани.

4. *Мустақил сўз туркумлари* - *от, олмош, феъл, сифат, сон, равиш*; луғавий маънога эга бўлади, гап бўлаги бўла олади.

5. *Ёрдамчи сўз туркумлари* - *боғловчи, кўмакчи, юклама*; луғавий маъноси бўлмайди, синтактик вазифа бажармайди.

6. *Алоҳида сўз туркумлари* - *ушдов, таклид, модал сўзлар*; луғавий маъноси бўлмайди, гап бўлаги бўлади.

* * *

Сўзларнинг бир туркумдан бошқасига кўчиши

1. Отга кўчиш:
а) сифатлардан: *кекса, ёш, қари, қаҳрамон, бой, камбағал, касал, соғ, келгинди, мусофир*;

б) равишлардан: *топг, кеч, тул*;

в) сондан: *уч, етти, йигирма, қирқ* каби.

2. Равишга кўчиш:

а) отлардан: *қунда, олға*;

б) сифатдан: *янгидап, эскидап*;

в) сондан: *бирдан, бирга*;

г) феълдан: *ўта*.

3. Кўмакчиларга кўчиш:

а) отлардан: *ост, уст, ич, ора, томон, ён, ўрта, бош* сўзлари эгаллик ва келишик шаклида, шунингдек, *бўлак, ташқари, чамаси, хақида, ичра, бўйи, холда;*

б) равишлардан: *сўнг, кейин, илгари, олдин, аввал, бурун, бери, нари, асосан, бироқ, бўйича;*

в) равишдошлардан: *тортиб, бошлаб, қараб, кўра, бўйлаб, оша, қарамай, яраша;*

г) сифатдошлардан: *қараганда, қарамасдан, қарамайин;*

д) соф феълдан: *деган, дейдиган;*

е) сифатдан: *сабабли, орқали, туфайли, чоғли;*

ё) олмошдан: *бошқа.*

4. Модаллар (кириш сўз)га кўчиш:

а) отлардан: *хақиқатан, дарҳақиқат, афтидан, чоғи, асли, хайрият, мазмуни, аслида, дарвоқе, хуллас;*

б) сифатдан: *яхши, табиий, тўғри, шубҳасиз, сўзсиз, шекилли, эҳтимол;*

в) феълдан: *демак, билсам-билмасам, бўлса-бўлмаса;*

г) олмошдан: *ўз-ўзида;*

д) сондан: *биринчидан, иккинчидан;*

е) равишдан: *аввало, охири;*

ё) боғловчидан: *балки.*

5. Боғловчиларга кўчиш:

а) юкламаларнинг бириктирув боғловчиси ўрнида келиши: *хам, -у, -ю, -да;*

б) юкламаларнинг зидлов боғловчиси ўрнида келиши: *-у, -ю;*

в) ибора зидлов боғловчиси ўрнида: *шунга қарамай.*

6. Ёлғиз сифати *фақат, -гина*, юкламалари ўрнида кела олади.

* * *

Белги билдирувчи грамматик маънолар

1. Сифат - предметнинг белгисини билдирувчи туркум: *яхши бола, хайрли иш, қувноқ қўшиқ, баландпарвоз гап.*

2. Равиш - ҳаракат-ҳолатнинг белгисини билдирувчи туркум: *тез юрди, беармон яшади, узил-кесил бажарди, бирийўла қўшилди.*

3. Сифатдош - предметнинг белгисини билдирувчи феъл шакли: *ўқиган бола, упутилмас воқеа, кузатувчи ходим, келажак ҳаёт.*

4. Равишдош - ҳаракат-ҳолатнинг белгисини билдирувчи туркум: *ҳижжалаб ўқимок, тўхтамай юрмоқ, кўрсатилгунча дам олмоқ, ўқигани келмоқ.*

* * *

**Махсус кўрсаткичга
эга бўлмаган
грамматик маънолар**

1. Отлардан бирлик: китоб, уй, ишчи
2. Бош келишик: одам, гул, се
ўқиш.

3. Оддий даражадаги сифат: яхши
мазали, хозиржавоб, куйди-пишди, енгил-елни.

4. Фельдаги аниқ нисбат: кийди, афсусланди, олиб келяпти
ўтирган экан.

5. I-гуруҳ тусловчиларнинг III шахс шакли: борди, юрди
олиб келиб эди.

6. Хабар майли: олдим, ёзмадим, ўқиярсиз, ўқиб бериб тур
қолинг.

7. Фельдаги бўлишли шакл: оламан, ёзаётибман, ўйнарсан
юрсин.

8. Равишнинг оддий даража шакли: тез, кеч, эрта.

* * *

**Сифат ва
равишларда
даража**

1. Сифат ва равишда белгилани
ортиқ ёки камлиги куйидагича ифо
даланади:

а) озайтирма даража:

- морфологик усул билан: -иш, -ғиш, ғич, -мтир, -имтир
-мтил, -имтил, -чил, -гина, -қина, -кина, -роқ (кейингилари ра
вишда ҳам): қизғиш, қорамтир, кўкчил; тезроқ, секингина, эрта
роқ, яқиндагина;

- лексик усул: ним, оч, сал, пича, андак сўзлари билан: ним
пушти, очсарик, сал қия, пича кам, андак кам.

б) ортторма даража:

- фонетик усул: п, м, б, с товушларини биринчи бўғинда орт
тириб: оппоқ, қоп-қора, бус-бутун, баб-баравар, қуша-қурук, тиш
па-тик;

- лексик усулда энг, жуда, ғоят, ниҳоятда, бағоят, ҳаммаси
дан, тагин, яна равишларини келтириб: жуда чиройли, ғоят яхши
ҳаммасидан жадал, яна кўп.

* * *

Отлашиш

1. Отлашиш деганда от, олмош ва ҳаракат
номидан бошқа грамматик маъноларнинг ўз ху
сусиятини йўқотиб, предмет маъносини ифодалаши тушунилади.

2. Отланган сўз бош келишиқда туриши, отга хос эғалиқ, келишиқ, сон қўшимчаларини олиши, от бажарган синтактик вазифаларни бажаришга ўтиши керақ.

3. Отланган сўз отга хос сўз ясовчи қўшимчаларни мутлақо олмайди.

4. Қуйидаги грамматик маънолар отлаша олади:

а) сифат: совуқда, саманни, яхшиисини, оқи, оласи, яхшидан, ёмонга, яхшиларнинг, жазирамасида;

б) сон: бири, иккинчиси, учалови, тўрталасига, олтитасидан, яримтача, пимтаси, чорактасига, ярмидан;

в) сифатдош: интилганлар, келажакка, келгусида, айтиб берилгани, ясанганини, савол берувчидан жавоб берувчига;

г) равиш: кўндан, озига, пичаси, оз-моздан;

д) ундов: оҳимни, ура-ураси, саломимга, раҳматингни;

е) таклид: гув-гуви, тақир-туқирингни, ялт-юлтига;

ё) модал: керагини, бориға, йўғида.

* * *

Нисбат қўшимчаларининг қўмақчи феълга қўшилиши

1. Ўзлик нисбати шакли
етакчи феълга: севиниб кийди,
қисилиб қолди.

2. Мажхул нисбат шакли асосан қўмақчи феълга: куриб қўйилди, айтиб берилди, узиб олинди, баъзан етакчи феълга: йиртилиб ётибди, кўрила бошланди.

3. Бирғалиқ нисбат шакли қўмақчи феълга: келиб қолишди, билиб олишди, тарқалиб кетишди. Баъзан етакчи феълга: сўзлашиб олди, кўришиб қолди.

4. Орттирма даража шакли етакчи феълга: келтириб қўй, ётқизиб ол, ўйпатиб турди.

* * *

Турланиш ва тусланиш

1. Турланиш - от, олмон, ҳаракат номи ва отланган сўзларнинг келишиқ, эғалиқ қўшимчалари билан ўзгариши: юракнинг, оемонни, бармоққа, яхшидан, унга, яшашни, билагим, ёмони, аллакимим, курашимиз, келажакда, келажагинг.

2. Тусланиш - феъл, сифатдош, равишдошнинг шахс-сон қўшимчалари билан ўзгариши: келдим, боряпмиз, юрмоқчисан, келсангиз, бораман, ўйнайсан, юрган, кўрмагансан, чиқмасман.

Изоҳ: равишдошнинг -гач, -кач, қач, -гунча, -қунча, -қунча-гани, -кани, -қани, -гали шакллари тусланмайди.

* * *

Эгалик қўшимчасисиз қўлланмайдиган грамматик маънолар

кейин қўшилади).

2. Қаратқич ва тушум келишикларининг қўшимчалари -н шаклида қисқариб келганда ундан аввал III шахс бирлик ва қўпликдаги эгалик қўшимчаларидан бири бўлиши шарт: китобин, онасин.

3. -лар қўшимчаси ҳурмат маъносини ифодалаганда ундан аввал I, II шахс бирлик ва қўпликдаги эгалик қўшимчаларидан бири бўлиши шарт: дадамлар, аянглар, онамизлар, дадангизлар.

4. -ов, -овлон, -ала қўшимчали жамловчи соплар отланганда ва турланганда эгалик қўшимчаларининг II, III шахс бирлик ҳамда I, II, III шахс қўплик шакллари қўшилади, I шахс бирлик қўшимчаси қўшилмайди: тўртови, икковингизни, учаласига, олто видан, етгаламиздан.

* * *

Шаклан қўплик, услубан бирликдаги грамматик маънолар

1. I шахс қўпликдаги кишилик олмоши: Мана биз борамиз-да ўша ерга!

2. II шахс қўпликдаги кишилик олмошлари: Сиз мени усталик билан савол берувчига айлантириб қўйдингиз.

3. Ўз олмошининг, III шахс қўплик шакли: Ўзлари яхшимилар?

4. Буйруқ майлининг III шахс қўпликдаги шакли II шахс бирликда: Ие, ука, келсинлар, келсинлар!

Белгисиз қўлланувчи грамматик маънолар

1. Қаратқич келишиги: Ўз уйингни ўзинг асра.

2. Феъл-кесим олдида жойлашган тушум келишигидаги отлар: тест ечдим, китоб ўқинг.

3. Жўпалиш келишиги: Салим бошини қуйи солди.

4. Ўрин-пайт келишиги шакли: Ғамим кўтаради тонг эсгаи сабо.

5. Эгалик қўшимчаларининг I, II шахс кўнликдаги шакллари: бизнинг уй, сизнинг айвон.

6. Буйруқ майлининг II шахс бирликдаги шакли фақат буюриш, даъват маъносини ифодалаганда: Етти ўлчаб бир кес.

7. Эга эргаш гапли қўшма гапнинг бош гапида шу нарса, шуниси, у эгалари: Эсингда борми, ўшанда қаттиқ совук бўлган эди; Хар кимки вафо қилса, вафо топқусидур.

8. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гапда изоҳланаётган қаратқич аниқловчи: Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, йўли ҳам тўғри бўлади.

9. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гапнинг бош гапида изоҳланаётган шуши тўлдирувчиси: Билиб қўйки, сени Ватап кутади.

* * *

Кўмакчиларнинг келишиқдаги сўз билан келиши

сайин, каби, сингари, янглиғ, сабабли, орқали, туфайли, оша, чоғли, бўйлаб, бўйича, узра, ичра, деган, бўйи, чамаси, хақида, хақда, йўсинда.

2. Қаратқич келишигидаги (-нинг) сўз + каби, билан, учун, сингари, остида, ичида, ўртасига, орасида, бошидап, устида.

3. Тушум келишигидаги (-ни) сўз + ---.

4. Жўпалиш келишигидаги (-га, -ка, -ка, -на, -а) сўз + томон, қадар, кўра, қарши, қараганда, қарамасдан, қарамай, яраша, доир, биноап, асосан, мувофиқ, қарата.

5. Ўрин-пайт келишигидаги (-да) сўз + ----.

6. Чиқин келишигидаги (-дан) сўз + сўнг, кейин, ташқари, бошқа, бўлак, ўзга, бери, буён, пари, парига, буруп, илгари, бошлаб, тортиб.

* * *

ОТ

Морфологик белгилари

1. Предметлик маъносини ифодалайди.

2. Сўроқлари: ким? нима? кимлар? нималар?

3. Сон, эгалик, келишиқ белгилари мавжуд.

4. Махсус от ясовчи қўшимчаларга эга.

5. Хар доим бирор сон ва келишиқда туради.

6. Отларнинг *атоқли* (айириб кўрсатилган, атаб қўйилган от: Тошкент, Азиз, Турди) ва *турдош* (умумлаштирувчи пом: китоб, оғ, дала), *аниқ* (кафт) ва *мавҳум* (жаҳл), *якка* (одам) ва *жамловчи* (халк), *сапаладиган* (стол) ва *сапалмайдиган* (сув), *киши* (қиз) ва *парса* (дафтар)ни билдирувчи маъно *турлари* мавжуд.

* * *

Синтактик белгилари 1. Кўпинча эга, тўлдирувчи қаратқич аниқловчи бўлиб келади.

2. Барча бўлақлар билан боғлана олади.
3. Баъзан кесим ва ҳол вазифасида келади.
4. Мослашув ва битишувда бош сўз бўлади:
5. Бошқарувда тобе сўз бўлади.

* * *

**Соф
кўплик**

1. Кўплик софнинг махсус кўрсаткичи-лар: *уйлар, болалар*.

2. -лар кўшимчаси билан соф (морфологик) кўплик ҳосил бўлади: *далалар*.

3. Жамловчи отлар лексик-семантик кўплик ҳосил қилади: *пода, жамоа*.

4. Синтактик кўплик отларни жуфтлаш, миқдор билдирган сўзни қелтириш билан ҳосил бўлади: *қоп-қоп ун, кўп киши; бир неча дўкон, учта уй*.

* * *

**-лар кўшимчасининг услубий
вазифалари**

1. Тур, хил ва навби билдиради: *сувлар, гуллар, ёғлар*;

2. Хурматни ифодалайди (эғалик кўшимчасидан кейин): *да-да+м+лар келди+лар*;

3. Атоқли отни умумлаштириш, жамлаш маъносини: *асадбеклар дунёси*;

4. Таъкидлаш, маънони кучайтириш вазифасини бажаради: *Кўргани келибдилар-да!*

5. Тахмин, чамани ифодалайди: *Уруш йиллари эди, чоғи*.

* * *

**Нарсанинг 3 шахсдан бирига
тегишлилигини кўрсатувчи шакл
(эғалик шакли)**

1. Махсус кўрсаткичларга эга: I шахс -м, -им/-миз, -имиз; II шахс -нг, -инг/-нгиз,

-ишгиз; III шахс -си, -и/-(-лар) и;

2. III шахс кўшимчаси бирлик ва кўплик учун умумий;

3. II шахс кўплик шакли вариантликка эга: китобингиз, китобинглар, китобларинг;

4. Мослашувда бош сўзда, баъзан эргаш ва бош сўзда келади: уй томи, отасининг қизи;

5. I ва II шахс кўплик шакли баъзан белгисиз (яширин) келади: бизнинг уй, сизнинг айвоп;

6. Кишилик олмошларига кўшилмайди.

Изох: Эгалик кўшимчалари отдап ташқари ҳаракат номи, олмошлар, отлашган сўзларга кўшилади.

* * *

Келишиқлар

1. *Келишиқ* - от, олмош, отлашган сўзнинг феълга, отга, сифатга, сонга, олмошга, равишга тобелигини ифодалайдиган грамматик шаклларнинг жами.

2. 6 та келишиқ бўлиб, улар махсус сўрок ва кўрсаткичларга эга:

а) бош келишиқ: *ким? нима?* /кўрсаткичи йўқ/ гапда эга, кесим, сифатловчи, аниқловчи бўлади;

б) қаратқич келишиги: *кимнинг? ниманинг?* /кўшимчалари: -нинг, -н; белгисиз қўллапади/ гапда фақат қаратқич аниқловчи;

в) тушум келишиги: *кимни? нимани?* /кўшимчалари: -ни, -н, -и; белгисиз қўллапади/ фақат воситасиз тўлдирувчи;

г) жўналиш келишиги: *кимга? нимага? қаерга?* /кўшимчалари: -га, -ка, -қа, -ға, -га, -а; белгисиз қўллапади/ гапда воситали тўлдирувчи, ўрин ва пайт холи;

д) ўрин-пайт келишиги: *кимда? нимада? қаерда?* /кўшимчаси: -да; белгисиз қўллапади/ гапда воситали тўлдирувчи, ўрин ва пайт холи;

е) чиқиш келишиги: *кимдан? нимадан? қаердан?* /кўшимчалари -дан, -дин/ гапда воситали тўлдирувчи, ўрин ва пайт холи.

Изох: демак, келишиқлар сўзнинг синтактик вазифасини кўрсатиб туради.

3. Сўзнинг келишиқ кўшимчалари билан ўзгариши турлашини дейилади: *ёмондан, яхшидан, ўшаписини кўрдим, ўзига айтдим.*

4. Равишлар (*жўрттага, қасдан, тезда*) таркибидаги *-га, -да, -дан* келишиқ қўшимчаси эмас, шунинг учун бу сўзларни турланган деб бўлмайди: *узунасига тўшамок, ёппасига оммалашмоқ.*

5. Келишиқлар ўзаро синонимликни ҳосил қилади:

а) чиқиш ва бош: *китоблардан бор - китоблар бор*

б) чиқиш ва қаратқич: *болалардан бири - болаларнинг бири;*

в) чиқиш ва тушум: *ондан олиг - ошпи олиг ;*

г) чиқиш ва жўналиш: *эшиқдан сиғади - эшиққа сиғади;*

д) чиқиш ва ўрин-пайт: *сўқмоқдан юр - сўқмоқда юр;*

е) тушум ва жўналиш: *ганингизни тушундим - ганингизга тушундим;*

ё) ўрин-пайт ва жўналиш: *иккида келинг-иккига келинг.*

6. Келишиқлар кўмақчи билан синоним бўла олади: *укамга-укам учун, ручкада - ручка билан, укамни - укам ҳақида, дўстимдан - дўстим ҳақида, томдан - том орқали, этишмовчиликдан - этишмовчилик важида.*

7. Белгисиз қўлланган қаратқич, тушум, жўналиш келишиги қўшимчаси билан боғланган сўз орасига бошқа сўзни киритиб бўлмайди: *мактаб боғи, ош едим.*

8. Айрим равишлар келишиқ қўшимчаларини олиши мумкин: *хар ерга, хар қаерда.*

* * *

**Отларнинг
ясалиши**

1. Морфологик усулда (аффиксация):

а) шахс отлари (овчи, сипфдон);

б) парса-қурол отлари (бодрок, қирғич, қиринди);

в) ўрин-жой отлари (лолазор, қумлок);

г) мавҳум отлар (қувонч, шахсият);

д) касб-хунар отлари (кабобназ, аравақаш) ясалади.

2. Синтактик усулда қўшма (белбоғ, сўз боши) ва жуфт (эл-юрт) отлар ясалади.

3. Аббревиация усулида қисқартма отлар (ФА, ТошМИ) ясалади.

Изоҳ: чегара (*уйгача*), ўхшатиш (*гулдай*), қичрайтириш-эркалаш (*қизгина, қушча, опаюл*), ҳослик (*уйники*), ўрин (*томдаги*) шакллари отнинг вазифадон шакллари саналади.

* * *

СИФАТ

Морфологик белгилари

1. Предмет (баъзан, иш-харакат)нинг белгисини ифодалайди: *яхши бола*.
2. Сўроқлари: *қандай? қанақа? қайси?*
3. Предметнинг ранги, ҳажми, шакли, мазаси, характери, ўрни ёки вақтга хос белгисини ифодалайди.
4. Белгини даражалаб, кучайтириб ёки камайтириб ифодалайди: *қиска, қисқароқ, жуда қиска, оппоқ*.
5. Ясалиш хусусиятига эга.

* * *

Синтактик белгилари

1. Сифатловчи аниқловчи бўлади: *Шодон киёфада кириб келди*.
2. Ҳол: *Яхши бола яхши ўқийди*.
3. Кесим: *Эшик очик*.
4. Отлашганда эга (*Яхшилар* кўпайсин), тўлдирувчи (*Эскисини* кийиб ол), қаратқич-аниқловчи (*Бахилнинг* боғи кўкармас).
5. Битишувда тобе сўз: *яхши иш*.

* * *

Сифатларнинг маъно турлари

1. Ҳолат билдирувчи сифатлар: *бадавлат, маънос, кекса, дурқун, совуқ, илик, очик, жимжит, тинч, соғин, тўкин, сўлгин, сушт*.
2. Хусусият билдирувчи сифатлар: *содда, камтарин, қувноқ, меҳрибон, яхши, шўх, зикна, йўрга, чопағон, ювош*.
3. Шакл-кўриниш билдирувчи сифатлар: *гавдали, повча, пақана, узунчоқ, ясси, балаңд, паст*.
4. Ранг-тус билдирувчи сифатлар: *ок, қора, зангор, сандалий, гулнор, қизил, сарик, нимпушти, ола, чипор*.
5. Ҳажм-ўлчов билдирувчи сифатлар: *кенг, тор, узун, қиска, яқин, катта, оғир, енгил, зил-замбил*.
6. Маза-таъм билдирувчи сифатлар: *ширин, бемаза, пордоп, аччик, шўр, нимтатир*.
7. Хид билдирувчи сифатлар: *хушбўй, бадбўй, қўлапса*.
8. Предметнинг ўрни ёки вақтига кўра белгисини билдирувчи сифатлар: *ёзги, сиртки, кузги, қишки, дастлабки, тунги, сўнгги, эрталабки*.

* * *

Сифат даражалари

1. *Оддий, киёсий, орттирма*: яхши, яхшироқ, жуда яхши.

2. *Озайтирма ва кучайтирма* сифатлар:

а) *озайтирма даража* лексик (*сал дуруст, бир оз яхши, хиёл очик*) ва морфологик (*каттароқ, кўкиш, кўкимтир, қорамтир*) усулда ҳосил бўлади;

б) *кучайтирма* сифатлар фонетик (*қон-қора, баб-баравар, сап-сарик, кўм-кўк, ошпоқ*) ва лексик (*ғоят балад, барчасидап кичик, беҳад гўзал*) усулда ҳосил бўлади;

в) белгининг ортик даражасини унлини кучли ва чўзиқ талаффуз қилиш (*узо:к йўл*), ундонини қаватлаб талаффуз қилиб (*баллад уй*) ҳосил қилиш мумкин.

* * *

Сифатнинг ясалиши

1. Морфологик усул: *куч+ли, по+тўғри, или+қ, прогресс+ив, туга+л.*

2. Синтактик усул: *қўшма (иш+ёқ+мас), жуфт (яхши-ёмон, куйди-пишди).*

* * *

СОН

Морфологик белгилари

1. Предмет миқдори ва тартибини билдиради.

2. Сўроқлари: *нечта? нечанчи? печача?*

3. 23 та туб (бир ўзакли) сон мавжуд.

4. Сон турлари махсус кўшимчалар билан ҳосил қилинади.

5. Сонларда морфологик усул билан ясалиш хусусияти мавжуд эмас.

6. Ясалиш учун асос бўлади: *бирлик, иккилап.*

7. Сонлар отланади: уларнинг *иккитаси.*

8. Соннинг сифатловчи-аниқловчиси бўлмайди.

* * *

Синтактик белгилари

1. Асосан аниқловчи: *Иккита кўчат эдим.*

2. Баъзан кесим: *Ўртоқларим иккита.*

3. Баъзан ҳол: Буни *иккипчи* гапирманг.

4. Сўз бирикмасида бош (мослашув ва бошқарувда) ва тобе (битишувда): уларнинг бештаси, болалардан иккитаси, бешинчи синф.

5. От ёки феълга тобе бўлмаса, эга, кесим, тўлдирувчи, қаратқич-аниқловчи бўла олади: Ўндан тўртни айирсак, олти бўлади.

* * *

Соннинг маъно турлари

1. Микдор сон: бир, ўн етти, бир юз ўн уч.

2. Дона сон: -та; битта, ўпта, бир юз ўн

учта.

3. Чама сон: -ларча, -тача, -лаб, -лар, (икки сонни жуфтлаб): ўптатача, юзларча, миғлаб, ўплаб (эди), уч-тўрт, беш-ўпта.

4. Жамловчи сон: -ов, -овлоп, -ала; (2, 3, 4, 5, 6, 7, 10 сонларигагина қўшилади): еттов, олтала, учала, икковлоп.

5. Таксим сон: -тадан, -дан (такрор): учтадан, бешта-бештадан.

6. Тартиб сон: -нчи, -инчи; бириинчи, ўн иккинчи.

7. Каср сон: (бирдан кичик сонлар); (икки шакли бор): 0, 5; 1/2; ним, чорак, ёрти, ярим, нимчорак шакли ҳам бор.

8. Бутун сон: 1 ва ундан юқори сонлар: 1, 2, 33, 24, 177 каби.

9. Аралаш сон: Бутун ва каср сон аралашмаси: 1, 25; уч бутун иккидан бир, тўққиз ярим.

10. Саксон, тўқсон сонлари тарихан икки ўзакдан ташкил топган.

11. Бир сўзи гумон (бир киши чақирянти), маънони кучайтириш (Ёмғир бир қуйди, бир қуйди), мўлжал (Ёзда бир дам оламан) маъноларини беради; боғловчи ўрнида келади: Бир сен, бир мен гаширдик.

12. Сон ва от орасида ҳисоб сўзлар (пумератив) келади ва улар отга тегишли бўлади: ўн кило гуруч, бир қариш ер.

13. Етти, уч, қирк, йигирма каби маросим ифодаловчи сўзлар, «парол» сўзлар («Тўртинчи»га айтинг) отланган ҳисоблашмайди.

14. Сонда антонимлик йўқ, бироқ синонимлик (икки-жуфт-қўш), омонимлик (3, 20, 40) ва паронимлик (7, 50, 90) мавжуд.

15. Тартиб сонлар жуфтланмайди.

* * *

ОЛМОШ

Морфологик белгилари

1. От ўрнида келади: *ким, мен, ҳамма.*
2. Сифат ўрнида келади: *қандай* иш.
3. Сои ўрнида келади: *печа, печачи.*
4. Равиш ўрнида келади: *нега? қанча?*
5. Ясалиш хусусиятига эга эмас.
6. Ясалиш учун асос бўлади: *манмалик, сизбон, сенсира.*

* * *

Синтактик белгилари

1. Ўзига хос синтактик вазифаси мавжуд эмас.
2. Қайси сўз туркуми ўрнида келса, шу туркум бажарган вазифани бажаради.
3. Мослашув, бошқарув, битишувда тобе сўз, мослашувда хоким сўз бўла олади: *унинг китоби, сен билан дўст, шу аёл, Наргизнинг ўзи.*

* * *

Олмошнинг маъно турлари

1. Кишилик: *мен, сен, у, биз, сиз, улар (ул).*
2. Ўзлик: *ўз.*
3. Кўрсатиш: *у, бу, шу, ўша, мапа шу, ушбу, ўшал, мазкур, бунақа, шуннақа, апави, шундок, унақа-бунақа, ул.*
4. Сўроқ: *ким, нима, қайси, қандай, нега, қанча, қачон, нега, нимага, қани, не, на.*
5. Бўлишсизлик: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қайси, ҳеч бир, ҳеч нарсаси.*
6. Белгилаш, жамлаш: *ҳар ким, ҳар нима, ҳар нарсаси, ҳар қайси, ҳар бири, ҳамма, жами, ялли, бари, барча, баъзи, ҳар.*
7. Гумон: *аллаким, аллақайси, аллапарси, аллақандай, кимдир, нимадир, қайсидир, биров, баъзи бир, қайси бир.*
8. Олмошлар келишиклар билан турланади: *ҳаммага, менга.*
9. Ўзлик ва сўроқ олмошлари баъзан белгисиз кела олади: *ўз уйим, нима олдинг.*
10. Ўзлик олмоши келишик кўшимчасини олиши учун аввал бирор эғалик кўшимчасини олиши шарт: *ўз + и + дан* сўранг.

11. Ўзлик олмоши эгалик қўшимчасини олганда I, II, III шахс кишилик олмошларига синоним: *ўзим=мен, ўзинг = сен, ўзингиз сиз.*

12. Кишилик олмошининг I шахси сўзловчи, II шахси тинловчи, III шахси эса нарсаларга нисбатан ишлатилади.

13. Кишилик олмошларининг I ва II шахси бадий адабиётда парса ва ҳайвонларга нисбатан ҳам ишлатилади (жоплаштирилади).

14. у кўрсатиш ва кишилик олмоши маъноси ва сўроғига кўр фарқланади; кишилик бўлганда - *ким? нима?* кўрсатиш бўлганда *кайси?*

15. Бўлишсизлик олмоши эга бўлганда, кесим бўлишсиз шаклда ёки инкор сўзлар бўлади: *Ҳеч ким келмади. Ҳеч ким йўқ.*

* * *

ФЕЪЛ

Морфологик белгилари

1. Ин-харакатни билдирган сўзлар.

2. Сўроқлари: *нима қилди? нима*

қиланти? нима қилмоқчи?

3. Ўтимли (ол), ўтимсиз (кел) феъл.

4. Бўлишли, бўлишсиз шаклга эга.

5. Нисбат, майл, замон шаклига эга.

6. Равишдош, сифатдош, ҳаракат номи каби махсус вазифадош шакллари бор.

7. Ясалиш хусусиятига эга.

8. Тусланиш тизими мавжуд.

9. Сифатдош шаклигига отланади.

10. Ҳаракат номи турланади, замон ва шахси кўрсатмайди.

* * *

Синтактик белгилари

1. Гапда асосан кесим бўлади.

2. Равишдош, сифатдош, ҳаракат номи шакли ҳол бўла олади.

3. Ҳаракат номи гапнинг барча бўлаклари бўла олади.

4. Сифатдош сифатловчи аниқловчи бўлади, отлашганда эпитетдирувчи, қаратқич-аниқловчи бўлади.

5. Бошқарув ва битишувда бош сўз бўлиб келади.

* * *

Содда (мустақил) ва мураккаб феъл

1. Содда феъл бир ўзакли феъллардир: ўтирибди, олди.
2. Мураккаб феъл *қўшма феъл ва кўмакчи феълли* сўз қўшилмасидир.
 2. Қўшма феъл камида икки мустақил луғавий маъно билдирадиган қисмлардан ташкил топади: *этироф қилди, олиб келди*;
 3. Кўмакчи феълли *сўз қўшилмасида* фақат бир компонент луғавий маъно англатади: Салим *ишлаб ўтирибди; айтиб бер, сотиб олиб қўй*;
 4. Етакчи феъл кўмакчи феъл билан равишдошнинг -б, -иб, -а, -й қўшимчалари ёрдамида бирикади: *бор, бошла, ёт, юр, кўр, туш, қара* -б, -иб, -а, -й билан бирикса, *ёз* фақат -а, -й, *бок* кўмакчи феълли фақат -б, -иб орқали боғланади;
 5. Сўз ўзгартирувчи ва шакл ясовчи қўшимчалар етакчи ва кўмакчи феълга қўшилиши мумкин; *айтдим-қўйдим, чиқдинг-кетдинг* шаклли кўмакчи феълли сўз қўшилмаси ҳам бор.
 6. Кўмакчи феъллар фақат *феълга* қўшилади.
 7. Тилимизда фақат етакчи ёки фақат кўмакчи бўлиб келадиган феъл мавжуд эмас: *олиб кел, келиб тур*.
 8. Кўмакчи феълли сўз қўшилмаси луғавий бирлик ва ясама сўз ҳисобланади.

* * *

Тўлиқсиз феъл

1. *Эмоқ* феълнинг *эди, экап, эмиш, эрди, эса, эмас* шакллари тўлиқсиз феълдир.
2. Феъл ва феъл бўлмаган сўзлар билан қўлланади.
 3. Ёлғиз ишлатилмайди, ёлғиз ҳолда луғавий маъно англатмайди.
 4. Ёлғиз ўзи тусланмайди.
 5. От-кесим таркибида боғлама вазифасини бажаради: -Унинг мақсади *олижаноб экап*.

* * *

Бўлишли ва бўлишсиз феъллар

1. Бўлишли феъл иш-ҳаракат ҳақидаги тасдиқни ифодалайди, махсус кўрсаткичга эга эмас.
2. Бўлишсиз феъллар иш-ҳаракат ҳақидаги инкорни ифодалайди ва махсус кўрсаткичлар (*-ма, -май, -мас, -маслик*) ҳамда

инкор билдирувчи сўзлар (*эмас, йўқ*) ёрдамида ҳосил қилинади: *ишламадим, ишлаган эмасман, ишлаганим йўқ*.

3. Мураккаб феълда бўлишсиз шакл ҳар икки феълга қўшилса, бўлишлилик ифодалайди: *ёзмай қўйма (ёз)*.

4. Баъзан бўлишли шакл мазмунан бўлишсизликни ифолайди: *Унга ўқисин дебманми?! (демадим). Олади-я, олади! (олмайди)*.

5. Кўмакчи феълли сўз қўшилмасида бўлишсиз шаклнинг турлича қўшилиш ҳолати мавжуд: *айтиб турма, айтмай тур, айтмай турма*.

* * *

Нисбат (даража)лар

1. Аниқ нисбат /махсус кўрсаткичи йўқ/: иш-ҳаракат эга томонидан аниқ бажарилади; *борди, олиб келяпти, ўтирган экап*.

2. Ўзлик нисбати /-л, -ил, -п, -ин/: ҳаракат бажарувчининг ўзида қолади; *ўран, чўмил, қимтишиб тур, ясап, суркал, қийналди*.

3. Мажхул нисбати /-л, -ил, -п, -ин/: ҳаракатнинг бажарувчиси помаълум бўлади; *борилди, олинди, уланди, олиб чиқилди, кесилди*.

4. Биргалик нисбати /-ш, -иш/: ҳаракат биргаликда бажарилади; *бахслашди, айтишди, сотиб олишди, айтиб туришди*.

5. Орттирма нисбат /-т, -ир, -из, -з, -ар, -гиз, -киз, -қиз, -дир, -тир, -газ, -каз, -қаз/: ҳаракат восита орқали бажарилади; *кўрсатди, кўпайтди, уялтирди, туширди, чиқарди, оқизди, ёндирапти*.

6. Феълда бир неча нисбат қўшимчаси бўлса, шу феълнинг қайси нисбатдалигини охириги нисбат қўшимчаси белгилайди: *кий+иш+тир+иш+ди (бирг. нисбат)*.

7. Орттирма нисбат қўшимчаси бир феълга кетма-кет қўшила олади: *том-из-дир, айт-тир-гиз-дир*.

8. Орттирма нисбат қўшимчалари бирор восита ёрдамида бажариладиган иш-ҳаракатни ифодалайди.

9. Ҳаракат номига замон қўшимчаси қўшилса, биргалик нисбатига айланади.

* * *

Феълларнинг тусланиши

1. Феълларнинг шахс-сон қўшимчалари билан ўзгариши *тусланиш* дейилади.

2. I гуруҳ тусловчилар (-ди, -са қўшимчалари билан тугаган феълларга қўшилади):

- а) I -м, -к;
 б) II -нг, -ингиз;
 в) III -, -.

3. II гурух тусловчилар (бошқа феъллар, от-кесимлар кўшилади):

- а) I - мап, - миз;
 б) II - сап, - сиз;
 в) III - ди, - ди (лар).

4. Равишдошнинг -б (-иб), -а (-й) шакли тусланади, -га -гунча, -гани шакли эса туслапмайди, сифатдош тусланади.

5. Бу қўшимчалар кўмакчи феълли сўз қўшилмасида асоса кўмакчи феълга (*ёзиб турди+м, ёзиб туриб+сап*), баъзан ҳар иккисига қўшилиши мумкин (*ёзди+м - олди+м*).

* * *

Феъл замонлари

1. Феъл замонлари путқ сўзлашиб турган пайдан олдин, ўша пайт ёки кейин бажарилиган ёхуд бажарилмаган иш-ҳаракатни кўрсатади.

2. Ўтган замон:

- а) Яқин ўтган замон: /-ди/; *ол+ди+м, ёз+ма+ди+нг*;
 б) Узоқ ўтган замон: /-ган/; *ол+ган+сиз, ёз+ма+ган+миз*;
 в) Ўтган замон хикоя феъли: /-иб/; *ол+иб+мап*;

г) Ўтган замон давом феъли: /-ар эди, -ётган эди/; *ола эди+м*;

3. Ҳозирги замон:

а) Ҳозирги-келаси замон феъли: /-а, -й/; *ол+а+мап ўқи+й+мап*;

б) Ҳозирги замон давом феъли: /-яп, -ётир, -моқда, -ётиб/; *ол+яп+мап, ёз+моқда+сап, тўқи+ётиб+мап*;

4. Келаси замон:

а) Келаси замон гумон феъли: /-р (-ар) /; *ол+ар+мап, ўқи+р+сап*;

б) Келаси замон мақсад феъли: /-моқчи, -диган/; *ол+а+диган+сиз, бор+моқчи+мап*;

5. Ёт, юр, тур, ўтир кўмакчи феъллари ёрдамида ҳозирги замон давом феъли ҳосил қилинади: *югуриб турибди, айтиб юрибди*.

* * *

**Феъл
майллари**

1. *Майл* ин-ҳаракатнинг воқеликка му-
посабати ифодалади.

2. Майл қўшимчалари шакл ясовчи ҳисобланади.

3. Майллар:

а) аниқ (хабар) майл: *олдим, ёзмадинг, ўқияписиз, олиб кел-
гансиз;*

б) буйруқ-истак майли: /-ай, -й, -гин, -син, -айлик, -нг,
-ингиз/; Феъл ўзаги ҳеч қандай қўшимча олмаса, II шахс бирлик
буйруқ майли; *борай, олгин, ол, юрсин, бериб юборинг;*

в) шарт майли: /-са/; *борсам, юрсам эди, борсам керак (гу-
мон);*

г) мақсад майли: /-моқчи/; *бормоқчиман, айтиб тур-
моқчиман;*

* * *

**Феълнинг
вазифадош
шакллари**

1. Равишдош:

а) ҳолат равишдоши: *-а, -й, -б, -иб; ура-
сура, йиғлай-йиғлай, бориб; ҳол, кесим бўла*

олади;

б) пайт равишдоши: *-гач, -қач, -қач, -гупча, -қупча, -қупча;
гуллаб келгач, олгупча, дам олгач;* пайт, мақсад шакли тусланмай-
ди;

в) мақсад равишдоши: *-гани, -қани, -қани;* мақсад шакли бў-
лишсизликка эга эмас;

2. Сифатдош: *-ган, -қан, -қан, -р, -ар, -диган, -ётган, -мас, -
жак, -гай, -гуси; ўқиган, чиққан, айтар (сўз), гапирадиган, кела-
жак, келгуси;* аниқловчи, кесим, ҳол бўлади, турланмайди, отла-
шади, отлашганда турланади.

3. Ҳаракат номи: *-моқ, -в, -ув, -ш, -иш; ўқимок, ўқиш, ўқув;*
барча бўлак бўла олади, турланади.

* * *

**Феълларнинг
ясашиши**

1. Феъллар морфологик ва син-
тактик усулда ясалади:

а) *аффиксация* усулида отдан (*фахрлан*), сифатдан
(*қийинлаш*), сондан (*иккилан*), равишдан (*кечик*), олмондан
(*сизла*), ундовдан (*саломлаш*), тақлид сўздан (*ялтира*), модал
сўздан (*йўқла*) феъл ясалади;

б) синтактик усулда феъл билан феълни қўшиб (олиб келмоқ, сотиб олмоқ), феъл билан феъл бўлмаган сўзни қўшиб (касал бўлмоқ, милт-милт қилмоқ) ясалади.

Изох: феълдан сўз ясовчи қўшимча орқали феъл ясаб бўлмайдими.

2. Феъллар жуфтлашиб, асосан, от ҳосил қилади: борди-келди, олди-сотди; баъзан сифат ва равиш ҳам ҳосил қилади: куйди-пишди, узил-кесил.

3. Деги, келди феъллари такрорланганда от ҳосил бўлади: деги-деги, келди-келди.

* * *

Феълнинг модал маънолари

1. Ушбу қўшимчалар модал маъно ясаб, шакл ясовчи қўшимча ҳисобланади: -кила (турткила), -гила (сургила), -гила (чўзгила), -ла (қувла, савала), -ала (қувала), -ка (сурка), -қа (чайқа) -мсира (ийгламсира), -имсира (кулимсира), -а (бура), -и (тўзи).

2. Кўмакчи феъл етакчи феълга ушбу модал маъноларни қўшади:

а) ҳаракатнинг давомийлигини: айтиб тур, югуриб тур;

б) ҳаракатнинг бажарилишига оз қолганлигини: айта ёзди, ура ёзди;

в) ҳаракатнинг такрорланиб туришини: айтиб юр;

г) ҳаракатнинг йўналиши: айтиб кет, ёзиб бер;

д) ҳаракатнинг бажарилиши имконияти: ёзиб кўр, айтиб бок;

е) ҳаракатнинг тугаллангани: айтиб бўл;

ё) ҳаракатнинг бажарилиш усули: ёзиб ташла, айтиб юбор.

3. Етакчи феъл билан кўмакчи феъл бир шаклда бўлса, жуфт феъл ҳосил бўлади (ясама эмас): ўтди-кетди, олди-қолди, айтдим-қўйдим.

* * *

РАВИШ

Морфологик белгилари

1. Ҳаракатнинг белгиси, пайти, ўрни, даражаси, миқдори, сабабини билдиради.

2. Сўроқлари: қандай? қай тарзда? қачон? нега? қанча?

3. Даражага эга: тез, тезроқ, жуда тез, секингина.

4. Турланмайди ва тусланмайди.

5. Морфологик жиҳатдан ўзгармайди.

6. Махсус ясовчи қўшимчаларга эга.

7. Содда, қўшма, жуфт, такрор шаклларга эга.

* * *

**Синтактик
белгилари**

1. Гапда асосан хол бўлади.

2. Кесим, отлашганда бошқа бўлак бўла

олади: Бундайларнинг *қўниши* кўрдим.

3. Битишувда тобе сўз бўлади.

4. Равишли-бириқма ҳосил қилади: *хаммасидан қўп*.

5. Баъзан апиқловчи бўла олади: *Оз сўз - соз сўз*.

* * *

**Равишларнинг
маъно турлари**

1. Холат равиши: /қагдай? қай тарзда? қагдай қилиб?/; аста, секин,

жим, яёв, шиёда, очик-сочик, очин-тўқин, эсон-омон, дархол, дарров, яққол, бирдан, бирга, мажбуран, қўққисдан, бирма-бир, бит-талаб, қўнишча, янгича, қаторасига.

2. Миқдор ва даража равиши: /қагча? қай даражада?/ қўп, оз, кам, бир оз, сал, пича, қиттак, хиёл, қисман, жуда, гоят, пихо-ятда, ҳар қагча, обдон, оз мунча, асло, сира, ҳеч.

3. Пайт равиши: /қачон?/; тупов қуп, эрта, энди, эрталаб, сўнг, илгари, сўнгра, кейин, ҳануз, хали, хамиша, кеча, аввал, аллақачон, бултур, қадим, дастлаб, ҳар қупи, қишин-ёзин, халитдан, ҳозир, қайвақт, унда-бунда.

4. Ўрип равиши: /қаерга? қаерда? қаердан?/; пари, бери, унда-бунда, аллақаерда, аллақаерга, қуйидан, бу ёққа, у ёққа, бунда.

5. Сабаб равиши: нега? нима сабабдан?; поилож, поиложликдан, чорасизликдан.

6. Мақсад равиши: нега?; атай, атайин, атайлаб, жўрттага, қасдан, аzza-баzza.

* * *

**Равишларнинг
ясалиши**

1. Равишлар аффиксация усули (*қисман, русча, ёшасига, яхшилаб, яширин, мардона, тошдай*) ва синтактик усулда (*ҳар вақт, бир оз, бир нафас, ҳеч қачон, шу қупи, бир ерга, қупи кеча, аста-секин, очик-ойдин, эрта-кеч*) ясалади.

2. От, олмонши -ма, ба- элементни билан такрорлаб ҳам равиш ясалади: *юзма-юз, қўчама-қўча, ранг-баранг*.

3. Чиқиш келишигидаги сўзни такрорлаб: *кундан-кунга, шундан-шунга.*

4. Сифат, равиш, сон, феъл, олмошни такрорлаб: *чаққон-чаққон, бирма-бир, ўз-ўзидан, тўлиб-тўлиб.*

5. От, сифат, сон, феъл равиш бўлиб қолган: *олга, кунда, кунига, янгидан, яқиндан, бирдан, бирга, ўта;* Бу сўзлардаги кўшимчалар равишга сингиб кетади.

Изох: Равишларга келишик кўшимчалари кўшилиши мумкин: *ҳар ернинг, ҳар ерни, ҳар қаерга, ҳар қаердан, ҳеч қаерга, ҳеч қаердан.*

* * *

КЎМАКЧИЛАР

1. Гапда отдан кейин келиб, уларнинг бошқарув йўли билан тобеланишини таъминлайди; луғавий маънога эга эмас.

2. Кўмакчили сўз феъл томонидап бошқарилади.

3. Кўмакчи ўзи боғланган от билан бирга гап бўлаги бўлади:

а) Овқатни *дўстим билан* едим - тўлдирувчи;

б) Овқатни *иштаҳа билан* едим - хол.

4. Турлари:

а) асл кўмакчилар: *билан, учуп, сингари, каби, сайин, сари, узра;*

б) кўмакчи вазифасидаги сўзлар: *томон, ташқари, ҳақида, мисоли, кейин, сўнг, аввал, кўра, яраша, қараб, тортиб, қараганда.*

5. Кўмакчиларнинг модал маъно ифодаланиши:

а) восита: *қалам билан, ҳасса билан;*

б) мақсад: *ўқиш учуп, меҳмон учуп;*

в) сабаб: *ипгичка бўлгани учуп;*

г) аташ: *Салима учуп;*

д) давомийлик: *кун бўйи, йил сайин.*

е) ўхшатиш (қийс): *уялган каби, нокка қараганда;*

ё) йўналиш: *уй томон, уйга қараб;*

ж) таҳмин: *бир соат чамаси.*

6. Кўмакчилар бир-бири билан (*укам каби-укам сингари*) ва келишиклар билан (*укамга-укам учуп*) синонимлик ҳосил қилади; *билан, учуп* кўмакчилари бадийий путқда қисқариб келади: *биз-ла, сиз-чун.*

* * *

БОҒЛОВЧИЛАР

1. Уюшган бўлақлар ва кўшма гапларни боғлайди.
2. Морфологик жиҳатдан ўзгармайди.
3. Боғланиш жараёнида турли муносабат ифодаланади.
4. Қўлланишига кўра 2 хил:
 - а) якка боғловчилар: *ва, ҳамда, ё, ёки, аммо, лекин, бироқ;*
 - б) такрор боғловчилар: *гоҳ... гоҳ, дам... дам, баъзан... баъзан, ё... ё.*
5. Вазифасига кўра 2 хил:
 - а) тенг боғловчилар: *ва, аммо, гоҳ... гоҳ;*
 - б) эргаштирувчи боғловчилар: *чунки, -ки, шунинг учун.*
6. Тенг боғловчилар маъносига кўра 3 хил:
 - а) бириктирув: *ва, ҳамда, (-у, -ю, -да, билан);*
 - б) зидлов: *аммо, лекин, бироқ, балки, (-у, -ю юкламалари);*
 - в) айирув: *ё...ё, ёки, гоҳ... гоҳ, дам... дам, баъзан... баъзан, ҳам... ҳам, бир... бир, хоҳ...хоҳ.*
7. Эргаштирувчи боғловчилар маъносига кўра 4 хил:
 - а) аниқлов: *яъни, -ки, -ким;*
 - б) сабаб: *чунки, шунинг учун, негаки;*
 - в) шарт: *агар, агарда, башарти, мабодо;*
 - г) солиштирув: *гўё, гўёки.*
8. Тенг боғловчилар *уюшиқ бўлақлар ва боғланган кўшма гап қисмларини* боғлашга хизмат қилади.
9. Эргаштирувчи боғловчилар *фақат тобе-ҳоким муносабатли (эргашган) кўшма гап қисмларини* боғлайди.

* * *

ЮКЛАМАЛАР

1. Сўз ёки гапга кўшимча маъно беради.
2. Юкламалар сўз (*хатто, фақат, ахир, худди, ҳам*) ва аффикс (*-гина, -кина, -кина, -оқ, -ёқ, -ми, -чи, -а, -я, -ки, -дир, -да, -ку*) шаклида бўлади;
3. *-гина, -кина, -кина, -оқ, -ёқ, -ми, -дир* сўзга кўшилиб ёзилади;
4. *-а, -я, -да, -ку, -чи* чизикча билан ажратиб ёзилади;
5. *-у, (-ю)* жуфт сўз орасида сўзга кўшилиб, кўшма гапда чизикча билан ажратиб ёзилади.
6. Турлари:

а) сўроқ ва таажжуб юкламаси: *-ми, -чи, -а, -я*. Сизни-я?, Сизни сўрашдими?

б) кучайтирув ва таъкид юкламаси: *-ку, -у, -ю, -да, -э, -ок, -ёқ, -ки, ахир, ҳатто, нахот, нахотки, ҳаттоки, ҳам*; Сенмисан-э? Ҳатто келмадилар;

в) айирув-чегаралов юкламаси: *-гина, -кипа, -кипа, фақа фақатгина, ёлғиз (ҳам сифат)*; Фақатгина у холос. Ёлғиз у келди;

г) аниқлов юкламаси: *худди, нақ*; Нақ балоларга қоламан-а;

д) гумон юкламаси: *-дир*; Кимдир эшикни тақиллатди;

е) инкор юкламаси: *на... на*; На у, на мен бир сўз деёлмадик.

* * *

МОДАЛ СЎЗЛАР

Морфологик белгиси

1. Морфологик жихатдан ўзгармайди.

2. Қисман сўз ўзгартувчи қўшимчани ола-

ди: *бориши*.

3. Морфемага ажралмайди.

4. Ясалиш учун асос бўлади: *керагича, йўқчилик, ёлғиз, йўқла, зарурий, борлик*.

5. Бор-йўқ сўзлари жуфтлашиб от, юклама (фақат) ҳосил қилган.

* * *

Синтактик белгиси

1. Бор, йўқ сўзлари эга, кесим ва бошқа бўлак бўлиб кела олади: *Бор-борича, йўқ-ҳолича*.

2. Аксарият кириш сўз бўлади.

3. Керак, зарур, лозим, даркор сўзлари кесим таркибига ки-ради ёки кесим бўлади: *Бизга ўйин керак*.

4. Сўз-гап бўлиб келади: *-Борасизми. -Йўқ. -Майли, ишип-гизни қилинг*.

* * *

Модал сўзларнинг маънолари

1. Соф модал сўзлар: *бор, йўқ, керак, лозим, даркор, зарур*.

2. Бошқа туркумдан ўсиб чиққан модал сўзлар: *афтидан, ҳақиқатдан, эҳтимол, дарҳақиқат, чамаси, мазмуни, тўғри, яхши*,

табий, шубҳасиз, сўзсиз, бор, йўқ, эссиз, албатта, ажабо, чиқар, бўпти, демак, ўз-ўзидан, балки.

3. Модал сўзлар қуйидаги маъноларни англатади:

а) фикрнинг аниқлиги: *албатта, шубҳасиз, ҳақиқатдан, ўз-ўзидан, табий, дарҳақиқат;*

б) гумон, ноаниқликни: *эхтимол, чиқар, балки, хойнахой, чоғи, афтидан, мазмуни, чамаси, ҳар қалай;*

в) мақсад, талаб, шарт: *керак, лозим, зарур, даркор;*

г) мавжудлик ва тасдиқ: *бор, майли, хўп, тўғри, тузук, яхши;*

д) мавжуд эмаслик, инкор, эътирозни: *йўқ;*

е) маъқуллашни ва таъкидни: *дуруст, бўпти, майли;*

ё) яқунлашни: *демак, хуллас, модомики;*

ж) эслатишни: *дарвоқе, айтгандай, айтмоқчи;*

з) ачипиш, таассуфни: *афсус, аттапг, эссиз.*

4. Ҳар бир гуруҳдаги модал сўзлар ўзаро синоним бўлади: *чоғи, чамаси, мазмуни, афтидан, эхтимол.*

* * *

УНДОВЛАР

1. *Ундов сўзлар* сўзловчининг хис-ҳаяжони, буйруқ-истаги, таъкид ва жавобини ифодалайдиган сўзлардир.

2. Гап бўлаклари билан грамматик боғланмайди, яъни гап бўлаги бўла олмайди.

3. Ўзича айрим гап (*Салом!*) бўлиб келади.

4. Ундовлар ясалмайди, ясагини учун асос бўла олади: *ухла, саломлаш, додла.*

5. Ундовлар *демоқ* феъли билан келганда, қўштирноққа олинади: *У «ох» деб юборди.*

6. Ундовлар отлашади ва ҳар хил гап бўлаги бўла олади: *Ким оҳимга кулоқ тутати?*

7. Ундов ундалма бўлиб келади: *Ҳой, сизга нима бўлади?*

8. Турлари:

а) Хис-ҳаяжон ундовлари: *эх, ох, ух, хм, бе, хо, ҳе, э, уф, туф, дод, вой, хах, оббо, ура, ўхў, э-ха, э-хе, и-и, ие, ёфаринг, салом, балли, алло, апа, мапа;*

б) Хайдан-чақириш ундовлари: *мах, ҳой, мах-мах, мош-мош, чух, чух-чух, бех-бех-бех, дирр, хўш, хўўк, так, қурай-қурай.*

Изоҳ: Барча этикет сўзлар ундов бўлади: *салом, хайр, ассаляму алайкум, раҳмат, ва алайкум ассаляом, ба-л-ли, хорманг, баракалла, калли, бас, офарини.*

* * *

ТАКЛИД СЎЗЛАР

1. Турли товуш, шарна, ҳаракатнинг образи бўлган сўзлар.
2. Таклид сўзлар морфологик жиҳатдан ўзгармайди.
3. Таклид сўзлар ясалмайди, ясалиш учун асос бўлади: асосан *фесъл (ялтира)* ва *от (қарсак)*, баъзан сифат (*пўрсилдоқ*) ясалади.
4. Таклид сўзлар гапта ашиқловчи ва ҳол бўлади: Болташнинг *так-так* овози эшитилди. Шафтоли *дув-дув* тўкилди.
5. Отлашганда эга ва тўлдирувчи бўлади. Камишзорнинг *шшш-тир-шшш* тири сукунати бузади. *Так-туки*нинг ийгиштири!
6. Турлари:
 - а) Товушга таклид: *так, так-тук, қарс, қарс-курс, дук-дук, шақир-шуқур, виш-виш, гумбур, дарапг, тарс-турс, жиз, жинг, цик-цик, гийк, фарч, тарс, миёв, нов, маа, гақ,*
 - б) Ҳолатга таклид: *диқир-диқир, лип, лип-лип, ялт, ялт-юлт, фиц, лим-лим, биж-биж, лик-лик, ярк, бир-бир, хишна, лапанг-лапанг, апил-тапил, динг, цирр, шии.*

* * *

СИНТАКСИС

1. Синтаксис «тузиш» дегани: синтаксис пунктуация билан чамбарчас боғлиқ: *Абай оқ, ёлли отга минди - Абай оқ ёлли отга минди.*
2. Тиниш белги ўз ўрнида ишлатилмаса, гапнинг мазмуни ҳам, синтактик тузилиши ҳам ўзгаради. *Уни гўшт, консерва билан мехмон қилди - Уни гўшт консерва билан мехмон қилди.*

* * *

Сўз қўшилмаси

1. Мустақил сўзлар мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикиб, сўз қўшилмасини ҳосил қилади: *ғўзаллик ва яхшилик, ойнинг ўроғи, кузги шамол, завқ билан куйламоқ.*

2. Тенг боғланишда уюшиқ бўлак ҳосил бўлади: инсон ва занон; қулди-ю индамади.

3. Тобе боғланиш сўз бирикмасини ҳосил қилади: укамнинг китоби, иштаҳа билан емоқ, зангори гилам.

* * *

Сўз бирикмалари 1. Икки-ва ундан ортик мустақил сўзнинг маъно ва грамматик жиҳатдан тобеланишидан сўз бирикмаси ҳосил бўлади.

2. Сўз бирикмасида *бош ва эргаш* сўз бўлади.

а) *Бош сўз* - маъноси изоҳланаётган сўз;

б) *Эргаш сўз* - маънони изоҳлаётган сўз.

5. Агар инверсия бўлмаса, сўз бирикмасида бош сўз эргаш сўздан сўнг жойланади: шудринг томчилари, мураккаб тест, хонаши тозаламоқ.

* * *

Сўз бирикмаси ва гап 1. Сўз бирикмаси (одатда) тобе+хоким сўз бўлиб:

а) потугал фикр бўлади;

б) потугал оҳангга эга бўлади: гўзал ҳаёт.

2. Гап (одатда) хоким + тобе сўз бўлиб:

а) тугал фикр билдиради;

б) тугал оҳанг билан айтилади: Ҳаёт гўзал.

* * *

Гапда сўзларнинг ўзаро синтактик муносабати 1. Қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, пауза, логик урғу синтактик муносабат ҳосил қилади.

2. *Осмоида юлдузлар чамани норлайди* гапида сўзлар *-да, -и, -ди* қўшимчалар орқали синтактик муносабат ҳосил қилган.

* * *

Эргаш сўзнинг бош сўзга боғланиш усуллари 1. *Мослашув* - эргаш сўзнинг бош сўз билан шахс ва сонда мослиги: эргаш сўз (-нинг, -и (қисқарган), (белгисиз)) + бош сўз (-м (-им), -нг, (-инг), -миз (-имиз), -нги (-ингиз), -си, -и); Аҳмадининг китоби; замоний зайли; куз шамоли.

Изоҳ:

а) эгалик қўшимчаси баъзан эргаш ва бош сўзда кела олади: *дўстимнинг китоби*;

б) эгалик қўшимчаси I шахс кўпликда белгисиз кела олади: *бизнинг уй, сизнинг уй*;

в) қараткич ўрнида баъзан чиқиш келишиги кела олади: *болалардан бири*;

г) баъзан эргаш ва бош сўз ўрин алмашиши мумкин: *ватаним меннинг*.

2. *Бошқарув* - бош сўз талаби билан эргаш сўзнинг муайян грамматик воситани олиши: эргаш сўз (-*ни* (-*п, -и, белгисиз*), -*га* (-*а, -па, -ка, -қа, -га*), -*дан, -дин, -да, кўмакчилар*; *фикрни қувватламоқ, дўстлар билан суҳбат, уйни кўздан кечир, уйга кир, уйдан чик, уйда бор, уй томон юр*.

Изох:

а) келишикли бошқарув: *осмонни кўр, йўлни пойла, уйдап чикмоқ*;

б) кўмакчили бошқарув: *осмон каби беғубор, уйга қараб юрмоқ*;

в) баъзан эргаш ва бош сўз ўрин алмашиши мумкин: *келди узоқдап*.

3. *Битишув* - эргаш сўзнинг бош сўзга грамматик воситаларсиз боғланиши: эргаш сўз (*мазмун, оҳанг*) + бош сўз: *тирик сув, тез юрмоқ, қарсиллаб синмоқ, юра-юра чарчамоқ, тўртипчи савол, барча одам*.

Изох:

а) *бош сўз бўлиб асосан от ва феъл, эргаш сўз бўлиб сифат, равиш, равишдош* келади;

б) эргаш ва бош сўз ўрин алмашса, *ганга айланади: тоза хаво - Хаво тоза*.

Демак: *келишиклар, кўмакчилар, эгалик қўшимчаси, оҳанг эргаш сўз билан бош сўзни боғловчи грамматик воситалар хисобланади*.

* * *

Отли, феълли ва равишли сўз бирикмалари

1. Отли бирикмалар: эргаш сўз + бош сўз; *катта бино (от), Наргизнинг ўзи (олмош), талабаларнинг унтаси (сон), жангчилар ураси (отланган ундов), каминшорлар шитир-шитири (отланган таклид), гулдап позик (сифат), оламда йўқ (модал сўз)*,

ушнинг ошиғи олчи (ибора), чиройли ёзиш (ҳаракат номи), отнинг яхшиси (отлашган сифат), китобнинг учтаси (отлашган сон).

2. Феълли бирикмалар: эргаш сўз + бош сўз; уйга кирмок (феъл), тез юрмок (феъл), мехнатда синалган (сифатдон), китобни ўқиб (равишдон).

3. Равишли бирикмалар: эргаш сўз + бош сўз; ҳаммадан кўп (равиш), ишнинг эртаси (равиш).

Изоҳ: демак, бош сўз феъл, сифатдон, равишдон бўлса, феълли, бошқа ҳолларда отли, равишли бўлса, равишли бирикмалар ҳисобланади.

* * *

Сўз бирикмасига ўхшаш бирликлар

Сўз бирикмаси:

Сўз бирикмаси эмас:

<i>чиройли ўқиди (битишув)</i>	-	<i>Дўстим ўқиди (содда йиғик гап)</i>
<i>марказий ўйингоҳ (битишув)</i>	-	<i>Марказий Осие (қўшма от)</i>
<i>мехнатига яраша тўланди (бошқарув)</i>	-	<i>мехнатига яраша (қўмакчи-ли сўз)</i>
<i>ошиб тушди (битишув)</i>	-	<i>чўчиб тушди (қўмакчи феълли сўз қўшилмаси)</i>
<i>битталаб олди (битишув)</i>	-	<i>сотиб олди (қўшма феъл)</i>
<i>ҳеч келмадингиз (битишув)</i>	-	<i>ҳеч қандай (қўшма оломош)</i>
<i>аммамнинг бузоғи (ўз маъносидан мослашув)</i>	-	<i>аммамнинг бузоғи (ибора, турғун бирикма)</i>
<i>бир келмадингиз (битишув)</i>	-	<i>бир пайт (қўшма равиш)</i>
<i>шу вазифа (битишув)</i>	-	<i>шу кун (қўшма равиш)</i>

* * *

Содда ва мураккаб сўз бирикмаси

1. *Содда сўз бирикмалари:* эргаш ва бош сўзда биттадан луғавий бирлик бўлади: *ушнинг бурчи, бозордан олиб келмок, кўча-кўча йи-*

гит-қиз.

2. *Мураккаб сўз бирикмаси:* эргаш ёки бош сўз камида 2 та луғавий бирликдан таркиб топади: *қонлари қоп-қора Зулфия, ме-вали дарахтни кесмок.*

* * *

Битишув ва бошқарув
(турланганлик ва турланмаганлик)

1. Аксарият равишларнинг келиши шаклида келиши битишув бўлади.

2. Бошқарув (турланганлик): уйига келмоқ, машинада келмоқ, магазиндан чиқмоқ, ўртоғига гапирмоқ.

3. Битишув (турланмаганлик): эртасига келмоқ, пиёда келмоқ, шошилмасдан чиқмоқ, узунасига тўшамоқ.

* * *

ГАП

1. Гапнинг 4 белгиси:

- а) муомаланинг энг кичик бирлиги;
- б) нисбий тугал фикрни ифодалайди;
- в) грамматик шаклланган бўлади;
- г) тугалланган оҳанг билан айтилади.

2. Гап тузилишига кўра содда ва қўшма бўлади:

а) *Содда гап* - бир фикрни ифодалайди, бошқа гапларга бўлипмайди: *Қуёш чарақлаб чиқди;*

б) *Қўшма гап* - камида икки фикр қўшилиб, бир бутунликни ҳосил қилади (ёки камида иккита содда гапнинг қўшилиuvi) *Қуёш чарақлаб чиқди ва чўлда ҳаёт қайнади.*

* * *

Гап

бўлаклари

1. Бош бўлақлар: *эга, кесим.*

2. Иккинчи даражали бўлақлар: *тўлдирувчи, апиқловчи, хол.*

* * *

Гап бўлақларига
бериладиган сўроқлар

1. Эгага: ким? нима? кимлар? нималар? қаер?

2. Кесимга:

а) феъл-кесим: нима қилди? нима қияпти? нима қилмоқчи? сўроғининг шакллари.

б) от-кесим: ким(у)? нима(у)? қандайдир? қачондир? печтадир? қаердир? (у) печта?

3. Апиқловчига:

а) сифатловчи-апиқловчи: қандай? қанақа? қайси? печта? печанчи? қаердаги?

б) қаратқич апиқловчи: кимнинг? ниманинг? қаернинг?

4. Тўлдирувчига:

а) воситасиз тўлдирувчи: кимни? нимани?

б) воситали тўлдирувчи: кимга? нимага? кимда? нимада? кимдан? нимадан? ким билан? нима билан? ким учун? нима учун? ким каби? нима каби? ким сари? нима сари? ким орқали? нима орқали? ва б.

5. Ҳолга:

а) вазият (тарз, равиш) ҳоли: қандай? қай тарзда? қай вазиятда? қай равишда?

б) ўрин ҳоли: қаерда? қаердан? қаерга?

в) пайт ҳоли: қачон? қачондан? қачонгача? қачондан бери? қай вақтдан буён? қай вақт?

г) миқдор ҳоли: қанча? қанчалаб? нечалаб? неча марта?

д) сабаб ҳоли: нима сабабдан? нима сабабли? нима учун? нимага? нега?

е) мақсад ҳоли: нима мақсадда? нима учун? нима қилгани? нега?

ё) шарт ҳоли: қандай шарт билан?

ж) тўсиқсиз ҳол: нима бўлса ҳам?

* * *

Эга 1. Ганда мутлақ ҳоким вазиятини эгаллаган сўз ёки бирикма.

2. Хар доим бош келишиқда бўлади.

3. Сўроқлари ким? нима? кимлар? нималар? қаер?

* * *

Эганинг ифодаланиши
(қандай бирликлар
эга бўлади?)

1. От: *Ўйин-қулги* ярим кечагача давом этди.

2. Олмош: *Ҳеч ким* ўрнидан жилмади.

3. Сон: *Беш* - ўшинг ярми.

4. Отлашган сифат: *Мард* майдонда билинади.

5. Ҳаракат номи: *Ҳато қилмоқ* бордир, *тузатмаслик* ордир.

6. Отлашган сон: *Иккитаси* чанга бурилди.

7. Отлашган ундов: *Охларим* тутгай сани.

8. Отлашган равиш: *Қўпи* кетиб, *ози* қолди.

9. Отлашган сифатдош: *Тиришган* тоғдан ошар.

10. Отлашган тақлид сўз: *Қамишзорнинг шитир-шитири* сукупатни бузади.

11. Ибора билан: *Ха, унинг қўлтиғига сув пуркаётган* ҳам шу Бек.

12. Бирикма билан: *Ишламай еган* - оғримай ўлар.

* * *

Кесим

1. Фақат эгага тобе бўлак бўлиб, эга ҳақида хабарни, тасдиқ ёки инкорни, сўроқни билдиради.

2. Кесим одатда гап охирида жойлашади.

3. Кесим тузилишига кўра: *содда ва қўшма*.

4. Ифодаланишига кўра: *фёъл-кесим ва от-кесим*.

5. Турлари:

а) Содда фёъл - кесим:

- тусланган фёъл: *Ўқувчилар йиғилди;*

- равишдош: *Ишнинг боши бошлапунча;*

- сифатдош: *У бу хонадонда яйраб ўсган.*

б) Мураккаб фёъл-кесим:

- кўмакчи фёълли сўз қўшилмаси билан: *Одамлар тарқала бошлади;*

- сифатдош + бўлмоқ: *Тўй эртага ўтадиган бўлди;*

- сифатдош + тўликсиз фёъл: *У тестни ёдлаган эди;*

- мақсад майлидаги фёъл+бўлмоқ + тўликсиз фёъл: *У ўрнидан турмоқчи бўлган эди.*

7. *Содда от-кесим* - бир сўздан иборат кесим:

а) от: *Ватаним - Ўзбекистон. 8 декабрь Конституция кундир;*

б) сифат: *Сенинг борганинг яхши;*

в) сон: *Унинг укаси тўртта;*

г) олмош: *Бизнинг мақсадимиз - ана шу;*

д) равиш: *Дангасанинг важи кўп;*

е) ҳаракат номи: *Ўқиш - юксалиш;*

ё) модал сўз: *Идорада ҳеч ким йўқ. Бизга китоб керак;*

ж) ибора: *Сен аравани қурук олиб қочма.*

* * *

Боғлама

1. Боғлама - от-кесим таркибида кесимликни кўрсатувчи шакл.

2. Боғлама вазифасида келувчи бирликлар: а) *бўлмоқ* фёлли Бугун ёмғир бўлмайди;

б) *эди, эрди, экан, эркан, эмиш, эрмиш* тўликсиз фёъллари: *У маҳалла оқсоқоли эди;*

- в) келмок феъли: Этик оёғимга тўғри келади;
г) саналади, хисобланади, аталади феъллари: 8 декабрь Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни хисобланади;
д) -дир, турур кўрсаткичлари: Талаба бўлиш катта қувончдир; Алишербек шоир турур;
е) -ман, -сан, -миз, -сиз каби шахс-сон кўрсаткичлари: Мен абитуриентман.

* * *

**Эга ва кесим
орасида тиренинг ишла-
тилиши**

1. Кесим феъл-кесим. бўлмай, от, олмош, сон билан ифодаланиб, кесимлик қўшимчаси (-дир)ни олмаганда: 8 декабрь - Конституция куни. Айтадиган гапим - шу.

2. Эга ё кесим, ё ҳар иккаласи ҳаракат номи бўлса: *Ўқиш* - юксалиш.

3. Эга кўрсатиш олмоши бўлса: *Ҳаёт*, *бу* - кураш.

* * *

**Эга ва кесимнинг
мослиги**

1. Одатда эга ва кесим шахс ва сонда мос бўлади: Биз ўқидик (эга ва кесим I шахс, кўпликда).

2. Эга нарсаларни билдирса, кесим билан сонда мослашмайди: Осмонда оқ булутлар сузиб юрибди.

3. Баъзан шахсда мос бўлмаслиги мумкин: Бунга *хайронсан киши*.

* * *

Тўлдирувчи

1. Гапнинг бирор бўлагига келишикли ёки кўмакчили бошқарув йўли билан боғланган бўлак.

2. Тўлдирувчи асосан кесимга, баъзан эга, тўлдирувчи, аниқловчига боғланади.

3. Ушбу сўзлар тўлдирувчи бўлади:

- *от*: Ўша куни *ўқитувчини* учратди. *Уни* хунари учун ёктиради;

- *олмош*: Салим *ўзини* аямади. Саодат опа бу *ходисани* ундап сўради;

- *ҳаракат номи*: Унга *хизмат қилмоққа* ҳамма орзуманд;

- *сон*: *Ўрни бешга* кўш;

- *отлашган сифатдош*: *Бўлинггани* бўри ер;

- *отлашган сифат билаг*: *Яхши билан* етдим муродга;

- отланган равнин: Отам кўпни кўрган, озинга чидайди;
- отланган ундов: Касалнинг оҳ-воҳини эшитди;
- отланган тақлид: Қушларнинг чуғур-чуғурига махлиё бўлди;
- модал сўз: Борига сабр қилинг;
- бирикма: У кўпнинг қандай ўтаётгани билан ичи йўқ.

* * *

Аниқловчи

1. Ганнинг бирор бўлагига битишув ёки

мослашув йўли билан боғланади.

2. Бирор бўлакнинг белгисити, бир бўлакнинг иккинчисига қарашилiligини билдиради.

3. Ифодаланиши:

а) сифат: Баҳорнинг иссиқ кунлари бошланади;

б) сөн: Искала бола бирга жўнади;

в) от: Гулларнинг гули раъёодир;

г) олмон: Ўз уйингни сақла;

д) отланган сўзлар: Ботирнинг мушти ҳам яроғ;

е) сифатдон: Чиниққан болага дард юкмас;

ё) олмон: Бутун халқ тўпланди;

ж) от: Тунроқ йўлдан юрдик;

з) равнин: У айбдорларча табассум билан тикилди;

и) тақлид: Маҳаллада дув-дув гап тарқалди.

* * *

Изоҳловчи

1. Аниқловчининг бир тури: от билан

ифодаланади.

2. Шахс ёки нарсага бошқача маъно берилади.

3. Унвон (*профессор* Фуломов), машғулот, касб (*ошпаз* кампир), амал (*ўришбосар* Камодов), жинс (*ўғил бола*), қариндонлиги (*Сарви хола*), лақаб (*Соли совук*), тахаллус (*Зокиржон-Фуркат*) ўхшашлик (*она-Ваган*) маъноларини ифодалайди;

4. Изоҳловчи ўзи изоҳлаган бўлак (изоҳланмин) билан бирга гап бўлаги бўлади.

* * *

Ҳол

1. Инг-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, сабаб ёки мақсадни, ўрин ёки пайтини ифода қилувчи бўлак.

2. Гап бўлагига (одатда кесимга) битишув ва бошқарув йўли билан боғланади.

3. Ифодаланиши:

- а) равиш: Ишти *пешма-пеш* бажардик;
 б) от жўналиш, чиқиш, ўрин-пайт келишигида ёки кўмакчи билан келиб: Улар катта *йўлдап жануб томон* борар, *завқ билан* кўшиқ айтарди;
 в) равишдош: Соё *шовуллаб* оқмоқда;
 г) сифатдош: *Ҳазиллашганда* одобни сақланг;
 д) сон: Бирпасда тепалик *икки марта* қўлдап-қўлга ўтди;
 е) бирикма: Ўрмонжоп *эрта билан саккиз яримда* келди.

4. Турлари:

а) *Вазият* (равиш) холи: (қай тарзда? қапдай?) Осмон *секин аста* қизара бошлади. Илк қор *ўйпаб-ўйпаб* ёғарди. Шафтоли *ду-ду* тўкилди. Овқатни *иштаха билан* едим;

б) *Ўрин* холи: (қаерга? қаерда? қаердан?) *Унда-бунда* чи роқлар кўрипади. *Кўктоғ томон* йўл бошлади. *Қирдан* шабада эса ди;

в) *Пайт* холи: (қачон? қачондан бери?) *Унда-бунда* келиб ту ради;

г) *Микдор-даража* хол: (печта? қапча?) *Кўп билган оз* сўзлар *Уч қуш* текширди;

д) *Сабаб* холи: (нега? нима учун?) Ўктам *ноилож* қайтди. *У хурсандлигидап* кичқириб юборди. Сен *нимага* кечикдинг?

е) *Мақсад* холи: (нимага? нима мақсадда?) Бошлиқ *азза-базз* ўз хонасидан чиқиб келармиди? Мен *кўришини* *пятида* қўл чўз дим;

ё) *Шарт* холи: (қапдай шарт билан?) Сарвар *улгурса* келади;

ж) *Тўсиқсизлик* холи (нимага бўлса ҳам?) Мен *билсам* ҳам, иш дамадим.

* * *

Гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган бирликлар

1. Гап таркибида келади гап бир қатор бирликлар бошқа бўлақлар билан мазму жихатидан боғланса-да, грамматик жихатдан боғланмайди, яъни гап бўлаги бўла олмайди.

2. Гап бўлаги бўла олмайдиган синтактик бирликлар:

а) отланмаган ундовлар: Ох, бу қапдай бедодлик;

б) ундалмалар: Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим.

в) кириш сўзлар: Тўғри, мен янглишибман.

г) кириш бирикмалардаги бирликлар: Менинг билишимча, буйил ёз иссиқ келади.

д) кириш гаплардаги бирликлар: Мен сизга айтсам, илмда гап кўп.

* * *

**Уюшиқ бўлақлар-
нинг боғланиши ва
умумлаштирувчи
бўлақ**

ўқишади.

1. Теги боғловчилар ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, гоҳ...гоҳ, дам...дам, баъзан... баъзан, ё...ё, ёки...ёки, бир...бир боғловчилари воситасида: Васида ва Зайнаб бир курсда

2. билан кўмакчиси воситасида: Сен билан мен янги авлод вакилларимиз.

3. -у, -ю, -да, ҳам юктамалари билан: Қиз сўрига ўтирди-да, гап бошлади.

4. Санаш оҳанги билан: Ариқдаги сув ўйноқлаб, кўникланиб оқмоқда.

5. Қайси бўлақлар уюшса, умумлаштирувчи бўлақ ҳам шундай бўлақ бўлади: Укам, синглим, жияним - ҳаммаси билан ипоқман (тўлдирувчи).

6. От, олмош, отлашган сўз умумлаштирувчи бўлақ бўла олади: Акбар, Салим, Гулноза, мен - ҳаммамиз мусобақага тайёрландик.

* * *

**Гапда сўзлар
тартиби**

ишларни бошлаш;

1. Одатдаги тартиб:

а) Эга кесимдан олдин келади: *Эзгу*

б) Кесим гапнинг охирида келади: *Соялар шабадада титрайди;*

в) Воситасиз тўлдирувчи кесим олдида келади: *Сенинг ютуқларинг онаинг кувонтирди;*

г) Ҳол кесимдан аввал келади: *Улар дам олгани ўтирди.*

2. Ўзгарган тартиб (инверсия):

а) Кесим - эга: *Очилди тоғнинг лоласи;*

б) Кесим - ҳол: *Қаршимда ўртоғим сўзлар куйиниб;*

в) Кесим - тўлдирувчи: *Сўраб чиқдим ҳаммадан;*

г) Кесим - ҳол: *Бир доктор келганмиш Тошкентдан;*

д) Каралмиш - қараткич: *Ўзбекистон - ватаним мағим.*

* * *

Тўлик ва тўликсиз гап, сўз-гап ва атов гап

1. Тўлик гап: Баҳор фасллар келинчаги эканини биласанми?
2. Тўликсиз гап: Биламаң.
3. Кириш сўзли тўликсиз гап: Ха, биламаң.
4. Сўз-гап: Ха. Ха, дўстим.
5. Атов гап: Баҳор. Келинчакдай фасл.

* * *

Эргаш гапларни бош гапга боғловчи воситалар

1. - ки боғловчиси билан боғланишида бош гап эргаш гапдан аввал келади: Шунини унутмангки, яхши жавоб - сукут.

2. Қолган ҳолларда, одатда, бош гап эргаш гапдан сўнг жойлашади: Кимки ёмон бўлса, жазосини топар.

3. -ки боғловчиси билан бош гапга боғланиши:

а) эга эргаш гап: Бундан чиқдики, биз зolim бой эканмиз-да.
б) кесим эргаш гап: Умидимиз шумидики, бизга жафокиласиз.

в) тўлдирувчи эргаш гап: Шунини унутмангки, ҳаёт жумбоқларга тўла.

г) аниқловчи эргаш гап: Бир ўлкаки, тупроғида олтин гулдади.

д) пайт эргаш гап: Дунё яралмишки, офтоб бор.

е) сабаб эргаш гап: Бир парсаси бордирки, дўк килади.

ё) натижа эргаш гап: Ёмғир шуңдай қуйдики, ер дарров хўл бўлди.

4. -са феъл шакли билан бош гапга боғланиши:

а) эга эргаш гап: Ким бировга чуқур қазиса, ушга ўзини қилди.

б) тўлдирувчи эргаш гап: Копун нимани тақозо қилса, шунини қилинг.

в) аниқловчи эргаш гап: Кимнинг қўнғли тўғри бўлса, унинг йўли тўғри бўлади.

г) ўрин эргаш гап: Қаерда интизом бўлса, шу ерда ютук бор.

д) ўлчов-даража эргаш гап: Меҳнат қанча қийин бўлса, самараси шуңча ширин бўлади.

е) шарт эргаш гап: Ер яхши ҳайдалса, ҳосил мўл бўлади.

5. -ми юкламаси билан.

а) тўлдирувчи эргаш гап: Биласизми, бу кийин масала.

б) сабаб эргаш гап: Омадимиз келган эканми, хосил бир бўлиб берди!

в) шарт эргаш гап: Чой дамладингми, хиди туркираб турсин.

г) пайт эргаш гап: Отаси келдими, чошиб ёнига боради.

6. -б (-иб) равишдоши билан:

а) равиш эргаш гап: Нигоранинг кўзлари жавдираб, юраги дук-дук урди.

б) пайт эргаш гап: Эшик очилиб, Нодир кўриди.

в) сабаб эргаш гап: Бошимизга ҳам тушиб, шодликни унутганимиз.

г) тўсиқсиз эргаш гап: Чирок ўчиб, биз қоронғида қолмасмиз.

Изох: Яна *чунки, шунинг учун, негаки, пимагаки, сабабли, туфайли, оркасидап, сабабки, шекилли* (сабаб эргаш гапни), *бўлмаса, йўқса, агар, мабодо, башарти*, (шарт эргаш гапни), *гўё, гўёки, худди* (ўхшатиш эргаш гапни), *-син деб* (мақсад эргаш гапни), *деса* (шарт, пайт, тўсиқсиз, тўлдирувчи эргаш гапни), *замон, вақт, чоғ, пайт, давр, +да/-га* (пайт эргаш гапни), *-са ҳам, -са-да, -га қарамай* (тўсиқсиз эргаш гапни), *-гунча, -ганда, -ган сари* (пайт эргаш гапни) воситалари эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар саналади.

* * *

Гап турлари ва белгилари

1. *Ихчам гап* - фақат кесимнинг ўзидан иборат гап: *Ишлайсанми?*

2. *Сўз-гап* - содда гапларнинг алоҳида тури: *ха, йўқ, майли, раҳмат, маъқул, хўп, шундай, аксинча, ростми, пахотки, марҳамат* каби сўзларнинг тасдиқ ёки инкор маъносига гап бўлиб келиши: *Раҳмат, ука. Хўп. Хайр*, тақсир.

3. *Содда йиғиқ гап* - фақат эга ва қесимдан иборат гап: *Алишер ўйланиб қолди.*

4. *Содда ёйиқ гап* - иккинчи даражали бўлак қатнашган гап: *Алишер узок ўйланиб қолди.*

5. *Тўлиқ гап* - зарур бўлаклар мавжуд гап: *Олға юрдик, болалар.*

6. *Тўлиқсиз гап* - зарур бўлак туширилган гап: *Олға, болалар (қесим тушган).*

Изоҳ: Тўликсиз гапда *эга, кесим ва иккинчи даражали булаклар тушиб қолиши мумкин*. Эртага касрга бормокчисан? Тошкентга (хол ва кесим тушган).

- Тўликсиз гап ёлғиз қўллашмайди: қўшма гап шаклида кўпроқ иккинчи гап тўликсиз бўлиб шаклланади: Оламни қуёш ёритади, инсонни йлм.

7. *Бир боти булакли гаплар* - асосан эга, бирида эса, кесим қўллашмаган гаплар:

а) *шахси маълум гап* - кесимга сўроқ бериб, эгасини топиши мумкин булган гаплар; кесимдаги *шахс-сон курсаткичи эгани* курсатиб туради: *Сизлардан узр сўрайман*;

б) *шахси номмаълум гап* - кесими *-ш, -иш, -лар*, қўшимчаси билан шаклланган эгасиз гаплар: Визда болаларни *сизлашади*. Мехмонни *иззат қиладилар*;

в) *шахси умумлашган гап* - мазмуни ҳар учала шахсга тегишли бўлиб, кесими буйруқ майлининг II шахс грамматик курсаткичисиз гаплар: *Ётти ўлчаб бир кес. Ёмон уругдан яхши ҳосил кутма*;

г) *шахси топилмас гап* - эгасини тошиб бўлмайдиган гап: - кесими III шахс мажхул нисбатдаги феъл: Залда *чекилмаст!*

- кесими *булади (бўлмайди), тўғри келади (тўғри келмайди)* феъллари: Эҳтимол, уч-тўрт ой қолишга *тўғри келар*;

- кесим таркибида *-мас* қўшимчали феъл булади: Ойни этак билан *ётиб булмас*;

- ҳаракат помидан кейин *керак, зарур, лозим, мумкин* сўзларини келтириши: Эрталабки салқинда *ётиб бориши керак*. Аввало, бундан *чўчимаслик керак*.

д) *атов гап* - грамматик асос эга орқали ифодаланиб парсабуюмнинг мавжудлигини курсатади; атов гаплар охирига нукта қўйилади: Мана Хирот. Хусайн Бойқаро саройи.

Изоҳ: сўроқ ва нуктали вергул қўйилмайди, ҳис-туйғу кучли бўлса, ундов қўйилади: Тоғлар! Балаанд тоғлар! Алишнинглар чўкки томон кўтарилмоқдалар.

8. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари:

а) *дарак гап* - хабар-дарак берувчи гаплар: *Мен 7-синфда ўқийман*.

Изоҳ: дарак гапнинг кесими кўпинча аниқлик майлидаги феъл бўлади; гап охирига нуқта қўйилади: *Ундай бўлса жуда яхши.*

б) *сўроқ гап* - жавоб талаб қиладиган гаплар. Хосил қилиниши:

- сўроқ юкламалари (-ми, -чи, -а, -я) ёрдамида: Концерт бопландими?

- сўроқ олмошлари (*ким, нима, нега, қаер, қачон*) билан: *Ким қачон келди?*

- *нахот, нахотки* юкламалари билан: *Нахотки, бугун ёмғир ёгса?*

- сўроқ оҳанги билан: *Уйда меҳмон бор. Уйда меҳмон бор?*

- *шекилли* сўзи билан: *Сеп ҳам битирдинг шекилли?*

- кутилмаган хабарни эшитиб, бутун гапни ёки унинг бир қисмини қайтариш орқали: *Олтин сирғамни йўқотдим. Сирғамни?*

в) *риторик сўроқ гаплар* - жавоб талаб қилмайдиган, тасдиқ (*ха, бор*) ёки инкор (*йўқ, бўлмайди*) жавоби ўзида бўлган гаплар. *Ким шеър ёзмас менинг ёшимда?! (Ҳамма ёзади-тасдиқ). Шундай гўзал юрт борми оламда?! (йўқ);*

г) *сўроқ-буйруқ гаплар*: буйруқ маъноси ҳам бўлади: *Йўқ бўлсин? Тез-тез ёзмайсанми?*

д) буйруқ гаплар буюриш, илтимос, ялиниш, маслаҳат, таклиф маъноларини ифодалаган, кесими буйруқ майлидаги феъл бўлган гаплар:

- илтимос: *Ёмон кунга қўйма, ўртоқжон;*

- маслаҳат: *Яхшиси, ТошМИга кир;*

- таклиф: *Қани, меҳмонлар ичкарига;*

- чақирик: *Кўп ва соз ишлайлик.*

е) *хис-ҳаяжон (ундов) гаплар* - фикр кучли хис-ҳаяжон билан ифода қилинган гаплар:

- *эх, оҳ, э, ух, уф, эҳа, ис, оббо, офарин, балли* каби ундовлар иштирок этади: *Э, биз бунақа тестни энди ечаётганимиз йўқ!*

- *қандай, қанча, пакадар, шундай* каби сўзлар иштирок этади: *Накадар қувноқ ва жасур эдик!*

- дарак-ундов гап: *Ҳеч қачон бир кишининг қўлидан келмайди!*

- сўроқ-ундов гап: *Энг яқин дўстдан ажралиш осопми?!*

- буйруқ-ундов гап: *Сизга шарафлар бўлсин!*

9. Уюшиқ бўлакли гаплар - таркибида бир хил сўроққа жавоб бўлган, бир бўлакка боғланган бўлақлар қатнашган гаплар: Холбуви кизини бағрига босди, эркалади, юнатди.

а) уюшиқ бўлақлар тенг боғловчилар ва сапаш оҳанги билан боғланади;

б) уюшиқ бўлақлар кўпинча бир хил сўз туркуми бўлади;

в) кўмакчи феълли сўз қўшилмаси уюшиқ кесим бўлганда кўмакчи феъл етакчи феълларнинг сўнггисига қўшилади: Сизни печанилдан буён ўқитиб, едириб, кийдириб келамаи;

г) кўмакчи, қўшимча, тўлиқсиз феъл уюшиқ бўлақнинг сўнггисига қўшилади: Опам, укам, *синглим билан* Токиога бордик. У кўни-кўшни, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Феруза ақлли ва соҳибжамол эди;

д) уюшиқ бўлақлар ёйиқ бўлиши мумкин: Маърузачига қизик, кишини хайратда қолдирадиган саволлар беришди;

е) уюшиқ бўлақлар жуфт-жуфт бўлиб қўлланиши мумкин: Шерали қўркмас ва жасур, камган ва қайсар бола эди;

ё) барча бўлақлар уюша олади:

- эга: Очиқ эшикдан озода супалар, садарайхон, помозиномгуллар кўришди;

- кесим: Салим қулди, бироқ илдамаси;

- аниқловчи: Хурматли, кадрдон ўқитувчимга салом!

- қаратқич: Сизнинг, ўртоғингизнинг тестлари яхши ечилган;

- ҳол: Майли, ўйпаб, ёзилиб келингллар;

- ундалма: Дада, ойи, соғ-саломат юрибсизларми? Келингллар, йигитлар, қизлар, даврага тушинг!

ж) уюшиқ бўлақлар -у, -ю, -да юкламалари, билан кўмакчиси ёрдамида боғланиши мумкин: Феруза билан Шаҳноза яхши ўқийди-ю, бироқ билганларини дарров айтишни истамайди;

з) уюшиқ бўлақларда олмош, от ёки отлашган сўз жамловчилик вазифасини бажариб, умумлаштирувчи бўлақ бўлиб келади; бу бўлақ уюшиқ бўлақлардан аввал келса, *икки нукта*, кейин келса, ундан олдин *тире* қўйилади: Сиз ҳаммамизнинг: опам, укам, синглимнинг меҳрибонимизсиз. Опам, укам, синглим - ҳаммамиз сизга қарашамиз;

и) уюшиқ бўлақли гапларда умумлаштирувчи сўз ўрнини кириш сўз олса, ундан кейин вергул қўйилади: Мактаб ўқувчилари: жумладан, Салима, Карима, Халима мусобақада голиб чиқди;

й) сифатловчи баъзан уюшмаслиги мумкин: *Кечки салқини* маънада эди. Ер юзи ўзининг *қинқи сарик* қийимини кийган эди;

к) уюшиқ бўлакларда *вергул, тире, шккн пункта, пунктали вергул* (уюшиқ бўлаклар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келса пунктали вергул) ишлатилади.

10. *Ажратилган бўлакли гаплар* - ўзидап олдинги бўлақни изоҳлаган бўлақли гаплар: Биз, *хаммамиз*, абитуриентмиз. Қўллар ишлар тез - *муъжизакор*.

Изоҳ: ажратилган бўлақларни аниқлаш учун «яъни» сўзини қўлаб кўринг маъқул: Ёзда, (*яъни*) *тавтил кунларида*, бир печабадий асарларни ўқидим.

а) ажратилган бўлақ вергул ёки тире билан ажратилади;

б) барча бўлақ ажратилади:

- эга: Биз, *турли тилга хоё адабиёт вакиллари*, шу тил туфайли бир-биримизни яхши биламиз;

- кесим: Олахўжа ўзи шундай - *мўмин*;

- қаратқич-аниқловчи: Унинг, *оптамнинг*, билими кучли;

- сифатловчи-аниқловчи: Қобил бобо, *ялашбон*, *ялаш оёқ*, дир-дир титрар эди;

- тўлдирувчи: Бу ишни, *харф теришти*, дадам ўргатганлар;

- ҳол: Жанубда, *қинлок томонда*, пода кўрипти.

11. *Ундалмали гаплар* - таркибида ундалма қатнашган гаплар: Офтоб қаерда ётиб қолади, *ойи*.

а) ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни кўрсатади: Кўйинг, *бегим*, ўзингизни уриштирманг. Хой *қуёпча*, сенга нима бўлди?

б) ундалма, одатда, II шахсга қаратилади: Е, *тўшим (сен)*, е, ич, *тўшим*, ич!

в) ундалма ўзига (I шахсга) қаратилиши мумкин: Сўзда, *Навоний*, не десанг чин дегил;

г) ундалма ийшиқ (бир сўз) ёки ёйиқ (иккидан ортиқ сўз) бўлиши мумкин: Хафа бўлма, *Салима*, сенга ёрдам берамиз, Хайр сенга, *қадридоним мажнунбол*;

д) ундалма сўз бошида келса, чакириқ, мурожаатни аниқлатади: *Салима*, сизга нима бўлди? *Йигитлар*, олга!

е) ундалма уюшган бўлиши мумкин: *Дада*, *ойи*, яхши юриб-сизларми?

ё) баъзан уюшмаслиги мумкин: *Аброр, ўғлим, қўзичоғим*, арқонни олиб кел;

ж) ундалмали гапда одатда эга қатнашмай, шахси маълум гап бўлиб келади: Мени тапир экапсиз-да, *Мадали ака* (эга - *Сиз* қатнашмаган);

з) баъзан эга қатнашини мумкин: Ватан, *сен* бунчалар улугсан!

и) ундалма бош келишидаги от билан ифодаланади: Қани, *болалар*, ёзамиз;

й) ундалма ундов билан ифодаланиши мумкин: *Хой!*, сизга нима бўлди?

к) ундалмалар гап бўлаги бўлмайди (бошқа бўлақлар билан грамматик жихатдан боғланмайди);

л) ундалмалар вергул билан ажратилади;

м) ҳис-ҳаяжон кучли бўлса ундов қўйилади: *Хой!* Сизни кутиб турибмиз.

12. *Кириш сўз*ли гап - таркибида кириш сўз (*афтидап, мепимча* каби) қатнашган гаплар; *Афсуски*, мен унинг отини билолмай қолдим.

а) кириш сўз вергул билан ажратилади;

б) кириш сўз гапга ёки бирор бўлакка бўлган муносабатни ифодалайди:

- ишонч ва тасдиқни: *албатта, ҳақиқатдан ҳам, дарҳақиқат, маълумки, шубҳасиз, тўғри, сўзсиз, рост, муқаррар*;

- гумон: *эхтимол, афтидап, чамаси, шекилли, балки*;

- шодлик, мамнуликни: *бахтимизга, пихоят, шукур*;

- орзу-умид: *кошки, шояд, ишқилиб*;

- афсус, ачиниш: *афсус, аттанг, эсиз, таассуфки, афсуски*;

- таажжуб: *ажаб, ажабо, паҳотки*;

- айтилаётган фикр маънаини: *мепимча, фикримча, фаҳмимча, айтишларича, пазаримда, эсимда, эшитишимча*;

- баён қилинган фикр тартибини: *аввал, охири, пихоят, биригичдан*;

- баён қилинган фикрнинг олдинги фикр билан боғлиқлигини: *демак, умуман, аксинча, баъзан, хуллас, шунингдек, айниқса, асосан, бинобарин, хусусан* каби сўзлар қатнашган гаплар;

в) кириш сўзлар гап бўлаги бўлмайди. *Демак*, кетасан.

13. *Кириш бирикмали гап* - таркибида кириш бирикма (ушшг айттишча, менинг билдишимча) қатнашган гаплар: *Менинг фикримча*, ҳар қандай жамоа - тарбия мактаби.

Изоҳ: *Вергул* билан ажратилади.

14. *Кириш галли гап* - таркибида кириш гап бўлган гап: *Боладигимда, эс-эс биламан*, бу ер қатта, обод кишлоқ эди. Шуларни ўйладиму, *мен сизга айтсам*, ариза ташлашга жазм килдим.

а) кириш гаплар *вергул*, тире, кавс билан ажратилади: *Насиба билан Мактуба - ўшанда тонг отмаган эди - йўлга тушдилар. Қосим ака (у мендан уч-тўрт ёш катта) чой ташир эди.*

15. *Кўчирма гап* - ўзгаларини ҳеч ўзгаришсиз берилган гапи: «*У ёлгон овчи*», - деди қимдир.

а) кўчирма гап қўштирноққа олишади, баъзи асарларда тире ичида берилди.

16. *Ўзлаштира гап (ўзга гап)* - шакли ўзгартирилиб, мазмуни ифодаланган ўзгалар гапи: *Қимдир, ушшг ёлгон овчи эканини айтди.*

а) сўрок, буйрук мазмуни ифодаланган кўчирма гаплар ўзлаштира гапга айлантирилганда, дарак гап шаклида баён қилинади;

б) ундов, кириш сўзли кўчирма гаплар ўзлаштира гапга айлантирилганда, бу сўзлар тушиб қолади.

17. *Кўчирма (цитата, иқтибос)* - бирор матндан кўчирилган гаплар: *Навоий ёзди: «Туюкким, ... икки байтига муқаррардир, тажпис айтилгай...».*

а) шеърний матн қўштирноққа олинмайди;

б) эниграф қўштирноққа олинмайди.

18. *Қўшма гап* - таркибида икки ва ундан ортик эга ва кесим бирлиги (солда гап) қатнашган (камида 2 та субъект (эга) ва объект (кесим) бирлиги):

а) *Солда гап*: *Аёл дуррасини тузатди, (аёл) катта тугунини бошига кўйд*

б) *Кўшма гап*: *Аёл дуррасини тузатди, кизи катта тугунини бошига кўйд.*

19. *Қўшма гап* таркибидаги *солда гаплар* боғловчилар, юклар, мақаллар, кўмакчилар, феъл шакллари, оҳанг ёрдамида боғланади.

20. *Боғланган қўшма гап* - теги муносабатдаги солда гапларнинг ўзаро теги боғловчилар ёрдами билан боғланишидан тузилган

қўшма гаплар: Ташкарида чакмоқ ялтирар ва баҳор ёмғири салобатли шовулларди:

а) *Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гап* - содда гаплар ва, ҳамда боғловчилари, уларга синоним бўлган -у, -ю, -да, ҳам юкламалари ёрдамида бирикади: Чор атрофда эсади еллар ва боғларда кушлар чийиллар. Одам кўли тегди-ю, ташлаандик ерлар обод бўлди;

б) *Зидлов муносабатли боғланган қўшма гап* - содда гаплар *аммо, лекин, бироқ, балки* боғловчилари, уларга синоним бўлган -у, -ю юкламалари воситасида бирикади: боғловчи ва юклама баравар келса, зидлик маъноси кучаяди. Кечаси қалин қор ёеди-ю, лекин хаво утча совимади;

в) *Айирув муносабатли боғланган қўшма гап* - содда гаплар орасида *гоҳ... гоҳ, ёки, ё, баъзан... * баъзан, дам... дам* боғловчилари келиб, воқеа-ҳодисанинг галма-гал бўлиши ёки улардан бири бўлишини ифодалайди: Хамма борадими ёки хоҳламаган қолаверадими? *Гоҳ* шамол келади, *гоҳ* ёмғир шитирлайди.

21. *Инкор муносабатли боғланган қўшма гап** - содда гаплар инкор юкламаси билан боғланган гап: Кимсандан *на* хат бор, *на* хабар бор.

22. *Эрганган қўшма гап* - бирдан ортиқ содда гапларнинг мазмуни жихатидан бирининг бошқасига эргашинидан тузилган қўшма гап; *тобе (эргаш гап)-ҳоким (бош гап)* муносабатли:

а) *бош гап* - асосий маънони ифодалайди;

б) *эргаш гап* - асосий маънони изоҳлаб, тўлдиради: *Ким ҳалол меҳнат қилса, у тақдирланади.*

23. Турлари:

а) *Эга эргаш гап*ли қўшма гап - бош гапдаги олмош билан ифодаланган эга изоҳланган гап: *Қозонга цима тушса, чўмичга ўша чиқади. Ким меҳнат қилса, тақдирланади. Ким инсонликни ўзида синаб кўрмаган бўлса, ҳеч қачон одамни чуқур билмайди; Шуңиси яхшики, кўи уринмайенг. Маълумки, осмон узлиб ерга тушмайди;*

б) *Кесим эргаш гап*ли қўшма гап - бош гапдаги олмош билан ифодаланган кесим изоҳланади: Истагим шуки, *бахтли бўласиз. Хамма гап шуңдаки, чуқур билим бўлиши керак;*

в) *Тўлдирувчи эргаш гап*ли қўшма гап - бош гапдаги олмош билан ифодаланган (ёки ифодаланмаган) тўлдирувчи изоҳланади:

Шуни унутмангки, *яхшилик эсдап чиқмайди*. Биламанки, *ғишт қолнидап кўчган*. Мунаввар, *Йўлдош бирор парса дермикап деб*, кутди;

г) *Апиқловчи эргаш гапли қўшма гап* - бош гапда апиқловчи бўлиб келган олмош ёки сифатлар изоҳланади: *Шундай инсон кўрдимки, у бағоят билимли; Кимнинг кўпгли тўғри бўлса, йўли тўғри бўлади. Кимнинг юксак фазилати кўп бўлса, унинг дўсти кўп бўлади;*

д) *Пайт эргаш гапли қўшма гап* - бош гапдаги иш-ҳаракатнинг пайти изоҳланади: *Меҳмонлар етиб боргунча, қоронғу тушди. Топг кулмасдап, эрта туради. Отаси келдими, чоғиб ёнига боради. Отаси ўлиб, ёлғиз қолди бечора. Кема узоклашгач, қутилмаганда шамол кўтарилди;*

е) *Равиш эргаш гапли қўшма гап* - бош гапдаги иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилиши изоҳланади: *Назокатнинг овози титраб, юраги гуре-гуре урди. Балиқ чиқди илишиб, тумшуклари тилишиб. Уфқ қизариб, топг ёришарди;*

ё) *Ўхшатиш эргаш гапли қўшма гап* - бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиши ўхшатиш йўли билан изоҳланади: *Шундай жимлик чўккапки, гўё ҳаёт бутунлай сўнгандай. Қуёш тоғни иситганидек, дўстлик қалбни иситади;*

ж) *Мақсад эргаш гапли қўшма гап* - бош гапдаги иш-ҳаракат нима мақсад билан юзага келгани изоҳланади: *Одамлар яхши яшасин деб, типчлик ҳақидаги шартномага имзо чекдик. Меҳмонлар кириши учун, эшикни очдим;*

з) *Сабаб эргаш гапли қўшма гап* - бош гапдан аниқлашилган иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабаби изоҳланади: *Иш ўнгидап келмасдап, идорадап сўзсиз чиқиб кетди. Бу уй аввал бедахона бўлгандап, дарчаси йўқ эди. Ерда туз кўпайиб, дарахтлар қуриб қолади. Дарахт яшнаб тургани учун, соясидап одам аримайди; Бу хонадон соқин, чунки унда яхши бир инсон яшайди;*

и) *Шарт эргаш гапли қўшма гап* - бош гапдаги иш-ҳаракат қандай шарт билан юзага келиши изоҳланади: *Ер яхши ҳайдалса, ҳосил мўл бўлади. Истасангиз, югурамиз. Мен бор эканман, хотиржам бўлинг;*

й) *Тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап* - бош гапнинг мазмунига зид воқеа-ҳодисанинг юзага келишига тўсиқ бўлолмаган ҳаракат изоҳланади: *Март ойи бўлса ҳам, қор ёғмоқда эди. Офтоб ча-*

раклаб тургани холда, ҳаво салқин эди. Кетинга руҳсат бўла туриб, кетмадим;

к) *Натижа эргаш ганли қўшма ган* - бош гандаги иш-харакатнинг натижаси изоҳланади: *Дул шундай ёғдики, ер ошюк бўлди. У чунон паъра торғдики, дараза зириллаб кетди;*

л) *Ўриш эргаш ганли қўшма ган* - бош гандаги иш-харакатнинг юзага келиш ўрни изоҳланади: *Қаерда титчилик бўлса, шу ерда барака бўлади. Қаерда бекорчилик бўлса, ўша ерда бемаънилик амж олади;*

м) *Ўлчов-даража эргаш ганли қўшма ган* - бош гандаги иш-харакатнинг ўлчов-даражаси изоҳланади: *Жанжал қанча кўпайса, хизмат ҳақи ҳам шунча кўнаяди.*

24. *Бир печа эргаш ганли қўшма ган* - бирдан ортик эргаш ган бош ганга тобеланиб келган ган: *Ҳаво иссиқ бўлса ҳам, иштин охирига етказинг учун, хашарчилар тишимсиз қиладилар:*

а) *Тўғридан-тўғри (биргалик) эргашини* - эргаш ганлар бош ганга тўғридан-тўғри боғланса, маъно чиқади: *Мафта бу қанал битса, янги ер очилса, пахта кўпаяди;*

б) *Кетма-кет эргашини* - аввал эргаш, ганнинг бири иккинчисига боғланади, сўнг иккала эргаш ган бош ганга боғланади (ёки биринчи ган билан бош ган боғланса, маъно чикмайди): *Баҳор покулай келиб, гўза парварини кечиккан бўлса ҳам, ҳосил мўл бўлди. Байрам куни келгач, ҳеч ким бормаса, ушганима деймиз?*

25. *Боғловчисиз қўшма ган* - содда ганлар ҳеч қандай боғловчисиз, фақат оҳанг ва мазмун билан бирикadi:

- *боғланган қўшма ганнинг боғловчиларсиз бирикшини*: *Ҳаво булут бўлди, ёмғир ёрмади;*

- *эргашган қўшма ганнинг боғловчиларсиз бирикшини*: *Сен жавоб бердинг, биз жим турдик.*

26. *Боғловчисиз қўшма ганда ушбу тишин белгилар ишлатилади:*

- *вергул*: *бир-бирига яқин, бир пайтда ёки кетма-кет юзага келган воқеалар ифодаланса*: *Чакмоқ ялтирар, момақалди роқ гулдирар, шарроё ёмғир қуярди;*

- *пунктали вергул*: *содда ганлар мазмуни узоқ бўлса*: *Пага-пага қор ёғади; шамол тишимсиз увиллайди;*

- икки нукта: *кейинги содда гап олдинги содда гапдан англашилган фикрнинг сабаби, патижасини билдирса, изоҳласа, тўлдирса*: Бугун ҳаво очик: деразани лапг очиб қўйса бўлади. Ота билади: ўғлида гуноҳ йўк;

- тире: *содда гапларнинг мазмуни зид бўлса, ўхшатилса, пайт ёки шартни билдирса*: Кўз қўрқоқ - қўл ботир. Вактинг кетди - бахтинг кетди. Давлат тинч - халқ тинч.

27. *Аралаш қўшма гап* - таркиби боғланган, боғловчисиз, эргашган қўшма гапларнинг ўзаро аралашувидан тузилган мураккаб қўшма гаплар. *Ўқитувчи келгач*, қўнғироқ чалинди *ва* дарс бошланди. Ҳаво очик, қуёш киздирар, *шунинг учун* болалар ўзини сояга олди.

* * *

**Аралаш турдаги
қўшма
гап шакллари**

1. Эргашган қўшма гап / Боғланган қўшма гап кўриниши: Булут қуюклашиб, осмон қорайди *ва* ёмғир шаррос қуйиб

юборди.

2. Боғланган қўшма гап / Эргашган қўшма гап: Тил бошқа-ю, дил бирдир, чунки эл бирдир.

3. Эргашган қўшма гап / Боғловчисиз қўшма гап: Пастга тушиши билан, жимлик чўкди, юриш осонлашди.

4. Боғловчисиз қўшма гап / Боғланган қўшма гап: Куйлар чадинар, қўшиқлар янграр, бироқ унинг кўнгли ёришмас эди.

* * *

ПУНКТУАЦИЯ

Нукта:

- дарак гап охирида: *Упдай бўлса, жуда яхши.*
- тинч оҳангдаги буйруқ гапда : *Аввал ўйла, кейин сўйла.*
- ремаркада: *Ғофир. Жамила! Тур ўрнингдан!*
- биринчи қисмида нукта, кўп нукта, ундов *ва* сўрок белгиси бўлган кўчирма гап ўртасида келган муаллиф ганидан сўнг: «Бўларди..., - деди Бўронов. — Ахир, қаловини топсанг, қор ёнади».

Сўроқ белгиси:

- сўроқ гапларда: -*Нима бўлди?* -сўради у;
- сўроқ гапларнинг ҳар бирига аҳамият бериш лозим бўлса ёки ҳар қайси сўроқ гап мазмунан мустақил бўлса, ҳар биридан сўнг: *Ким келяпти? Саврими ё Халимами? Укангми ё акангнинг болаларими?*

Ундов белгиси:

- ундов гапларда: *О, нақадар соз!*
- буйруқ гапларда: *Қаҳрамоним, омон бўл!*
- атов гапда: *Тоғлар! Баланд тоғлар!* Алпинистлар қўтарилишиди;
- сўз-гапда: *Ассалому алайкум! Йўқ! Йўқ!* Мен айтолмайман!
- гап бошида келган ҳис-ҳаяжонли ундалмада: *Хой!* Қаёққа?!

Вергул:

- уюшган бўлакларда: *Ҳаво салқип, оромбахш эди;*
- ундалмада: *Хотиржам бўлинг, отахон,* ҳозир юрамиз;
- кириш сўзда: *Метимча,* бу иш қийинмас;
- кириш бирикмада: *Унинг фикрича,* бола жуда ўжар эмиш;
- ажратилган бўлакда: *Кўкда, дарахтлар* устида, гуж-гуж юлдузлар ёнади;
- қўшма гапда: *Айтиш, киришинг;*
- ундов сўзли гапда: *Эҳ, нақадар соз!*

Нуқтали вергул:

- боғловчисиз қўшма гапларда: *Шител жикқа хўл;* Бектемирнинг юзидан тер қуйилади;
- рақам, ҳарф билан ифодаланган, ярим қавс билан беркитилган тартибда:
 - а) одамлар, кўчалар; б) қушлар, ҳайвонлар.
- уюшиқ бўлаклар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келса.

Кўп нуқта:

- фикр тугалланмаганда: *Етти ой бўлди, на хат бор, на...*

- кучли хаяжон ифодаланган ундовда: *Ох... Нима дей?*

Қавс:

- кириш гапларда: Қосим ака (*у мендан уч-тўрт ёш катта*) чой таширди;

- кўшимча изоҳда: Салим (Гулнорнинг укаси) келиб колди;

- ремаркада: Навоий (*босиқ овозда*). Хўп, шўхим;

- киритма маъбаи: Куч - адолатда (*Амир Темури*).

Кўштирноқ:

- асар номлари: «Уфк» романи;

- кинояда: Сиз айтган «сурбет» менинг дўстим;

- кўчирма гап: «Нима бўлди?» - сўради Карим;

- газета-журнал, фирма, завод ва бошқа номи атаб кўйилган муассаса номлари: «Муштум» журнали;

- махсулот, орден-медал номлари: «Шухрат» ордени.

Икки нукта:

- боғловчисиз кўшма ганда бир гап иккинчи гандан англашилган иш - ҳаракатнинг сабаби, натижасини кўрсатса ёки бир гапнинг мазмуни тўлдирилиб, изоҳланса: *Ота билди: уни тоғини кийин,*

- умумлаштирувчи бўлак уюниқ бўлақдан олдин келса: *Ҳамма парса:* китоб, дафтар, сумка сешики;

- муаллиф гапи олдин келса: *Салима сўради: «Қаёққа кетянимиз?»;*

- нутқ ичида жумладан, масалап сўзлари келса: *Ўқувчилар, жумладап.* Соли, Карим боришади.

Тире:

- эга ва кесим орасида: *Ижод - дард (-дир бўлмагани учун);*

- ажратилган бўлақларда: *Отам - Неймат Апорбосов, қалби пок инсон эди;*

- кириш гапларда: *Улар - ўшагда киши эди - йўлга чиқишди;*

- диалогда: - *Йўл бўлсин? - Уйга;*

- кўчирма ва муаллиф гапи орасида: «*Келинг*», - *деди у;*

- боғловчисиз кўшма гада: *Юрт типч - сен типч*;
- кутилмаган ходисани ифодалаган гапларда: *Идорага югурдим - йўқсиз*;
- умумлаштирувчи сўздап олдинг: *Олма, анор, гилос - хаммасидан бор*.

Чизиқча:

- жуфт сўз орасида: *ота-она*;
- такрорий сўз орасида: *бир-бир*;
- тартиб билдирган араб рақамидап сўнг: *7-сиф*;
- лотин ёзувида юкламалар, ой ва йил сапаларида:

do'st-u dushman, 2004-yil, 11-may.

Изох:

- сўз-гапларда нукта, ундов, кўн нукта ишлатилади, аммо сўроқ белгиси ишлатилмайди;
- атов гаплар охирига нукта кўйилади.
- риторик сўроқ гапларда сўроқ ва ундов белгиси кўйилади: *Шундай гўзал юрт борми дунёда?!*

* * *

1. Кўчирма гап дарак гап бўлса:

**Кўчирма гапда
тиниш белгилар**

- а) «К», -м. б) М: «К». в) М: «К», -м.
г) «К, -м, -к». д) «К...-м. -К».

2. Кўчирма гап сўроқ гап бўлса: а) «К ?», -м. б) М: «К ?». в) М: «К ?», -м. г) «К, -м, -к?». д) «К...-м. -К ?».

3. Кўчирма гап ундов гап бўлса: а) «К !», -м. б) М: «К !». в) М: «К !», -м. г) «К, -м, -к!» д) «К...-м. -К !»

АДАБИЁТ

АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ

**Адабиёт
назариясига
оид манбалар**

1. Арасту. «Поэтика» (назарий масаллар ҳақида).

2. Абу Носир Форобий. «Шеър санъати ҳақида» («Поэтика»га шарҳ).

3. Абу Али ибн Сино. «Фан аш-шеър» («Поэтика»га шарҳ).

4. М. Замахшарий. «Муқаддимат ул-адаб» (XI аср) - адабиёт назарияси ва бадиий тасвир воситалари ҳақида айрим қайдлар бор.

5. М. Қошғарий. «Девону лугатит турк» (1075 й.) - «қўшу» атамаси биринчи марта шеър, қасида, қўшиқ маъносидан; «қуй» (шеър, қуй, шеър вазни), «йир» (шеър, қўшиқ), «сав» (афсона «этуқ» (эртақ) жанрлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

6. А. Навоий. «Мезон ул-авзон» да:

а) ... бириси туюғдурким, икки байтқа муқаррардур ва сани қилурларким, тажнис айтилгай ва ул вазн рамали мусаддақ мақсурдур...

б) ... рубоийким, дубайтӣй, тарона дерлар; хазажнинг ахрами ва ахрам шажарасида ёзилгай;

в) ... бир суруд (қўшиқ) бор эқандурким, хазаж мусаммак ахрами макфуфи максуф вазнида анга байт боғлаб битиб, ани мисрасидан сўнгра ҳамул бахрнинг икки рукни билан адо қилин суруд нағамотиға келтирурлар эрмиш ва ани «муस्ताзод» дерлар эрмиш.

7. Кайковус (XI аср). «Қобуспома»да адабиёт назариясига оид ихчам маълумотлар учрайди.

8. Бобурнинг «Мухтасар» рисоласи (1523-1525) - аруз ҳақидаги иккинчи асар; 21 баҳр, 537 вазн тавсиф қилинган.

9. Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» (адабиёт муаллимлари ва адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма) (1926) да илк бора замонавий адабиёт муаммолари ёритилган.

10. Фитратнинг «Аруз ҳақида» рисоласи (1935)да арузнинг бармоқ вазни масалалари ёритилиб, муқояса қилинган.

* * *

**Адабий
турлар**

1. Лирик тур - ҳиссиёт, кечинма ётакчи бўлган тур; шеър, назм, поэзия, лирика.
2. Эпик тур - воқеаларни ҳикоялаш ётакчи бўлган тур; наср, проза.
3. Драматик тур - воқеаларга муаллиф аралашмайдиган тур, сахна учун ёзиладиган асарлар.
4. Лиро-эпик тур - воқелик ва ҳиссиёт уйғунланган тур (шеърда баён этилган воқелик).

* * *

**Лирик тур
жанрлари**

Қадимги шеърят белгилари:

- а) сўз такрорининг асосий ўрин тутиши: «*Тап таптрисига мадҳия*» шеъри;
- б) бандларнинг ранг - баранглиги (мисралар потенглиги);
- в) мисраларда хижола микдорининг тенг эмаслиги;
- г) кофияларнинг туркий тил гап қурилишига монанд феъл туркумида бўлиши;
- д) тажриба, аъёнанинг камлиги туфайли бу шеърларнинг гоят содда бўлгани.

Такшут - туркий-буддавий адабиётда шеър, назм, байт, манзу-ма маълумларида ишлатилган жанр.

Шлок - туркий-буддавий адабиётда қасида, мадҳия маълумларида ишлатилган ҳинд (санскрит) адабиётидан ўтган маснавийга яқин шеърый жанр.

Фард (*якка, ёлғиз*) - фақат бир байтдан иборат шеър; ёзма адабиётнинг энг кичик жанри: Навоийнинг «*Мурувват - барча бермакдур...*» фарди.

Рубоий (*тўртлик, дубайтӣ, тарона*) - тугал мазмунга эга 4 мисрала шеър; рубоий хоса (*а-а-б-а* шаклда кофияланади) ва тарона (*а-а-а-а* шаклда кофияланади) турлари бўлиб, хазажнинг аҳраб ва аҳрам шажарасининг 24 шўъбасида ёзилади; Навоийнинг «*Фурбатда ғариб...*», Бобурнинг «*Толё йўқки...*» рубоийлари.

Туюк (*туёмоқ, ҳис қилмоқ*) - фақат туркий адабиётда мавжуд; «*Турк шуаросининг хоссаси*» (Навоий); тажнис (омоним)кофия ётакчи; фақат рамали мусалласи мақсурда ёзиладиган тўрт мисрала шеър; тажниссиз туюк ҳам бўлиши мумкин. Лутфийнинг «*қотила*», «*бор*» сўзларини, Навоийнинг «*бутмағам*», «*ол деди*», Шайбонийнинг «*сбулар*» сўзи тажнис қилинган туюклари.

Қитъа (*бўлак, парча*) - жуфт мисраларгина қофияланган (*а-б, в-б, г-б...*) шеър: Навоийнинг «*Ким кучук бирла хўдукти...*» («Наводур уш-шабоб» девонида) қитъаси.

Ғазал (*ошиқона сўз*) - *а-а, б-а, в-а...* шаклида қофияланган девонда бирипчи ўринда жойлашувчи жапр: Рабғўзийнинг «*Баҳорист*», Лутфийнинг «*Сепсан севарим*», Навоийнинг «*Қора кўзум*», Ҳамзанинг «*Ўзбек хотин-қизларига*», Э. Воҳидовнинг «*Барча шодлик сепга бўлсин*» каби ғазаллари.

Мустазод (*ортиқчалик*) - шаклан ғазалга монанд қофияланган, хар мисрадан сўнг зиёда (ортиқча) ярим мисрага эга, бир хил вазнда ёзилган шеър; Навоий, Машраб, Хувайдо мустазодлари; Огахий зиёда мисрачалар сонини хар мисрада иккитадан қилиб янгича, мукаммал мустазод каниф этган.

Қасида - тарихий шахс ва воқеаларни мадҳ этиб ёзилган, ғазал, маснавий, мураббаъ шаклидаги шеърлар; айрим қасидаларда шоир ўз рухий ҳолатини баён этиши мумкин ва бундай шеър *қасидаи ҳолия* дейилади: Саккокийнинг Улугбек хақидаги қасидалари, Навоийнинг «*Хилолия*» қасидаси, «*Ситтаи зарурия*», «*Фусули арбаъ*» каби форсий қасидалари, Э. Воҳидовнинг «*Ўзбегим*» қасидаси.

Нома - машуқага мактуб тарзида маснавий, ғазал ва бошқа шаклларда ёзилган йирик ҳажмли асар: Хоразмийнинг «*Мухаббатнома*», Амирийнинг «*Дахнома*», Сайид Аҳмад Миропшоҳнинг «*Таашшукнома*» асарлари.

Мусамматлар - бандлардаги мисралар сонига қараб номланадиган жапрлар:

- а) *мусаллас* - бандлари 3 мисрадан;
- б) *мураббаъ* - бандлари 4 мисрадан;
- с) *мухаммас* - бандлари 5 мисрадан (тахмис);
- д) *мусаддас* - бандлари 6 мисрадан;
- е) *мусаббаъ* - бандлари 7 мисрадан;
- ё) *мусаммап* - бандлари 8 мисрадан;
- ж) *мутассаъ* - бандлари 9 мисрадан (таснеъ);
- з) *муашшар* - бандлари 10 мисрадан (машруъ).

Мунозара - мажозий образлар (хайвонлар, қушлар, нарсалар)нинг ўзаро тортишувига асосланган, жонлантириш (ташхис, ипток), тазод, ташбеҳ етакчи бўлган жапр: М. Қошғарийнинг

«Кини ва Ёз», Яқинийнинг «Ўқ ва Ёй», Амриийнинг «Баш ва Ноғир» мунозаралари.

Таржиббанд - газал каби қофияланган, бир неча бандлик, ҳар банд охирида бир байт такрорланувчи жаҳр: Навоий таржиббандлари.

Таркиббанд - лирик турнинг энг йирик жаҳри, таржиббандга ўхшаш, бироқ такрор мисраси бўлмаган, бандлари ҳар хил вазнда бўлган жаҳр: Навоий таркиббандлари.

Бошқотирма жанрлар:

1. **Чистон** - шеърӣй топишмоқ: Увайсий - «Апор», «Қайчи».
2. **Дугз** - шеърӣй топишмоқ: Навоийнинг апор, қалам, тапга, игла, микроз, ўқ, бел, юмуртка, ноки, парвонага оид 10 та дугзи мавжуд.

3. **Муаммо** - «беркитилган», «кўр қилинган» маъноларида бўлиб, ички яширин ва ташқи чалғитувчи маънога эга жаҳр: Навоийнинг «Чор девони»да 52 та, форсча муаммолари эса 500 га яқин чамаланади.

Муламмаъ (*ширу шакар, шахду шакар*) - икки ёки уч тилда аралаш ёзилган шеър: Муқимийнинг «*Масковчи бой таърифида*» хажвиясида тожикча нутқ унсурлари учрайди.

Муашшаҳ - мисралар ёки байтларнинг дастлабки сўзлари бош харфларига исм яширин; Ғ. Фуломнинг «*Чарос*» исми яширилган муашшаҳи.

Оқ шеър - вазни мавжуд, қофиясиз шеър: «*Шох Эдил*»ни А. Мухтор оқ шеър усулида таржима қилган.

Сонет - 4 бандли (4 + 4 + 3 + 3), 14 мисралаи шеър: 30-йилларда У. Носир, 80-90-йилларда Б. Бойқобилов бу жаҳрда гўзал шеърлар битган.

Мансура (*сочма*) - насрда ёзилган шеър: 20-йиллар охирида Миртемир ўзбек адабиётига олиб қирган.

Таърих - бирор муҳим саба яширилган шеър: Шайбонийнинг «*Шахи шухало*» таърих-марсияси Нажмиддин Кубро вафоти ҳақида.

Эпитафия - қабр тошларига битилган шеър.

Эпиграмма - ҳазил шеър.

Элегия - ҳазин, қайғули шеър.

Изох: а) **Сарбааст** - бу шеърӣй усул (вазн): У 20-йилларда турк шоири Нозим Ҳикмат таъсирида ўзбек адабиётига кириб кел-

ганда, Х. Олимжон, Ф. Фулом, Ойбек бу усулда гўзал шеърлар яратган.

б) *Муаммо*, таърих атамалари баъзан бадий саъбат ўрнида ҳам ишлатилади

* * *

Эпик жанрлар **Ҳикоя (новелла)** - бир сюжет (воқеа) чизигига эга, бош қахрамон ҳаётидаги бирор воқеа бадий баён қилинган наслрий (мумтоз адабиётда шеърый шакли ҳам бўлган) асар: Абдулла Қаҳҳорнинг «*Ўғри*», «*Бемор*», «*Адабиёт муаллими*», «*Асрор бобо*», Фафур Фуломнинг «*Менинг ўғригина болам*», Ўткир Ҳошимовнинг «*Урушнинг сўпги қурбони*» асарлари.

Қисса (повест) - икки ва ундан ортиқ сюжет чизигига эга, бир печа қахрамон иштирок этган асар: О. Ёкубовнинг «*Муқаддас*», Т. Муроднинг «*Юлдузлар мангу ёнади*» каби қиссалари.

Роман - бир қанча сюжет чизигига эга, кўп сонли тимсоллари мавжуд ва қахрамонлари узок вақт ҳаракат қилувчи асар: роман (Одил Ёкубовнинг «*Эр бошига иш тушса*»), дилогия (Чўлпоннинг «*Кеча ва кундуз*»), трилогия (Саид Аҳмаднинг «*Уфқ*») ва эпопея (Садриддин Айнийнинг «*Қуллар*») шаклларига эга.

Мемуар (ёдном) - ёзувчининг ўзи иштирок этган воқеалар тасвирланган асар: Бобурнинг «*Бобурнома*», Садриддин Айнийнинг «*Эсдаликлар*» (тарихий ёдномалар), Ойбекнинг «*Болалик*», А. Қаҳҳорнинг «*Ўтмишдан эртақлар*» (бадий ёдномалар) асарлари каби.

Тазкира (қайд этиш, ёзиб қўйиш) - ёзувчи, шоирлар ҳақида маълумот берувчи, улар асарларидан қисқа парча қайд этилган жанр: Навоийнинг «*Мажолис ул-нафос*», Фазлий Намангонийнинг «*Мажмуаи шоирон*» каби асарлари.

Очерк - реал тарихий воқеа, реал қахрамон ҳаёти ва фаолияти аниқ хужжатлар асосида ёритиб берилган публицистик (газета) жанр.

Эссе (бадиа) - реал тарихий воқеа ва қахрамон ҳаёти бадий ёритиб берилган публицистик асар.

Фельетон - реал тарихий воқеа ва қахрамон танқидий талқин этилган публицистик асар.

Мақола - оммабон ёки илмий асар бўлиб, унда бирор бир воқеа-ҳодисага муносабат ифодаланади.

* * *

Драматик жанрлар **Драма** - кундалик ҳаёт масалалари марказида турган сахна асари: А. Қахҳорнинг «Шоҳи сўзана», Ш. Холмирзаевнинг «Қора камар», Ў. Умарбековнинг «Қиёмат қарз» каби асарлари.

Комедия - кулги, ҳажвга асосланган сахна асари: Хамзанин «Майсаранинги иши», А. Қахҳорнинг «Тобутдаг товуш», С. Аҳмадининг «Келинлар қўзғолони», Э. Воҳидовнинг «Олтин девор», Ш. Бошбековнинг «Темир хотин» (*жиддий комедия*) каби асарлари.

Трагедия (фожа) - «эчки қўшиғи» маъносида май ва хуш-чақчақлик худоси Дионис шарафига шу ном билан аталган; асар пихояси бош қахрамонлар ўлими (фожаеси) билан якун топадиган сахна асари: Фитратнинг «Абулфайзхон», Ойбекнинг «Маҳмуд Таробий», Х. Олимжоннинг «Мукапта», М. Шайхзоданин «Мирзо Улугбек» каби тарихий драмалари.

* * *

Лиро-эпик тур **Маснавий** (*манзума, достон*) - ўрта асрларда кенг тарқалган, иккилик шаклдаги (*а-а, б-б, в-в...*), воқеалик ва ҳиссийлик уйғунлашган, Навоий айтганидек, «*васеъ майдон*» жанр: Навоий «Хамса»си, С. Саройининг «Сухайл ва Гулдурсун», М. Солиҳнинг «Шайбонинома» каби асарлари.

Достон - ҳозирги замон адабиётидаги лиро-эпик жанр: Э. Воҳидовнинг «Нидо», Миртемирнинг «Сурат», У. Носирнинг «Нахшон» каби достонлари.

Баллада - воқеалик кам ҳижоли мисраларда кўтарилиши мазмунда баён этилган кичик достон: Х. Олимжоннинг «Роксананинги кўз ёшлари», Шайхзоданин «Каштан Гастелло» балладалари.

Адабий эртак - халқ эртаклари мотивида бирор шоир томонидан битилган эртак: Х. Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», М. Шайхзоданин «Искандар Зулқарнайн», Шукруллонинг «Умр ҳақида эртак», Х. Давроннинг «Ватап ҳақида етти ривоят» асарлари.

Шеърӣ масал - мажозлар орқали бирор воқеа баён қилинган, қиссадан ҳисса чиқарилган панднома шеър: Навоийнинг «Шер билан Дуррож», Гулҳанийнинг «Маймун билан Нажжор», Хамза

нинг «Тошбақа билан Чаён», шунингдек С. Абдукаххор, Я. Қу бои масаллари.

* * *

Халқ оғзаки ижоди жанрлари **Мақол** - энг кичик жанр; халқнинг уз тажрибалари туфайли юзага келган и маъно, лўнда фикрлари: М. Қошғарийнинг «*Девону лугатит турк*» Гулханийнинг «*Зарбулмасал*» асарларига халқ мақоллари тўпла ган.

Латифа - ягона қахрамон (*Насриддин Афанди*)га эга; «би киши» тимсоли учрайдиган, кичик, кулгили воқеа баён қилинган асар; Афанди образи XIX асрда кириб келган (унгача *Машра Мушфикий, Алдар қўса, Кал, Хўжа Насриддин*).

Топишмоқ - халқ ўртасида «жумок», «ушук» шаклида ишл тилган, кишининг зехнини синаб кўрувчи кичик асар: Ош ичи тош, тош ичида ош (*ўрик, дапак*).

Аския - «закий» сўзидан; хозиржавоблик, тошқирликка асо ланган юморга таянадиган, фақат ўзбек адабиётида учрайдиган жанр.

Афсона (сов) - «сехр», «афеун», «макр» сўзидаи олинган, э такка яқин турадиган, исталган киши томонидан айтиладиган жанр; Арасту «*ҳақиқатдан хабар берувчи ёлгон ҳикоят*» деб ата ган: «*Тўмарис*», «*Гулдурсун*», «*Каюмарс*» афсоналари.

Ривоят - тарихга яқин турувчи, халқнинг тарихий ва дини ўтмиши билан боғлиқ асар: *Навоий, Машраб, С. Оллоёр, Нодир* ҳақида ривоятлар мавжуд.

Асотир (миф) - афсоналарга яқин турувчи, қоиот ҳамд маъбудлар ҳақидаги ривоятлар: «*Азиз момо*», «*Ой билан қун*».

Эртак - «этук», «варсоқи», «масала» ҳам дейилган; бошлан ши ва тугалланиши бир хил («*Бир бор экап...*», «*Муро мақсадига етибди*»), мазмунан маиший («*Уч оға-ини ботирлар*») ҳайвонлар ҳақида («*Сусамбил*»), сехрди («*Гуликаҳках*», «*Ху ниябопу*») турларга бўлинади

Қўшиқ - мустақил тўртликлардан тузилган, рухий кечинм чуқур ифодаланган, оҳангга солиб айтиладиган асар: «*Суст х тип*», «*Чой момо*», «*Галдир*», «*Сунбула*» каби.

Марсия - рухий кечинмага асосланган, азада айтиладиган қўшиқ: «*Ал Эр Тўнга марсияси*», ёзма адабиётда С. Айний, Фит рат, Чўлпон Бехбудий вафотига марсия битгани маълум.

Достон - бахшилар томопидан айтиладиган, *паср ва назм* аралаш келадиган кўн сюжет тармоғига эга асар: «*Алломиниш*», «*Равшан*», «*Култуғминиш*» достонлари.

Лоф - муболага етакчи бўлган, кулгуга асосланган кичик асар.

Масал - мажозий характердаги кичик панднома асар.

Матал (нақл) - ҳикматли ҳикоялар.

Ҳикматли сўз - мақол мазмунидаги пурмаъно фикрлар.

Тез айтиш - аллитрацияга асосланиб, нутқ ўстириш кўзда тутилган асар; *Башар билан Яшар яшил ярим шарда яшашар*.

* * *

Бадий санъатлар

(*Бадий тасвир воситалари*)

Муболага - бўрттириш; «Энг яхши шеър - энг ёлғон шеър» («Ахсанпаху акзабиҳу»); назм ёки пасрда воқеа-ҳодиса, белги-хусусият бўрттириб кўрсатилади; таблиғ (ишонарли), игрок (ишонарсиз), гулувв (ўта ишонарсиз) муболагалар мавжуд:

«*Оҳ*» урса оламни бузар довуши,

Тўқсон молнинг терисидап ковуши»

«*Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган,*

Ичида сичқонлар болалаб ётган»

(«*Алломиниш*» да *Қўнқулоқ*)

Ифрот (*литота*) - беҳад кичрайтириш:

Товуғи игпачию, ўрдағу гози-капалак

(*Махмур*)

Ташбеҳ (ўхшатиш) - бир нарса иккинчисига ўхшатилади ва унда ўхшатилган нарса (*мушаббах*), ўхшаган нарса (*мушаббах биҳи*), ўхшатиш сабаби (*важҳи шабоҳ*), ўхшатиш воситаси бўлган - *дек, -дай, -симон, -яғлиғ, каби, мисоли (одати ташбеҳ)* унсурлари қатнашади: *Бўюнғ сарву сапубартек, белинғ- қил (Хоразмий)*

Сифатлаш - сифат сўзли аниқловчиларнинг қўлланиши:

Сувсиз чўлда мард Ҳасан

Якка кетиб боради («Равшан»)

Талмеҳ - тарихий ёки афсонавий воқеа, шахс, машҳур асар қаҳрамонлари, пайғамбарлар, жой номларини келтириш:

Эй, Хувайдо, этмагил *Мажнундек* сирришғни фон

(*Хувайдо*)

Тамсил (детал) - фикрни далиллаш учун бирор далил келтириш:

Сарвким, даъб айлади озодалик бирла маош... (Навоий)

Ирсони масал - шеърда халқ мақолини келтириш:

Аёкингга тушар ҳар лаҳза гесу,

Масалдурким: «Чароғ туби короғу» (Лутфий)

Ҳусни таълип - фикрни тасдиқлаш учун алоқаси бўлмасадан чиройли далил келтириш:

Лабингдин чун сучуклик қашд ўғирлар,

Солурлар эл ани сувға ялағоч (Лутфий)

Севмоқ уят эмасдур, ҳар кимда бор бу савдо,

Қўй, қўп қизарма, ғупча, бошингги эгма бунча

(Э. Воҳидов)

Тазмин - ўзга шоирдан мисра ёки байт олиб, шу шеърнинг вазни, кофия, радифини сақлаган ҳолда шеър битиш: Машрақ Лутфийнинг «Сенсан севарим», Фурқат Фузулийнинг портрет санъати бўртиб турадиган «Сурмадин кўзлар қаро» газалларига тазмин боғлаган.

Жонлантириш - асарда мажозларнинг инсондек ҳаракатланиши (*ташхис*) ёки гапириши (*интоқ*).

Ташхис: Настарин ювиб юзши, ёсуман тузиб ўзши,

Наргиз очубон кўзши, интизори ёронлар.

(Фурқат)

Интоқ: «Сени сйман», - деди Бўри Кўзичокка

(Эртакдан)

Иқтибос - шеър ёки насрда Қуръони карим ёки ҳадисдан парча келтириш

«Ал ҳаёу миш ал-иймош», - Расул айди (Яссавий)

Истиора (метафора) - сўзни кўчма маънода қўллаш

Парчалаб кишацларни ҳар томон париншон қил

(Ҳамза)

Фурқатингдин заъфарон узра тўқармен додалар...

(Навоий)

Таҷоҳули ориф - билиб билмасликка олиш:

Менгиз ё равзан ризвопмудур бу?

Оғиз ё ғупчаи хапдопмидур бу?

(Атоий)

Ружуъ - бирор сўзни қайтариб маънони таъкидлаш:

*Ўн сакиз йил, дема, юз саксон йил ўлса, ўлдурур,
Хусн шохи, ул балоларким, кўзи қошигладур*

(Навоий)

Оксиморон - ижобий ва салбий маъноли сўзни ёнма-ён келтириш

*Бир йўқламайсан куйган қулингги,
Кўзлари жаллод, позик пихолим*

(Муқимий)

Тажнис (жинос) - шеърда омоним шаклдаш сўзларни қўллаш:

Биров санчиқ сўз айтса, сан чик ондин...

(Сўфи Оллоёр)

Ийҳом - «шубхага солиш», «адаштириш»; шеърини мисрада икки маъноли сўзни қўллаш:

Улус ичида турур ўз бегим киё кўзлук...

(Лутфий)

Тазод - шеърда карама-қарши маъноли (антоним) сўзни қўллаш:

Подшо йўқлатсалар, ногоҳ, гадо деб ахтаринг

(Муқимий)

Таносуб (мос келтириш) - маъниқан бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини такозо этадиган сўзлардан фойдаланиш:

*Олими пуктадои мапам, шир хидояхои мапам,
Шухрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзим*

(Машраб)

Таъдид (тазил, шумур, эъдол, теъдол, саёкат ул-аъдол) - фикрий ривож, кетма-кетлик, тадрижийликни бериш:

*Тилингни кўдазгил, кўзингни кўдаз,
Бўғзингни кўдазгил, халал, егин аз*

(Юсуф Хос Хожиб)

Иштиқоқ - мисраларда ўзакдош сўзларнинг келиши

Гапжа ватан гапжи онинг гапжрез...

(Навоий)

Тарду акс - тескари қилиб такрорлаш:

*Эрусен шох- агар огохсен сеп,
Агар огохсен сеп - шохсен сеп*

(«Фарход ва Ширин»да)

Такрир - мисра, байт ичида бир сўзнинг такрори:

Кўни бўл, кўни қил, атин кўни...

(Адиб Аҳмад)

Мукаррар - мисрада бир сўзни кетма-кет такрорлаш:

Юзинг мусхафи шарҳи ўлгай печа,

Китобу китобу китобу китоб

(*Комил Хоразмий*)

Тасдир - шеър байтини бошлаган сўз, унинг охирида ҳам такрорланади (радд ул-садри ил-ал-ажуз):

Ўқиш бўлса асғи эди - ўқ ўқуш,

Камуғ эдгулук улги - ул бу ўқуш

(*Юсуф Хос Хожиб*)

Тасбеъ - биринчи мисранинг охиридаги сўзни кейинги мисра бошида такрорлаш (радд ул-аруз ил-ал-ибтидо):

Атойини агар оламга сотсанг,

Сот, эй зохидки, ул хублар қулидир

(*Атойин*)

Анафора - мисралар бошида бир сўзни такрорлаш:

Кими ўзганинг ашъорий меним дер,

Кими хайвон киби шалғам чўпин ер

(*Сайфи Саройин*)

Аллитрация - мисра, байтда ундошлар такрори

Қаро қошинг, қалам қошинг, қийик,

қайрилма қошинг, киз (*Э. Воҳидов*)

Ассонанс - мисра, байтда унлилар такрори:

Омон, омон, омон-эй,

Замон - бизнинг замон-эй

(*қўшиқдап*)

Радд ул-матлаъ - матлаъдаги биринчи мисраги мактабнинг охирги байти қилиб такрорлаш:

Навоийнинг «Қоши ёсунму дейин», Огаҳийнинг «Бўлмаса бўлмасин нетай», «Арзимас» ғазаллари.

Китобат (харф санъати) - араб харфлари шаклидан лирик тимсол яратиш; (алиф) - ёр қалду қомаи; ۋ (дол) - ошиқнинг хижрондан эгилган қомаи; ۋ (нун) - маъшуқа қоши; ۋ (жим) - маъшуқа зулфи; ۋ (лом-алиф) - ошиқнинг эгик қомаи:

Нигоро, бори ғам бирла фақири потавон айлаб,

«Алиф»дек қомагимни «лом-алиф» япғлиғ дуто қилдинг.

(*Хувайдо*)

Тарсеъ - «ишга маржон тизиш»; биринчи мисрадаги барча сўзларнинг кейинги мисрадаги барча сўзларга оҳангдош бўлиши:

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кишини гурбатда киши* (Бобур)

Зулқофиятайн - байтда икки қофиянинг келиши:

*Кўзинг не бало қаро бўлубтур,
Ки жонга қаро бало бўлубтур* (Бобур)

Зулқавофеъ - байтда уч ва ундан ортиқ қофия келиши

*Бу йўлда йўлдаса Низомий йўлим,
Кўлдаса Хусрав била Жомий қўлим* (Навоий)

Мусажжаъ - байтнинг ички қофияга эга бўлиши:

*Хатти аро узоришг / сабза ичида дола,
Ул чашии пурҳуморинг / лоладаги газола* (Бобур)

Сажъ - насрдаги қофия:

*Чибор отим сенга омонат,
омонатга қилмайсан хиёнат...* («Алломини»)

* * *

Адабиётдаги тулпорлар

Рахш	- Рустамнинг оти
Бурок	- пайғамбаримиз меърож тупида минган от
Бойчибор	- Алломини, Қоражон минган от
Фирқўк	- Гўрўғли, Хасанхон минган от
Жайронқуш	- Рашидан минган от
Кўкдўнан	- Кўкалдошнинг оти
Гулгун	- Ширин минган от

* * *

Талмеҳ қилинган пайғамбарлар сифатлари

Юсуф (а. с)	- гўзаллик тимсоли
Айюб (а. с)	- сабр тимсоли
Яъқуб (а. с)	- сабр тимсоли
Исо Рухуллох(а. с)	- тирилтириш, жон бахш этиш тимсоли
Мусо (а. с)	- Калимуллох (Аллох билан гаплашган)
Зикриё (а. с)	- Аллоҳни тилдан қўймаслик
Иброҳим (а. с) нори	- ўт маъносида маънуқа юзи гўзаллиги

**Аруз
вазни**

1. VIII асрда араб адабиётшуноси Халил ибн

Ахмад асос солган; араблардан форсларга, улардан туркий адабиётга ўтган.

2. Туркий адабиётда XI асрдан кенг қўллана бошланган, аруздаги илк асар «Қутадғу билиг»дир.

3. Аруз вазни хижоларнинг сифати (қисқа, чўзиқ, ўта чўзиқ)га асосланади.

4. Аруз вазнининг энг муҳим белгилари:

а) а, и, у унлиси билан тугаган очик бўғинлар *қисқа хижо* дейилади ва «V» белгиси билан кўрсатилади;

б) о, ў, э унлиси билан тугаган очик бўғинлар, барча ёпиқ бўғинлар асосан *чўзиқ хижо* ҳисобланади ва «-» белгиси билан кўрсатилади;

в) чўзиқ унли (о, ў, э) ли очик ва ёпиқ бўғин, қўш ундошли ёпиқ бўғин, ь белгили бўғин *ўта чўзиқ хижо* ҳисобланади ва «-» белгиси билан кўрсатилади;

г) баъзан ургу олиши ёки вазн талаби билан қисқа хижо чўзиқ хижога, чўзиқ хижо қисқа хижога алмашиши мумкин;

д) офтоб, осмон, чарх сўзларида вазн талаби билан бир хижо орттирилади: Чарх(и)нинг мен кўрмаган...

е) сабаб - мустақил чўзиқ хижо;

ё) ватад - бир чўзиқ, бир қисқа хижо;

ж) фосила - икки қисқа ва бир ўта чўзиқ хижо;

з) хижоларнинг маълум тартибига асосланиб, *сабаб, ватад, фосила* қўшилиб қисқа, чўзиқ хижолар гуруҳи таркиб топади ва бу гуруҳ *рукн* дейилади;

и) бир байтда рукнлар сони 4 та бўлса, *мураббаъ* дейилади;

й) бир байтда рукнлар сони 6 та бўлса, *мусаддас* дейилади;

к) бир байтда рукнлар сони 8 та бўлса, *мусаммаъ* дейилади;

л) рукнлар байтда бир хил кўринишда бўлса, *солим* дейилади;

м) охирги рукн бир хижо кам бўлиб, оддий чўзиқ хижо билан тугаса, *махзуф* бўлади;

н) охирги рукн бир хижо бўлиб, ўта чўзиқ хижо билан тугаса, *максур* бўлади;

о) асл рукнлар 8 та бўлиб, 5 таси ўзбек шеъриятида кенг қўлланади:

Тактеъ (парадигма)	Зихоф (афойил)	Баҳр (руқилар такрори ва муносабати)
V--	фаувлун	мутақориб
V---	мафойилун	ҳазаж
-V--	фоилотун	рамал
--V-	мустанфилун	ражаз
-V-	фоилун	мутақорик

Изоҳ: ушбу руқилар ўзгаришидан тармоқ руқилар пайдо бўлади: фоилотундан - фоилоту -V-V (мусаббағ), файлун VV- (махбуи маҳзуф) каби.

* * *

Айрим асарларнинг вазнлари (намуналар)

1. Рамали мусаммаи маҳзуфда: -V-- -V--
-V-- -V- фоилотун фоилотун фоилотун фоилотун;
Рамали мусаммаи мақсур -V-- -V-- -V--
-V- фоилотун фоилотун фоилотун фоилоун

Атойи: Ул сапамки сув яқосида паритек ўлтурур...

Лутфий: Суратингни кимки кўрди, қилди жоно, жоно фидо...

Навоий: Ўн сақиз минг олам ошуби агар бошишпадур...

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади...

Жонга чул дермен: «Не эрду ўлмагим кайфияти»...

Кўргали ҳуснуни зору мубтало бўлдум сапго ...

Меҳр кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим...

Ҳилъатин то айламинш жонон қизил, сариг, яшил...

Шоҳнинг мунглиғ мушаввашлар билан не писбати...

Бобур: Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?!

Машраб: Ҳеч кима маълум эмас ҳоли паришоним мепинг...

Ишқ ўтига ўртаниб девопа бўлган ўзгинам...

Нафси саркаш муддаосидан худо берсун папоҳ...

Ҳувайдо: Хоки пойи яхшилар бўл, хок бўлмасдан бурун...

Мунис: Давлатинг борида бордур аҳли олам ошно...

Ким, бу маънида Навоий руҳи хомийдур манго...

Шеър ул тифи дудамдурки...

Огаҳий: Токи базм ичра харифи лаъли жонон ўлди чой...

Даҳр базму айши андуҳи ғамига арзимас ...

Турди: Тор кўнгулли беклар, ман-ман деманг, кенглик қилинг...

Нодира: Васл уйинг обод қилдим бузди хижрон оқибат...

Муқимий: Подшо йўқлатсалар, ногоҳ, гадо деб ахтаринг...

Ул тағофулпешаға холи харобим ким десун?

Ҳамза: Ухлама, ўзбек эли, асли тараққий вақтида...

Ўзга миллат ҳикмат тоғиб учсалар сўйи само...

Алмаий: Эй, хаёли жопим ичра тағда жоп янглиғ хаёт...

Фурқат: Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хиподин лоларанг...

К.Хоразмий: Бўлмаса гар бир нарипинг ишқидин девопа шаъм...

2. Ҳазажи мусаддаси маҳзуф V---V---V-- мафойилун мафойилун
лун фоилун; Ҳазажи мусаддаси мақсур V---V---V-- мафойилун ма
фойилун мафойил.

С. Саройи: Сухайли алпини этмишлар асрга...

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ...

Хоразмий: Мухаммад Хўжабек - олам қунжи...

Атойи: Жамолинг васфипи қилдим чамағда...

Менгиз ё равзаи ризвопмидур бу?!

Лутфий: Аёқинга тушар ҳар лаҳза гесу...

Ҳ. Хоразмий: Чу Булбул бўлди Наврўз ошноси...

Навоий: Надур ахволинг, эй зори ғарибим...

Хувайдо: Қошингга сажда қилдим мисли меҳроб...

Мунис: Жунун тасвирипинг бехзоди менмен...

Нодира: Мухаббатсиз киши одам эмастур...

Огаҳий: Қилиб ойини меҳр оғоз наврўз ...

Фурқат: Дейин сўз илминг хосиятидин...

Дилшоди Барно: «Таржимаи хол»

Анбар Отин: Қаю султон адолатга кўяр синч...

(«Алифбо»)

* * *

3. Ҳазажи мусаммани солим V--- V--- V---V---мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

С. Саройи: Топилмас ҳусн мулкинда сенга тенг

бир қамар манзар...

Навоий: Мани ман истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас...

Бобур: Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим...

Машраб: Азалдан то абад кўнглум қутулмас ишк балосидин...

Ҳувайдо: На қилдим сенга ман, ёрим, жамолингдин

жудо қилдинг...

Увайсий: Бугун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим...

Огаҳий: Юзинг очким, қуёш садқанг бўлуб

бошингдин айлансун...

Муқимий: Қачонким бўлди ҳоким амри бирлан ибтидо сайлов...

Завқий: Жаҳонда камсуҳан ким бўлди асрори ниҳон бўлди...

Ҳамза: Оға, соғ борсангиз аввал дадамларга салом айтинг...

Ҳ. Олимжон: На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг

узра ҳол бўлсам...

Э. Воҳидов: Сани ётлар тугул ҳатто қилурман

рашк ўзимдан ҳам...

* * *

4. Мутақориби мусаммани маҳзуф V-- V-- V-- V- фаувлун фаувлун фаувлун фаул

Ю. Х. Ҳожиб, «Қутадғу билиг»: Қаю эрда бўлса уқуш била ўг...

Адиб Аҳмад, «Ҳибатул ҳақойиқ»: Биликлик кераклик сўзин

сўзлаюр...

Навоий, «Садди Искандарий»: Скандар ашга эҳтиром айлади...

* * *

5. Ражази мураббаи солим --V- --V- мустафъилун мустафъилун

Муқимий, «Саёҳатнома»: Қолмай шаҳарда тоқатим...

* * *

6. Ражази мусаммаи солим --V---V---V---V- мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафилун

Мунис: *Ширин суҳан лайливаншим вақтеки кохир бўлгуси...*

Оғаҳий: *Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина...*

* * *

7. **Туюқ** фақат бир вазнда ёзилади: Рамали мусаддаси максур V-- -V-- -V- фоилотун фоилотун фоилўн

8. **Ҳ. Бойқаро** ғазаллари фақат бир вазнда: Рамали мусаммаи максур -V-- -V-- -V-- -V- фоилотун фоилотун фоилотун фоилон

9. **Мустазод** бир вазнда ёзилади: **Оғаҳий:** Эй, ёр, санга ушб жаҳон боғи аро гул, Бир ошиқи хайрон, Дийдорингга шайдо --V--V V --V V-- -VV V-- мафъулу мафойилу мафойилу фаулу мафъулу фаулун мафъулу фаулун

10. **Навоий:** *То кўз била кўпглумни ул ғамза мақом этмиш --V--- --V V--- мафъулу мафойилун мафъулу мафойилун*

11. **Навоий:** Қаро кўзум, кел эй мардумлиғ эмди фан қилғил
Мужтасси мусаммаи макбуни мактуъ мусаббаъ

12. **Навоий:** Манга ҳажрингда алам кўн,
Санамо, қилма ситам кўн
фаилотун фаилотун
VV-- VV-- Рамали мураббаъи маҳбун

* * *

АДАБИЁТ ТАРИХИ

Биринчилар Энг қадимги муқаддас китоб - «Авесто» (Эрамиздан аввалги 2700 й).

Хурмузд томонидан яратилган биринчи одам *Каюмарс*.

Энг қадимги афсона - «Тўмарис» (Геродотнинг «Тарих» китоби да).

Энг қадимги ёзма ёдгорлик VI-VII асрларга тегишли.

Илк тазкира «*Йатимат уд-дахр*» (ас-Саолибий, XI аср, 124 нафар хуросонлик ва мовароуннахрлик шоирлар ҳақида маълумот бор).

Илк туркий тазкира «*Мажолис ун-нафоис*» (Навоий, XV аср, 459 шоир ҳақида).

Илк ғазал ижодкори - *Абу Абдуллох Рўдакий* («Бўйи жўйи Мўлиён»).

Илк туркий ғазал муаллифи - *Рабғузий* (XIV аср, «Баҳориёт»).

Илк қасида «Баҳор мадҳи» - («Қутадғу билиг», 59 байт).

Энг қадимги носир - *Йўлиғ Тигин* («Тўнюқук», «Қултегин», «Билга ҳокон»).

Илк таржима асар - «*Олтин ёруқ*» (Сингку Сели Тутунг, X аср, Бешбалиқ).

Илк адабий-маърифий дoston - «*Қутадғу билиг*» (XI аср, Ю. Х. Ҳожиб).

Илк ёзма мунозара муаллифи - *Абу Наср Асади Тусий* (форс адабиётида).

Илк мунозара - «*Қиш билан Ёз*» (туркий адабиётда М. Қошғарий).

Илк хамсанавис - *Низомий Ганжавий* («Панж ганж», 1173-1201).

Арузда ёзилган илк туркий асар - «*Қутадғу билиг*» (1069-1070).

Аруз ҳақида илк туркий рисола - «*Мезон ул-авзон*» (Навоий, XV аср).

Қуръон сюжети асосидаги илк дoston - «*Қиссаи Юсуф*» (Ибн Сино, форс тилида).

Қуръон сюжети асосида ёзилган илк туркий дoston - «*Юсуф қиссаси*» (Қул Али, 1239).

Ҳадислардан биринчи бўлиб фойдаланган - Ю. Х. Ҳожиб («*Қутадғу билиг*»).

Илк туёқ-намуналари «*Қутадғу билиг*» да учрайди.

Насрда илк бора диалог қўлаган *Рабғузий* («*Қисаси Рабғузий*»).

Шеърят (ғазал)да илк бора диалог ишлатган Лутфий (131465).

Илк тарихий дoston - «Шайбонинома» (М. Солих, XV аср).

XX асрдаги илк тарихий дoston - «Русия инкилоби» (Шавкат).

Илк нома - «Мухаббатнома» (Хоразмий, XV аср).

Илк изоҳли луғат - «Девону луғатит турк» (М. Қошғарий, 1075).

Туркий тил грамматикасини биринчи бўлиб М. Қошғарий иш
чиккан.

Искандар образини адабиётга олиб кирган муаллиф - Фирдав
(«Шохнома»).

Меҳинбону образини адабиётга олиб кирган муаллиф - Низом
(XII аср).

«Калила ва Димна»ни илк бора таржима қилган мутаржим - Бар
(VI аср).

«Калила ва Димна»ни туркийга илк бора таржима қилган му
жим - Мухаммад Бакрий.

Илк драма - «Падаркуш» (Беҳбудий, 1911 й).

Илк роман - «Ўтган кунлар» (А. Қодирий, 1919-1926 йй.).

Илк шеърый роман - «Зиё ва Адиба» (Мирмуҳсин).

Илк роман-дилогия - «Кеча ва кундуз» (Чўлпон).

Илк роман-эпопея - «Куллар» (С. Айний).

* * *

Тазкиралар Абу Мансур ас-Саолибий, «Йатимат
дахр» (араб тилида).

Мухаммад Авфий, «Лубоб ул-албоб» (форс тилида, X
аср).

Давлатшоҳ Самарқандий, «Тазкират уш-шуаро» (XI аср,
шоир ҳақида).

Алишер Навоий, «Мажолис ул-нафоис» (XV аср, биринчи
туркий тазкира, 459).

Алишер Навоий, «Насойим ул-мухаббат» (750 тасаввуф ша
лари ҳақида).

А. Жомий, «Нафоҳат ал-ушс» («Дўстлик таровати», тасаввуф
шайхлари ҳақида).

А. Жомий, «Баҳористон» (ўғли Юсуфга; 7-равзаси тазкира
шаклида).

Ҳасанхожа Нисорий, «Музақкири ахбоб» (1566, форс тилида).

Малехо Самарқандий, «Музакири асхоб» (XVII аср, 160, Субҳонқулихон салтанати тарихи ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд).

Мутрибий, «Тазкират уш-шуаро» (1604-1605 йиллар, 320 шоир ҳақида, форс тилида).

Фазлий Намангоний, «Мажмуат уш-шуаро» (Амирий топшириғи билан 1821 йилда тузилган; 101 нафар Қўқон шоирлари ҳақида, XIX аср).

Аҳмад Табибий, «Мажмуат уш-шуарои Ферузшоҳий», (1910 й, Хоразм шоирлари ҳақида тазкира-анталогия).

* * *

**Адиблар (асарлар)
таърифи тазкира
ва бошқа
манбаларда**

«Туркистон мулкининг шайх ул-машойиҳи» («Насойил ул-муҳаббат»да Навоий Яссавийни таърифлаган).

«Нуран маҳдум» (Навоий «Насойим»да Жомийни).

«Малик ул-калом» (Навоий «Мажолис»да Лutfийни).

«Шамс ул-миллат» (Навоий Паҳлавон Муҳаммадни).

«... дарवेशваш, мунбасит (ок кўнгил)» Навоий Атойини.

«Зоҳир кўзи бутов, аммо кўнгил кўзи очик» (Навоий «Насойим»да Адиб Аҳмадни).

«Етти кироат била Қуръони мажид ёдида эди» (Навоий «Мажолис»да Улугбекни).

«Хуш таъб, сахий айёш ва хунарпарвар...» (Навоий «Мажолис»да Бойсунгар Мирзони).

«Замоининг улуғи, одиллар макбули... (Давлатшоҳ Камол Хўжақандийни).

Навоий «Мажолис»да Нажмиддин Кавкабийни шоир ва мунажжим деб таърифлаган.

«Карим ут-тарафайн» («Бобурнома»да Х.Бойқарони).

«Манзури шаҳашшоҳи Хуросон» (Фузулий Навоийни).

Навоий фахриялари (ўзига берилган таъриф):

Турк назмида чу мен тортиб алам,

Айладим ул мамлакатни яккалам.

(«Лисон ут-тайр»да)

Олибмен тахти фармошимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон
(«Фарход ва Ширин»да)

Фалак кўрмади мен каби подире,
Низомий киби пазм аро кодире.
(«Салди Искандарий»да)

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий папжасига папжа турмоқ.
Керак шер оллида ҳам шери жапги,
Агар шер ўлмаса бори палапги.
(«Фарход ва Ширин»да)

«Йигитлигим ҳамоми ва шабоб айёми авонида... шуаронини ширин анъори ва рапгин абиётидан эллик мингдан ортуқ ёд тубмен...»
(«Мухокамат ул-лугатайн»да)

Жомий Навоий ҳақида: «... туркий тилда ҳеч ким Навоийчлик кўн ва хўб шеър айтмаган ҳамда назм гавхарларини сочмаган».

Бобур Навоий ҳақида: «Алишербек пазири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтибтурларким, ҳеч ким онча кўн ва хўб айтқон эмас»;

- «Ахли фазл ва ахли ҳунарға Алишербекча мураббий ва мукаввий маълум эмас...»

- «Оламни тавре фард (ёлғизлик) ва жариди (тапҳоликда) ўқиб карди»;

- «... тили Андижон шеvasи билан ростдур».

Давлатшоҳ Навоий ҳақида: «Бу улуг амир дину давлат хомиши, шариат ҳамда миллатнинг пуштипаоҳидир».

Ж. Неру Бобур ҳақида: «... дилбар шахс... Уйғонини давронининг йирик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган».

Э. Холден: «Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарга караганда севишга арзигуликдир».

«Қисса Машраб»дан: «Қутбул-олам... бирлари Хожа Абдулоҳлиқ Фиждувоний, бирлари Офок Хўжам».

Носеҳ Хувайдони: Мунигдек олиҳиммат эр аподин
Ду бора туғмағай дар ҳеч билоди.

Кутлугмурод Инок Мунисга: «Сапинг назми дилкушо ва шеъри рухафзойингким, таъби аржумандинг, балки фарзанди жи-гарбандингдурлар».

Огаҳий Саъдий «Гулистон»ининг таржимаси ҳақида: «... хар шеърниким, муносиб ва мувофик ерларда рақам қилдум, ўз таъбиининг зодаси дурур».

Навоий икки ҳамсанавис Низомий ва Амир Хусравни:

Кичик эрконимдин бўлиб қошима,

Улуғ муддао солдингиз бошима.

Навоий Саййид Ҳасан Ардашерни: «Бу фақир турк ва сарт орасида ондин тамомроқ (мукамалроқ) кишини кўрмагайдурмен».

Мунис: Сўз ичра Навоийки, жаҳонгирдурур,

Мунисга маоний йўлида нир дурур.

Хотиф Алмайни: «маъдани фазл» (илму допини манбаи, фази-лат копи).

Миртемир Ҳ. Олимжон ҳақида: «Қопида, кўз қорачиғида, тўқсон икки томирида туғма зукколик, шоирона сажия, билгичлик аён».

Фузулий газал ҳақида: *Фазалдур сафобахш аҳли пазар,*

Фазалдур гули бўстони хунар.

Фузулий Абу Нувос (араб), Низомий (форс-тожик), Навоий (туркий) ҳақида:

Турқу Арабу Ажамда айём,

Ҳар шоира вермиш эди бир ком

Гёте: «Шоир лирикада бениҳоят кўн роль ижро этувчи актёр-дир».

А. Орипов Огаҳийни: «Жаҳоний ташвишга чулганган зот».

А. Орипов У. Носир ҳақида: «... унинг шеърлари кўз каби тир-рик, жонли, тутқич бермас ҳаёт нораларидир. (У)... шеърятнинг муқаддас даргоҳида анвойи бир чаманзор, сира ҳазон бўлмайдиган мўъжиза боғ яратиб кетди».

Миртемир Зулфия ҳақида: «Зулфия-жаҳон камтар, ўта заҳмат-каш, билим уфқи кенг... етук ва асл шоира».

Ғ. Фулом С. Зуннуова ҳақида: «У хотин-қизларга хос назокат, ифорли, татимли лирикаси билан дилларимизни эркалаб, ... фаҳмли шоирамиз бўлиб етишди».

Э. Воҳидов «Шоирлик», «Афғон шоирларига», «Рухлар исбони» асарларида шеър ва шоирлик ҳақидаги қарашларини баён қилади

* * *

Тарихий ва бадий асарларда айрим адиблар ҳақида маълумотлар

1. **Навоий** ҳақида: **Хондамир** «Мақорим ул-ахлоқ», «Ҳабиб ус-суяр», **Мирхонд** «Равзат ус-сафо» (7 жилдлик мазкур асарни Мунис ва Оғахий таржима қилган), **Зайниддин Восифий** «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Гўзал воқеалар; Жомий, Лутфий, Х. Бойқаро ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд), **Муҳаммад Мирзо Ҳайдар** «Тарихи Рашидий» (Навоийни Хўжа Хофиз билан бир қаторга қўяди), **Ойбек** «Алишернинг ёшлиги» қиссаси, «Навоий» достони (1939), «Навоий» романи (1942), **Л. Бать** «Ҳаёт бўстони» қиссаси (ёшлиги ҳақида), **М. Осим** «Карвон йўлларида» қиссаси.

2. **Бобур** ҳақида: **П.Қодиров** «Юлдузли тунлар» («Бобур») романи, **Х.Султонов** «Саодат соҳили» қиссаси, **Флора Анна Стил** «Бобурхон» (Париж, 1940) романи, **Ф.Гренард** «Бобур» (Париж, 1930) романи, **Щ.Лемб** «Бобур-йўлбарс» (Нью-Йорк, 1961) романи, **В. Гаскони** «Бобур ва унинг авлодлари ёки Буюк мўғуллар» (Нью-Йорк, 1980) эссе-романи, **Муни Лаъл** Бобур ва бобурийлар ҳақида 6 та роман ёзган.

3. **Паҳлавон Маҳмуд** ҳақида: **Шамсиддин Сомий** «Қомус ул-аълум», **Лутфилла Озар** «Оташқадаи Озорий», **Қамолиддин Фаноий** «Мажолис ул-ушшоқ», **Муҳаммад Гиёсиддин** «Гиёс ул-луғот».

4. **Қомил Хоразмий** ҳақида: **Оғахийнинг** «Гулшани давлат» асарида, **Шайх Сулаймон Бухорийнинг** «Луғоти чигатойи ва турки усмоний» асарида.

5. **Улуғбек** ҳақида: **Навоий** «Фарход ва Ширин» достони, **О. Ёқубов** «Улуғбек хазинаси» романи, **М. Шайхзода** «Мирзо Улуғбек» трагедияси, **Б. Аҳмедов** «Улуғбек» эссеси.

6. **Абу Бакр Наршахийнинг** (ваф 959) «*Бухоро тарихи*» асарида адабиёт аҳли ҳақида маълумотлар мавжуд.

7. **Абу Наср Утбийнинг** «*Тарихи Ямийий*» (араб тилида) асарида Сабук тагин ва Маҳмуд Ғазнавий даври ҳақида маълумотлар мавжуд.

8. **Абу Саид Гардизийнинг** «*Зайн ал-аҳбор*» (форс-тожик тилида) асарида ҳам шу каби маълумотлар учрайди

9. **Абул Фазл Байҳақийнинг** «Тарихи Маъсудий» номли 30 жилдлик асарида ҳам адабий ҳаёт тасвири бор.

10. **Абдулғозининг** «Шажараи турк» асарида «барлос», «Бухоро», «мўғул» сўзлари шарҳланган.

11. **Геродотнинг** 9 қисми «Тарих» китоби орқали «Тўмарис» афсонаси етиб келган.

12. **Полиэннинг** «Харбий хийлалар» китоби орқали «Широк» эпоси етиб келган.

13. **Хорес Митилинский** китоби орқали «Зариандр ва Одатид» афсонаси етиб келган.

14. **Апелладор** китоби орқали «Зарина ва Страингия» афсонаси етиб келган.

* * *

Бир неча тахаллус қўллаган адиблар

Навоий: *Навоий, Фопий* (форс-тожикча шеърларида); **П. Маҳмуд:** *Қитолӣй, Пурён-валий*; **Турди:** *Турди, Фароғӣй*; **Нодира:** *Нодира, Комила, Макпуна*; **Фурқат:** *Фархат, Хилватӣй*; **Фитрат:** *Мижмар, Фитрат*; **А. Қодирӣй:** *Жулқунбой, Шиғой, Думбул, Калвак маҳзум, Овсар*; **А. Қаҳҳор:** *Норин Шиллиқ, Мавлоп куфр, Ниш, Эркабой*.

* * *

Хукмдор адиблар

Хусайн Бойқаро (1438-1506) (*Хусайний*) - Хуросон-«*Девон*», «*Рисола*» (пасрий); **Заҳриддин Бобур** (1483-1530) - Ҳиндистон - «*Девон*», «*Мухтасар*» ва «*Мубаййит*» рисолалари, «*Бобурнома*», Хўжа Ахрорининг «*Волидия*» асарининг пазмий таржимаси; «*Хатти Бобурий*», «*Харбиши*», «*Рисолаи мусиқий*»си йўқолган; **Абдуллахон II** (*Убайдий*)-Хуросон-Мовароуннаҳр-«*Девон*»; **М. Шайбоний** (1455-1510)-Хуросон-Мовароуннаҳр-«*Девон*», «*Баҳрул хидо*» маспавийси; **Нажмиддин Кубро** вафоти ҳақида «*Шахи шухадо*» таърихи; **Исмоил Сафавий** - (Хатойӣ) -Эрон «*Девон*»; **Амир Умархон** (1787-1822) -Амирий (Қўқон хоно)-«*Девон*»; **Муҳаммад Раҳимхон Соний** (1844-1910) *Феруз* (Хива хоно)-«*Девон*»; **Авлиёқулибек** (*Хусайний*) - Ҳисор ҳокими-«*Девон*»; **Абдулаҳадхон** - Бухоро амири - «*Девон*».

* * *

Тухфа этилган,
багишланган ва
топширик (таклиф)
билан битилган
асарлар

(Хоразмий)-Мухаммад Хўжабекка; «Гулистони бит-туркий» (С.Саройи)-Миср ҳокими Батхасбекка; «Қисаси Рабғузий» - мўғу хукмдор Носириддин Тўқбуғага; «Гул ва Наврўз» (Х. Хоразмий) теурий Искандар Султонга; «Ҳилолия» (Навоий) - 1469 йилда Х Бойқароининг тахтга келиши муносабати билан; «Огоҳнома» (Ога хий)-Мухаммад Раҳимхон Соппийининг тахтга келиши муносабати билан; «Шоҳнома» (Фирдавсий)-Маҳмуд Ғазнавий топшириги билан; «Калила ва Димна» таржима қилинган (Алмай)-Мухаммад Мусо Исоқози таклифи билан; Огаҳий «Гулистон» - Мухаммад Раҳимхон тўра топшириги билан таржима қилинган.

* * *

Таржима
русумидаги ва
таржима асарлар

Синку Сели Тутунг «Олтин ёрук» (хитойча да); Кутб «Хусрав ва Ширин» (Низомий «Панж ганж»ининг иккинчи достопининг эркин таржимаси); Сайфи Саройи «Гулистуни бит-туркий» (Шайх Саъдийининг «Гулистуни» асарининг форечадан эркин таржимаси); Х. Хоразмий «Гулшани асрор» (Низомий «Панж ганж»и биринчи достопининг эркин таржимаси); Лутфий «Зафарнома» (Шарофиддин Али Яздий асарининг таржимаси); Навоий «Арбаин» (Жомийининг «Чил ҳадис» асари таржимаси); Навоий «Насойим ул муҳаббат» (Жомийининг «Нафоҳат ал-унс» асарининг эркин таржимаси); Навоий «Лисол ут-тайр» (Ф.Атторининг «Маптик ут-тайр» асарининг эркин таржимаси); Бобур «Валидия» (Хўжа Аҳрор Валиининг шу номдаги асарининг пасрдан назмга ўгирилгани); Мунис, Огаҳий «Равзат ус-сафо» (Мирхондадан таржима); Огаҳий «Хафт найкар» («Панж ганж»ининг тўртинчи достопи таржимаси), «Қобустинома» (Кайковуедан), «Гулистуни» (Шайх Саъдийдан); Алмай «Калила ва Димна» (ҳинд эпоси «Панчатантра» таржимаси); Комил «Маҳбуб ул-қулуб» (Туркман Фароқийдан), «Латоийиф ут-тавоиф» (Сафийдан); Сидқий-Хондайлиқий «Минг бир кеча»; Чўлпон «Хамлет» (Шекспир), «Дубровский» (Пушкин), «Опа» (Горький), «Феруза» (Франко), «Осилган ётти кишининг хикояси» (Андреев); У. Носир «Богчасарой фонтани», «Евгений Оне

гит»дан парчалар (Пушкин), «Демон» (Лермонтов); **Ойбек** «Евгений Онегин» (Пушкиннинг шеърый романи), Гётенинг «Фауст»дан парчалар; **А.Қаҳҳор** «Каштан қизи» (Пушкин), «Уруш ва тинчлик»нинг 1, 2-китоблари (Л. Толстой), «Уйлашин», «Ревизор» (Гоголдан), «Али бобо ва қирқ қароқчи» («Минг бир кеча»дан); **А. Мухтор** «Шоҳ Эдил» (Софокл); **М. Али** «Рамаяна» (хинд халқ эпоси); **Э. Воҳидов** «Фауст» (Гёте фожиаси), **Ибн Сипо**, **Хофиз**, **Қамар Раис**, **Е. Евтушенко**, **С. Есенин**, **Р. Ҳамзатов**, **Р. Рождественский** шеърлари; **А. Орипов** «Илоҳий комедия» (Данте); **Фирдавсий** «Шоҳнома»сини **Ш. Шомухаммедов**, **Назармат**, **Ж. Шарипов** таржима қилган; **Жамол Камол** «Фирдавсий» (С. Улуғзода романи).

**Татаббу
(назира)лар**

Навоий «**Хамса**» - **Низомий**, **Амир Хусравга**; **Низомий** «**Лайли ва Мажнун**»ига 118 та татаббуъ (67 та форсий, 37 та туркий); **Огаҳий** «**Бўлмаса бўлмасин нетай**» - **Навоий** газалига; **Фузулий** «**Лайли ва Мажнун**» **Навоийга**; **Фарибий** (XIX аср, Қашғар) «**Шоҳ Баҳром ва Дилором**» - **Навоийга**; **Умар Боқий** «**Қиссаи ҳафт манзар**» - **Навоийга**; **Ҳамза** «**Ўзбек хотин-қизларига**» - **Амирий** газалига; **Фозил Йўлдош ўғли** «**Баҳром ва Гулаңдом**» - **Навоийга** («**Сабъан сайёр**»); **Абай** «**Искандар**» - **Низомий ва Навоийга**.

* * *

**Туркийлар ҳақида
энг қадим манбалар**

Геродот (мил. ав., 490-424), «**Тарих**» -туркийларни «**турғу-той**», **Искит** водийсидаги «**юркейлар**» деб атаган; **Страбон** (мил. ав. 64-мил. 24, «**География**») (17 китоб)-туркийлар ҳақида маълумотлар берилган; **Арриан Флавий**, «**Искандар юриши**» - **Марғиёна**, **Сугдиёна**, **Спитамен** ҳақида маълумотлар учрайди; **Абу Исҳоқ Истаҳрий** (850-934) - Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумотлар; **Сима Цянь** (VII аср)-**Қашқар**, **Сайрам**, **Тошкент**, **Самарқанд** ҳақида маълумот беради; **Марко Поло** (1254-1324) «**Марко Поло китоби**»да туркий халқларнинг маданияти, санъати, урф-одатлари ҳақида маълумот беради; **Ибн Батута** (XIV) **Хоразм**, **Урганч**, **Бухоро**, **Самарқанд** ҳақида подир маълумотлар қолдирган; **Руи Гонзалис Клавихо** (ваф. 1412) - **Амир Темур** ва **темурийларга** доир маълумотларни; **Абу Абдуллоҳ Хоразмий** 9

китобдан иборат «Мифотух ул-улум» асарида адабиёт, тарих, снқага оид маълумотларни ёзиб қолдирган.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Мақоллар

1. «Девону лугатит турк»да: «Тулки инига урса, ужуз бўлур» - Тулки ўз уясига қараб улиса, қўтир лади (ўз элини, юртини ёмонловчиларга қарата); «Сув ичирма сут бер» (ёмонлик қилганга яхшилик қил); «Эрик эрни яғлик, магу боши қаплиқ» - Тиришқокнинг лаби ёғли, эринчокнинг боқопли (эринчокликнинг ёмонлиги, тиришқокликнинг фойдали элини ҳақида); «Ўкуз азақи бўлгунча, бўзаку баши бўл» - Хўкизни оёғи бўлгунча, бузокнинг боши бўлган яхшироқ (мустақил бўйсуниндан яхши); «Тавғач хапнинг тўрқуси телим, тепглама бичмас» - (исрофгарчиликка қарши, тежамкорлик ҳақида); «Укелса, қут келар» - Меҳмон келса, барака келар (меҳмон ҳақида); «Қиз киши сави йўриғли бўлмас» - Бахил одамнинг овоза чиқмайди (сахийлик ҳақида); «Эрмагуга булут юк бўлур» - Ялқовга булут ҳам юк бўлиб туюлади (ялқовликнинг зарари ҳақида); «Кузаку узун бўлса, алик куймас» - Косов узун бўлса, қўл куймайди (тадбиркорлик ҳақида).

2. «Зарбулмасал»да: «Ёлғон масал турмас»; «Уят-ўлимд каттиқ»; «Яхши нафас - ярим мол»; «Отаси урмас қўпғизни, боқаси урар тўпғизни»; «Халво дегап бирлап оғиз чучимас»; «Ширини ширин сўзласанг, илоп ипидап чиқар, Аччиқ-аччиқ сўзласанг, мусулмон динидап чиқар»; «Эр тилаган ерда азиз» каби.

3. «Ўғри» хикоясида: «Отнинг ўлими - итнинг байрами»; «Қурук қошиқ оғиз йиртади»; «Берганга битта ҳам кўн, олганга ўпта ҳам оз».

* * *

Эртақлар

1. «Ур тўқмоқ» да уч тилсим: қайтмас тўқмоқ, хумча, очил дастурхон, ур тўқмоқ.

2. «Гулиқаҳқаҳ»да Тилла қокилли бола қамшир ва қушпи ёрдами билан ойини жаҳонгамо, қирқ қулоқли қозон, Иллик қаҳқаҳга етинади; подшо икки хотини ва шум қамширни отини

думига боғлаб ўлдиради; ўз куши фарзандини танимаган подшога Тилла қокилли бола унинг фарзанди эканини айтади.

3. «Сусамбил» эртагида Сусамбил водийсидаги бўриларни маҳв этган эшак (*эшон*), икки қаламуш (*гўрков*), хўроз (*сўфи*), арилар (*Азроил*), хўкиз (*Мункар-Нақир*) саргузаштлари тасвирланади.

4. «Хусниябону»да Хусниябону, Нодираи даврон, Гарданшоҳ образлари мавжуд.

5. «Уч оғанини ботирлар» эртагида шер, аждархо ва қирк қароқчини маҳв этиб, кўзи гўшти, узум шарбати ва нон тахлами сирини очган оғанилар подшоҳнинг уч қизига уйлақади.

6. «Минг бир кеча» араб эртаклари XVII асрда форсларнинг «Хазор афсона» эртаклари асосида шаклланган (бағдодлик адиб *ал-Яхшиёрӣ* ўзининг «Минг бир кеча» эртагига 480 та эртақ жамлай олган); «Али бобо ва қирк қароқчи» эртагида очкўз Қосим Сезам ғоридаги хазинага кириб, қароқчилар қўлида ҳалок бўлади; Маржона ва Алибобо қароқчилар сардорини ўлдириб, хазинага эга бўлади.

* * *

Достонлар

1. «Алломини» - 1927-28 йилларда М. Зарипов томонидан Х. Зариф раҳбарлигида Фозил Йўлдош ўғли тилидан ёзиб олинган бу қаҳрамонлик достонида Добонбийнинг ўғли Алминбийнинг фарзандлари Бойбўри ва Бойсари 40 кун Шохимардон пирида чилла ўтириб, Ҳакимбек, Қалдирғоч (Бойбўри) ва Барчин (Бойсари) деган фарзандлар кўради; зақот мупозарасидан сўнг (бош конфликт) Бойсари Тойчихон юртига кетиб қолади; Барчинни 90 алдан қутқариш учун борган Алломини Сурхайлнинг 7 ўғли - Кўкалдош, Кўкаман, Кўшқулоқ, Кўққашқа, Бойқашқа, Тойқашқа, Қоражон бошлиқ 90 али билан беллашади, Қоражон билан дўстланади, Барчиннинг 4 шартини Чилбир нўли, Ойна кўлида бажариб, уни қўлга киритади; кейинчалик яна Қалмоқ юртига келиб; 7 йил зиндонда ётиб, Қайқубод, Товқа, Бойчибор оти ёрдамида чоҳдан қутилиб, Тойчихонни маҳв этиб, ўз юртига қайтади; бу ерда Ултонтозни енгиб, адолат ўрнатади.

2. «Равшан» - Э. Жуманбулбул томонидан айтилган (Эргаш шоир бу достонни отасидан, отаси эса устози Кичик Бўрондан ўрганган) маиший достон; Ёўрўғли хотинлари Юнус пари ҳамда Мисқол парини Боғи Эрам ва Кўҳи Қофдан, ўғиллари Хасанхон

хамда Авазхонни Ваянган ва Хунхордан олиб келган; Хасанхонни Хон Даллини, Авазхонга Гулқизни олиб берган; Равшанга Гулқизни олиб бермоқчи бўлганда Авазхон қизини бермайдиганлигини Юнус пари берган узукдан Зулхумор хабарини олган Равшан Ширвоп юртига боради, 6 ўғлидан айрилган кампир билан она бола тутинади; Оққизнинг чакуви билан Қорахон уни чоҳга ташилади; майна орқали хабар тонган Хасанхон Ширвопга келади; Айпоқ (попхўр полвон), Жайпоқ (масхарабоз), Терсак (сипчи), Эрсак (мерган) каллар ёрдами билан Қорахонни енгиб, Зулхуморни олиб, ўз юртига қайтади (1928 йилда Х.Зариф томонидан ёзиб олинган).

3. «**Кунтуғмиш**» - маиший дoston бўлиб, унда Холбека, Кунтуғмиш, уларнинг икки ўгли Гўркибой ва Моҳибой саргузаштлари берилган.

* * *

Кўшиқлар

1. «**Суст хотин**» - зардуштийликдаги *ёмғир тапгриси Тиштирия* шарафига қишлоқ аёллари йиғилишиб, поллиз кўриқчисига ўхшаш бир кўғирчоққа кекса аёл кийимларини кийдириб, кўғирчоқ устидан сув сенишиб, *ёмғир чакириш* маросимида айтишган; «**Чой момо**» - икки кампир эски кийим ва чоноп кийиб, юзларига қоракуя суртишиб кўшиқ айтган, бўй етган 5 қиз бошларига шолча ёниб, кампирларга жўр бўлишган; кўшиқ зардуштийликдаги *шамол тапгриси Чуй момо* шарафига *шамол тўхтатиш* маросимида айтилган; «**Ё, Ҳайдар**» - Ҳазрат Али шарафига *шамол чакириш* маросимида айтилган.

2. **Турлари:** *Дехқончилик кўшиқлари:* «Хўш хайда», «Майдагул», «Ёргучоқ», «Ўрим»; *Чорвачилик кўшиқлари:* «Хўш-хўш», «Говмушим», «Чурия», «Қурей-қурей»; *Хупармадчилик кўшиқлари:* «Ўрмак», «Чарх», «Бўзчи», «Кашта», (сапама, илма, ёрмадўзи); *Тўй маросими кўшиқлари:* «Ёр-ёр», «Хай-хай, ўлап», лапар (айтишув); *Болалар кўшиқлари:* «Бойчечак», «Хаю, читтигул», «Оқ теракми, кўк терак»; *Лирик кўшиқлар:* «Галдир», «Сумбула», «Рўмолим».

Изоҳ: «Девону луғатит турк»да IX асргача туркийлар орасида кенг тарқалган кўшиқларнинг матнлари (*мураббаъ шаклида, 4+3 турокланишда*) берилган

* * *

Жангномалар

(оғзаки ва ёзма адабиёт ўртасидаги жанр)

Тарихий ёки афсонавий шахсларнинг ватап озодлиги ва мустақиллиги, дин равнақи, халқ осойишталиги учун кураши кўтаришқи руҳда хикоя қилинган эник асар: «Амир Хамза», «Аҳмад Замжий», «Рустами достон», «Або Муслим», «Хушап», «Мусайбнома»; ёзма адабиётда М. Солиҳнинг «Шайбонинома» (XVI аср) достони воқеий (тарихий) жангнома ҳисобланади.

* * *

Афсоналар

1. «Тўмарис» юрт мустақиллиги йўлида аҳамоний Кирга қарши курашган Ўқуз бўйидаги массагетлар сардори Тўмарис ҳақида; Крез маслаҳати билан ўғли Спарганиснинг мавҳ этган Кир (Кайхусрав)ни бу аёл жанг қилиб енгади.

2. «Широқ» Яксарт бўйларида яшовчи шаклар босқинчи Доронинг хужумини қайтариш учун Тўмарис, Омарг, Саксфарни маслаҳатга чақирганда, шаклар оқсоқоли хузурига келган Широқ ўз пиятини айтади ва бир ўзи хийла билан душман кўшинларини енгади.

Изоҳ: М. Осим «Тўмарис» хикоясига тўй маросими, Кир элчиларининг Тўмарис хузурига келиши ва бошқа эпизодларни олиб кирган; «Широқ» хикоясига ҳам Широқнинг чаёни, илонларга ўзини чақтириб тоблашиши, Рустак (Эрон ва Суғдияда машҳур оқсоқол), Рапосбат (Эрон ланкарбониси) образларини олиб кирган.

* * *

Асотирлар

«Азиз момо» мифида Азиз момонинг 90 та ўғли бор (90 куплик қишга ишора): «Тўксон... бир купимча йўксан».

* * *

ЁЗМА АДАБИЁТ

«Авесто»

Зардуштийларнинг муқаддас китоби; унда икки асос, икки ибтидо-ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик кураши, эзгулик худоси Хурмуз ва ёвузлик рамзи Ахриман курашида тасвирланган.

Ўрхун-Энасой битиклари Тошбитиклар; тош, мрамор («Култегин»), қоғоз («Ирк битиг»), тери ва бошқа материалларга ёзилган; «Тунюқуқ», «Билга хоқон», «Култегин» йўллик тигин томонида ёзилган: уларни ўрганиш XIX асдан бошланган (Томсен, Радлов); битикларнинг асосий гоёси ватанпарварлик; Билга хоқон (Тапгут тарафга юрини бошлаган), Култегин Элтариш хоқон ўғилларидир; Ашида уруғидан бўлган Тунюқуқ Элтариш хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркардаси бўлган.

Қомусий олимлар Мусо Хоразмий («Ал-жабр», «Суратал-арз», «Тарих»), ал-Беруний («Хиндистон», «Осор ул-бокия»), ал-Форобий («Муаллими соний») «Арасту қонунларининг моҳияти», «Фозил кишилар шаҳри»), Ибн Сино («Ал-Қопун фит-тиб», 8 та уржусаси, мусиқа хақидаги рисоласи; «Рисолат ат-тайр», «Хай бин Яқзон» рамзий дostonлари, «Саламон ва Ибсол», «Қиссаи Юсуф» саргузант дostonлари, газал, рубоий, фард, касидалари).

Муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий, Муслим Ибн Хажжож, Ибн Довуд, Ибн Можжа, Дайламий ва бошқалар; Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-сахих», «Адаб ал-муфрал», «Китоб ул-фавоид», «Тарихи Бухоро» каби асарларидан сахих ҳадислар жой олган; ҳадислардан биринчи бўлиб Ю. Х. Хожиб «Қутадғу билиг»да фойдаланди: Жомий «Чил ҳадис», Навоий «Арбаин», А.Оришов «Хаж дафтари», «Хикмат садолари» асарларини ёзди.

Панднома адабиёт Ўғит, наид, насихат руҳидаги асарлар пазм ва насрда қадимдан мавжуд; улар маъвиза деб юритилган («Қутадғу билиг» таъсирида Европада «зерцал» пайдо бўлди); «Девону луғатит турк»нинг аксар тўртликлари, «Қутадғу билиг» (дунё ҳодисалари хақида Куптуғди, Ойтўлди, Ўғдилмиш, Ўзғирмишнинг савол-жавоби), А.Югнакийнинг «Хибаат ул-хақойиқ», П. Маҳмуд рубоийлари, Рабғузий қиссалари, Навоийнинг «Хайрат ул-аброр», «Маҳбуб ул-қулуб», «Назм ул-жавохир» асарлари, Хувайдоннинг «Роҳати дил» («Басти ғаддорийн дунё» ва б.), А. Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ» ва бошқа асарларини киритиш мумкин; зеро адабиётнинг бош вазифаси кишиларда эзгуликка муҳаббат, ёвузликка нафрат уйғотишдан иборат.

Тасаввуф

Испотин комилликка олиб борувчи таълимот бўлиб, тасаввуф йўлига кирган такводор (солих) бу йўл (сулук, тариқат)да пири муғон (авлиё, шайх, пири муршид) раҳнамолигида риёзат чекиб, *Шариат, Тариқат, Маърифат, Хақиқат* босқичларини босиб ўтади; «*Лисон ут-тайр*» (Навоий) да бу йўл *Талаб, Ишк, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Хайрат, Фапо* босқичларига бўлинган; *Маъшуқа* (Аллох), *Ишк* (ишқи илохий, ишқи мажоз), *Май* (аллох ишқи), *Ваҳдат* (Аллох бирлиги), *Соқий* (маънавий устоз), *Тажаллий* (зухр) каби образлар тасаввуф адабиётида етакчи бўлган; IX асрдан *орифлик босқичи бошланган*; *Яссавий, Машраб, Сўфи Оллоёр, Хувайдо* каби пири муршидларнинг хикмат, маснавий, ғазал, мураббаларида тасаввуф ғоялари етакчи, Навоий («*Лисон ут-тайр*», «*Лайли ва Мажнун*», «*Фарход ва Ширин*»), Турди («*Буруп*» радифли мухаммаси), Мупис, Увайсий, Нодира, Огахий, Юсуф Сарёмний, Зиёвиддин *Хазиний* шеърларида *нақшбандия, кубравия, қаламдария, қодирия* тариқатларининг ғоялари ифодаланиб, *подоплик, жоҳиллик, пафс қораланган*.

Хамсачилик

Беш дostonни ўз ичига оладиган бу йўналишга **Низомий Ганжавий** асос солган; 1173-1201 йилларда «*Папж ганж*»ни яратди ва унга «*Маҳзап ул-асрор*» (*надинома; Фахриддин Баҳромшоҳга тухфа*), «*Хусрав ва Ширин*» (*Тўғрул II га*), «*Лайли ва Мажнун*» (*Ахсатан I*) «*Хафт найкар*» (*Аловуддин Кўрпа Арслонга*) ҳамда «*Искандарнома*» *doston*лари киради: Фирдавсий «*Шоҳнома*»сида *Искандар* образини яратса, Низомий *Меҳинбону* образини олиб киради; *Фирдавсийда Баҳром севгилис Озодани от туёқлари остига ташлаб ўлдирса, Низомийда Фитна, Навоийда Дилором тасодиф билан омон қолади; Искандар сафарини Озарбайжонга буриб, Барда маликаси Нўшоба билан учраштиради; «Лайли ва Мажнун»да иттираст Марв шоҳи, «Хафт найкар»да хиёнаткор итини осиб қўйган чўпон воксалари ҳам берилган; Хусрав эрон шоҳи Хурмузнинг ўғли, Шопур яқин дўстларида бири; Шопур Ширин ҳақида Хусравга хабар бергач, Хусрав ва Ширин бир-бирларини ғойибона севиб юрадилар; шу аснода воксаларга Фарход кириб келади ва кейинчалик Хусрав Фарходни хийла билан халок этади; Баҳром ва Фитна ҳақидаги *doston* воксаларга боғланмайдиган 5 та хикоя киритилган; Фитнадан айрилган (қиз тасодиф туфайли омон қолади) Баҳром етти иқлим*

маликаларига уйлашиб, улардан етти хикоя эшитади; «Искандарнома»нинг «Шарафнома» қисмида Александр Македонскийнинг жаҳонгирлик юришлари тасвирланса, «Иқболнома» қисмида эсонинг донишмандлиги талқин қилинади.

Изоҳ: Амир Хусрав Искандарга бағишлаган достони «Ойинаи Искандарий», Жомий эса «Хирадномаи Искандарий» деб атаб, асосан, ахлоқий - маърифий масалаларга эътибор қаратганлар; Навоий «Ойинаи Искандарий» ҳақида «Лайли ва Мажнун» достонида алоҳида маълумот берган.

Амир Хусрав
Дехлавий

1299-1301 йилларда «Хамса» яратди

«*Маглаъ ул-анвор*», «*Ширин ва Хусрав*», «*Мажнун ва Лайли*», «*Ҳашт беҳишт*», «*Ойинаи Искандарий*» Амир Хусравдаги айрим фарқлар шуки, «*Ҳафт найкар*»даги етти хикояни ҳинд эпосидан олган, қапизакнинг помини Дилором қилиб ўзгартирган; Фирдавсий Баҳром Озодани ўлдиргач, янги қирқ йил яшаб ухлаганича ўрнидан турмаганини хикоя қилса, Навоийда Баҳром ов изидан йорга кириб, қайтиб чикмайди, Амир Хусрав ва Навоийда Баҳромни ер ютади; Жомийда у ҳақида достон мавжуд эмас.

Абдурахмон
Жомий

7 достони ўз ичига олган (шартли)

«Хамса» ёзган: «*Силсилат ул-заҳаб*», «*Саломон ва Абсол*», «*Тухфат ул-аҳрор*», «*Сабхат ул-аброр*», «*Юсуф ва Зулайҳо*», «*Лайли ва Мажнун*», «*Хирадномаи Искандарий*».

Алишер Навоий

«Хамса»ни 1483-1485 йилларда ёзди:

1. «*Ҳайрат ул-аброр*» (64 боб, 3988 байт, 20 мақолот ва 20 хикоят); асосий қисм XXII бобдан бошланган: 1-мақолот Имом ҳақида; 3-мақолот султонлар ҳақида ва «*Шоҳ Ҳозий хикояси*»; 5-мақолот қарам (саховат) ҳақида ва «*Ҳотам Тоий хикояси*»; 6-мақолот одоб ҳақида ва «*Нўширавон хикояси*»; 8-мақолот вафод ҳақида ва «*Икки вафоли ёр*» хикояси; 10-мақолот ростгўйлик ҳақида ва «*Шер билан Дурроғ*» хикояси ва б. Асарда *Баҳовулдин Нақшбанд*, *Ҳожа Убайдуллоҳга* бағишлов, *Хуросон*, *Хирот* таърифлари мавжуд;

2. «*Фарҳод ва Ширин*» - 59 боб, 5782 байтдан иборат ишқий романтик достон; Навоий Амир Хусравнинг «Хусрав ва Ширин» «ўтидан чирогимни ёритдим», деб алоҳида эътироф этган; Фарҳоднинг туғилиши; исми *фирок*, *рашк*, *ҳажр*, *ох*, *дард* сўзлари

нинг биринчи харфларидан иборат бўлгани, «*фарри шохи*» (шоҳлик нури) бўлиб осмондан тушгани ва келажак тақдири билан боғлиқлиги; Фарходнинг жами илм-хунарлардан огоҳ бўлгани, ўз ихтиёри билан тахтдан воз кечгани; тилсим ойнанинг сирига етмок учун *Сукрот* хузурига йўл олгани, *Сухайло* ва *Хизр* билан учрашгани; *Сулаймон узуги*, *Афридун гапжи*, *Жамшид жомини* қўлга киритгани; ойна тилсимдан ўз тақдирини кўргани; Шонур билан дўстлашгани; *Кўхкан* лакабига монанд тоғ кесиб арик казигани, босқинчи Хусравдан Ширин ёрини химоя қилиши; хийла билан Фарходнинг қўлга олиниши; Хусрав-Фарход диалоги; Хусрав Фарходни тошбўрон қилиб ўлдириш хақида фармон бергани; Ширин ва Фарход мактублари; Фарходнинг ўлими; Ширин ва Мехнбонунинг ўлими;

Изоҳ: Дostonнинг сўнгги боби Навоийнинг Х. Бойкаро ўғли *Абдулфаворис Шохғариб Баҳодирхон (шогирди Ғарибий)*га насихатларидан иборат.

3. «*Лайли ва Мажнун*» - ишқий-романтик, тасаввуфий асар, 36 боб, 3622 байт; *Хай* ва *Бади Омар қабиласидан чиққан Қайс (Мажнун)* ва *Лайли (исмининг маъноси туп)* нинг фожиали муҳаббати хақида; воқеалар эрта баҳорда бошланиб, кузнинг хазопли чоғларида яқун топади;

4. «*Сабъан сайёр*» - Баҳром ва Дилором қиссаси, 37 боб, 5008 байт; Баҳром Дилоромдан айрилгач, етти мухташам қасрда, етти кун давомида етти иқлимдан келган мусофирдан *етти хикоя* типглайди (*ранглар, ракамлар, буржлар*):

а) шапба куни, қора қаср, хипдистонлик мусофир, *Аҳий ва Фаррух* хикояси;

б) якшапба куни, зарнигор қаср, румлик мусофир *заргар Зайд Захҳоб* хикояси;

в) душапба, яшил қаср, шаҳрисабзлик мусофир *Саъд* хикояси;

г) сешапба, гулнорий қаср, тўртинчи иқлимдан келган мусофир *Жўпа ва Маъсуд* хикояси;

д) чоршапба, мовий қаср, бешинчи иқлимдан келган мусофир *Мехр ва Сухайл* хикояси;

е) пайшапба куни, сапдалиий қаср, олтинчи иқлимдан келган *Муқбил ва Мудбир* хикояси;

ё) жума куни, хоразмлик мусофир; *Дилором* хикояси; Баҳром яна айшга, маишатга берилади ва ов пайтида уларни ер ютади.

5. «Садди Искандарий» - 89 боб, 7215 байт; якка қахрамон, кучкиниш ва кун ботиш ҳукмдори Искандар Зулқарнайнинг саргузашти берилади; Файлакус Искандарни гўдаклигида таниб олган Искандар тахтга келгач, Дорога хирож тўламай қўяди; Доро ушғи тўп, чавгон, тарик жўпатади; хар иккови бу рамзи турлича туршунган; Навоий уларнинг рақиблигини икки какликнинг уришига ўхшатади; Искандар ер юзини босиб олади, Қирвонда яъжужмаъжужларнинг йўлини тўсиб, девор қурдирган.

Изоҳ: «Сабъаи сайёр»да Баҳром Навоий тушига кириб Х. Бойқарода ташвишда экапини айтса, «Садди Искандарий»да Доро амалдорларининг хиёнатини Абусаид мирзога Хоразм юришида қилинган хиёнат билан таққослайди.

* * *

Шарҳи ҳол
(автобиографик)
асарлар

Навоийнинг «Кимсани дард ахл деб...», «Дўстлар, маҳрам деб» газаллари; «Вакфия» (Хайрли ишлар

нинг сарф-харажатлари ҳақида), «Маҳбуб ул-қулуб»нинг кириш қисми; **Бобур** («Толе йўкки...» «Беқайдмену...» «Чархнинг мен қўрмаган...», «Фурбатда ул ой ҳажри» каби ўнлаб рубоий ва газаллари; **Турдининг** «Турдимаи» муҳаммаси; **Мужрим Обидининг** «Арзи аҳвол» маснавийси; **Дилшоди Барнонинг** «Таржимаи ҳол» асари; **Нодиранинг** «Қилмаиғиз зинҳор изҳор эҳтиёж», «Васл уйи обод қилдим...», «Фигоқким...» газаллари; **Маҳмурнинг** «Кечалар ётгани на қўшим бор» маснавийси; **Муқимийнинг** «Подшо йўқлатсалар, погоҳ...» газали; **Фурқатнинг** «Сабоға хитоб» маснавийси, «Адашганмаи» шеъри, «Саргузаштнома» насрий асари ва б.

* * *

Ёднома
(мемуар)лар

Бобурнинг «**Бобурнома**» тарихий мемуари; Навоийнинг «**Ҳамсат ул мутаҳаййирин**» (Жомийга), «**Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад**», «**Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер**» мемуарлари; С. Айнийнинг «**Эсдаликлар**» асари; А. Қаҳҳорнинг «**Ўтмишдан эртақлар**», Ойбекнинг «**Болалик**» ва Ғ. Ғуломнинг «**Шум бола**» қиссалари бадий мемуар (ҳақиқат ва бадий тўқима) ҳисобланади; Э.Воҳидовнинг «**Нидо**», «**Қуёш маскани**», «**Оқсоқол**» асарларида болалик хотиралари жамланган; О. Ёқубовнинг «**Эр бошига иш тушса**», «**Оқ қушлар, оппон**

қушлар» романларида ҳам адибнинг болалигидан хотиралар тилга олинади.

* * *

Девонлар 1. Алишер Навоийнинг 8 та девони бўлган ва бундан 7 тасини ўзи тузган:

а) «*Илк девон*» - мухлислари тузган, Султон Али Машҳадий кўчирган;

б) Дастлабки девонлари: «*Бадоеъ ул-бидоя*», «*Наводир уш-шўҳа*»;

в) «*Хазойин ул-маоний*» - тўрт девон («*Чор девон*»)ни ўз ичига олиб, умр фаслларига монанд тузилган: «*Фаройиб ус-сиғар*» (*Баҳор*: 7-8 ёшдан 20 ёш), «*Наводир уш-шабоб*» (*Ёз*: 20-35 ёш), «*Бадоеъ ул-васат*» (*Куз*: 35-45 ёш), «*Фавойид ул-кибар*» (*Қиш*: 45-60 ёш); «*Чор девон*» дан 16 жанрдаги (2600 ғазал, 52 муаммо, 86 фард, 10 луғз, 13 туюк ва б.) шеърлар жой олган;

г) «*Девони Фопий*»да форс-тожик тилида ёзган 600 га яқин ғазаллари ва бошқа жанрлардаги шеърлари мавжуд.

2. Бобурнинг *Қобул ва Ҳиндистон* девони бўлган, Қобул девони йўқолган, етиб келган шеърларининг умумий сони 400 дан ортиқ: 119 ғазал, 231 рубоий, туюк, маснавий, фардлар).

3. Мунис «*Девони Мунис*» ва «*Мунис ул-ушшук*» (бу девон Навоийнинг «*Чор девони*» билан тенглаштирилади).

4. Огаҳий «*Таъвиз ул-ошиқин*»: 19 хил жанрдаги 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 80 рубоий, 20 тарих, 19 қасида, 5 мусаллаҳ ва б. лар киритилган; «*Дебоча*»си ҳасби ҳол мазмунида.

5. «*Девони Муқимий*» 1907 йилда Н. Остроумов томонидан нашр қилинган.

6. Э. Воҳидовнинг «*Ёшлик девони*», унинг дебочаси («*Истадим сайр айламокни...*» ғазали)да «*вульгар социологизм*» назариясига қарши муносабат билдирган.

* * *

**Зуллисонайн
(икки тил)да
иждо қилганлар**

Навоий: «*Девони Фопий*», «*Муфрэдот*»; *Бобур*: айрим шеърлари; *Огаҳий*: «*Ашъори форсий*» (1300 мисра); *Сўфи Оллоёр*: «*Маслак ул-муттақин*», «*Мурод ул-ориқин*»; *Нодира*: форсий девони; *Ҳамза*: форсий ғазаллари; *Фитрат*: «*Сайҳа*» (1912) шеърини тўплами.

Изоҳ: Алмаий уч тил (ўзбек, форс-тожик, араб) тилида баравар ижод қилган; ўтмиш шоирларнинг деярли барчаси зуллисонин бўлган.

* * *

XX АСР АДАБИЁТИ

Жадид адабиёти

1. XIX аср охирида крим-татар алломаси *И.Фасири* таъсирида Ўрта Осиёда жадидчилик ёйида бошлади.

2. 1905-1917 йиллар ижтимоий ҳаётида жадидчилик ҳаракати алоҳида ўрин тутди.

3. Мунаввар қори «*Чор ҳукуматини йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди*», деб ёзди.

4. Ҳамза, Шуқурий жадид мактабларини очди; Бехбудий, Ҳамза, Авлонийлар жадид мактаблари учун дарсликлар ёздилар («*Аҳоли жуғрофиясига кириш*», «*Қироат китоби*», «*Муаллими аввал*», «*Муаллими соний*» каби).

5. Жадидларнинг илк газетаси «*Тараққий*» (муҳаррири *И.Обидий*) 1906-1907 йилларда деярли бир ярим йил чиқиб турди.

6. Мунаввар қори чиқарган «*Хуршид*» газетаси (1906) миллатни уйғотиш йўлидаги ҳаракати учун икки ойдаёқ ёниб кўйилди.

7. Миллий уйғониш, ўзликни англаш ғояларини ёйишда «*Садойи Туркистон*» (1914-1915) газетаси катта ишларни амалга оширди.

8. А. Авлоний ўзи нашр эттирган «*Шухрат*» (1907) газетаси фаолиятини «*бир ёқдан миллий ислоҳат учун мафкура хозирлағон, иккинчи ёқдан эл орасида ўзгариш тухумини сочғон*», деб баҳолади.

9. Фитрат «*Иттифок этайлук*» мақоласида (1917) «*Кўлли кўлга берайлик...*» дея мурожаат билан чиқди.

10. Бу давр адабиёти тарихга миллий уйғонини даври адабиёти бўлиб кирди.

11. Бехбудий 3 пардали «*Падарқуш*» асари билан ўзбек драматургиясини бошлаб берди.

12. Жадидчилик гоялари А. Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак» пьесаларида, Чўлпоннинг «Доктор Муҳаммадёр», М. Шермухаммедовнинг «Бефарзанд Очилдинбой», Ҳамзапинг «Янги саодат», А. Қодирийнинг «Жувонбоз» пасрий асарларида акс этди; А. Қодирий «Падаркуш» таъсирида «Бахтсиз куёв» пьесасини ёзди.

13. «Ойна», «Самарқанд», «Ал-Ислоҳ» журналлари чиқа бошлади; «Ал-Ислоҳ» журнали Ҳамзанинг «Янги саодат» асарини юқори баҳолади.

14. 1916 йилги мардикорлик воқеалари Ҳамзанинг «Салом айтинг», «Соғиниб», Шавкатнинг «Рабочийлар», «Сизларга муждам» шеърлари, М. Иброҳимов тузган «Лошмон» тўплами, Пўлкан шоирнинг «Мардикор» достонида акс этди.

15. Авлоний «Миллатга хитоб» шеърида «Кўзингни оч, эй миллат», деб халққа хитоб этди.

16. Аваз Ўтар «Хуррият» шеърида «тезда бўлғуси хуррият кунни», деб умид билдирди.

17. Ҳамза «Рамазон» шеърида «Ўйлама, ўлгунча ҳар ким бу разолатда кетар» деган фикрни илгари сурди.

18. Шавкат «Мочалов деган лаънати бор эди», деб чор полицияси тўраларини танқид қилди.

19. Октябр тўнтариши (1917) адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

20. Ҳамза «Инқилоб куйчиси» помини олди.

21. Чўлпон «Кўқон мухторияти» мадҳиясини ёзди.

22. Фитрат ташкил қилган «Чигатой гурунги» ташкилоти тил, адабиёт, санъат масалалари билан махсус шуғулланди.

* * *

Кейинги давр адабиёти

1. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романи билан ўзбек романчилигига асос солди.

2. 20-йилларда турк шоири Нозим Ҳикмат таъсирида сарбаст (эркин шеър) оммалашди.

3. 20-йиллар иккинчи ярмида «Хужум» ҳаракати пайдо бўлди ва Ҳамза «Ўзбек хотин-қизларига» газалини (1927) ёзди.

4. 20-йилларда адиблар инқилобий ёзувчилар (Х. Олимжон, С. Абдулла, Ойдин), пролетар ёзувчилар (Ғ. Фулом, Ғ. Зафарий), йўловчи ёзувчилар (Қодирий, Элбек, Ойбек), ҳажвий оқим намо-

япдалари (Ф. Фулом, Сўфизода, Р. Мажидий, Қодирий) га бўлинди.

5. 20-йиллар охирида Миртемир адабиётга сочма жаҳри олиб кирди.

6. Ф. Зафарий аёлларнинг эрки масаласига оид «Халима» драмасини ёзди.

7. Чўлпон фольклор мотивлари асосида «Ёркиной» драмасини битди.

8. Фитрат, Чўлпон, Боту, Элбек, Қодирий истиклол адабиётига асос солди (Фитрат «Миррих юлдузига», Чўлпон «Бузилган ўлкага»).

9. 30-йиллар Х. Олимжон, Уйғун, Миртемир, А. Умарий, У. Носир, Шайхзода, Зулфия каби шўврларни етказиб берди.

10. 30-йиллар адабиётида пайдо бўлган «Кўкан», «Туркстоп йўлларида» (Ф. Фулом), «Жонтемир» (Уйғун), «Зайнаб ва Омон» (Х. Олимжон) дostonларида ўтмишга қора чапланиб, шўро тузуми улугланди.

11. 30-йилларнинг иккинчи ярмида зиёлилар ялли қатагон қилинди (Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Элбек, У. Носир).

12. Уруш даври (1941-1945) асарларида сафарбарлик, ватап-парварлик, миллий-озодлик, меҳр-муҳаббат ғоялари етакчи бўлди: Ф. Фуломнинг «Сен етим эмассан», «Соғиниш», Шайхзоданинг «Қураш нечун?», «Капитан Гастелло», Уйғуннинг «Ватан ҳақида қўшиқ», Зулфиянинг «Уни Фарход дер эдилар» каби шеърий асарлари.

13. Ойбекнинг «Маҳмуд Таробий», Х. Олимжоннинг «Муқанна», Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» каби трагедияларида ҳам миллий-озодлик кураши ғоялари етакчи бўлди.

14. 40-йилларнинг охирида бошланган «вульгар социологизм» назарияси ғазалчилик ва адабиётда ишқ-муҳаббатнинг талқин этилишига қарши чиқди ва бу хато назария 60-йилларнинг бошидагина барҳам топди.

15. 50-йиллар аввалида бошланган қатагоннинг иккинчи тўлкини Шайхзода, Миртемир, С. Аҳмад, Шухрат каби ёзувчиларни ўз қомига тортиди; Шухрат «Олтин зангламас» романида қатагоннинг машъум манзарасини ҳалол ўқитувчи Содиқ бошига тушган кулфатлар талқинида умумлаштирди.

16. 60-80-йиллар адабиётида инсон шахсига, унинг рухий оламига қизиқиш кучайди; А.Қаҳҳорнинг «Синчалак», «Даҳшат», «Тобутдан товуш», М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Миртемирнинг «Сурат», П. Қодировнинг «Уч илдиз» (шахсга сифиниш биринчи бўлиб қораланди), «Қора кўзлар», С. Аҳмаднинг «Уфк», «Келинлар кўзғолони», О. Ёқубовнинг «Муқаддас», «Улуғбек хазинаси» каби ўнлаб асарлари пайдо бўлди.

**Адибларнинг
илк асарлари
ва тўпламлари**

Фитратнинг биринчи шеърий тўплами «Сайҳа» 1912 йилда Туркияда форс тилида босилган; **А.Қодирий**нинг илк асари «Янги масжид ва мактаб» хабари «Садойи Туркистон»нинг 1914 йил 1 апрел сонидида босилган; **Чўлпон**нинг илк шеъри «Туркистонлик қардошларимга», илк шеърий тўплами «Булоқлар» (1922); **Миртемир**нинг илк тўплами «Шуълалар қўйнида»; **Уйғун**нинг илк тўплами «Баҳор севинчлари» (1929); **Ҳ. Олимжон**нинг илк тўплами «Кўклам» (1928); **Зулфия**нинг илк тўплами «Хаёт варақлари» (1932); **А. Қаҳҳор**нинг илк асари «Қишлоқ ҳукм остида» (1932) қиссаси; **Ойбек**нинг илк тўплами «Туйғулар» (1926); **У. Носир**нинг илк шеъри «Ҳақиқат қалами»; **Мирмуҳсин**нинг илк тўплами «Вафо»; **С.Зуннунованин**г илк тўплами «Қизингиз ёзди» (Ф.Фулом тавсия қилган); **О. Ёқубов**нинг илк асари «Тенгдошлар» қиссаси (1951); **П. Қодиров**нинг илк асари «Студентлар» ҳикояси; **Э.Воҳидов**нинг илк шеъри 7-синфда ўқиётган пайтида «Муштум» журналида босилган; илк тўплами «Тонг нафаси»; **А. Орипов**нинг илк тўплами «Митти юлдуз».

* * *

**Тарихий
романлар**

А.Қодирий - «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»; **Чўлпон** - «Кеча ва кундуз» (диалогия); **С.Айний** - «Куллар» (эпопея); **Ойбек** - «Навойий»; **О. Ёқубов** - «Улуғбек хазинаси», «Кўхна дунё»; **П. Қодиров** - «Юлдузли туллар», «Авлодлар довони»; **Мирмуҳсин** - «Меъмор», «Хўжанд қалъаси» («Темур Малик»).

* * *

**Педагогик
асарлар**

1. Муниснинг «Саводи таълим» асари назмда битилган илмий-маърифий рисоладир.
2. Анбар Отиннинг «Алифбо» асари ҳам назм (маснавий)да битилган бўлиб, асосан, панднома байтлардан ташкил топган.

3. Бехбудий «Қисқача умумий жугрофия», «Болалар учун китоб», «Аҳоли жугрофияси» каби дарсликлар яратди.

4. Ҳамзанинг «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» дарслик-қўлланмаларига кирган шеърлар бевосита маърифий масалалардан баҳс этган.

5. А.Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» дарслик ва қўлланмалари бу соҳанинг гўзал намуналаридан ҳисобланади.

* * *

Ҳозирги адабий жараён

Шеърят: Э.Воҳидов, А.Орипов, М.Юсуф, Ш.Раҳмон, Р.Парфи, М.Али, У.Азим, Х.Даврон, Х.Худойбердиева шеърлари.

Достончилик: Э.Воҳидов - «Нидо», «Оқсоқол», «Рухлар исёни», А.Орипов - «Ранжком», «Жаннатга йўл», М. Юсуф - «Қора қуёш», У. Азим - «Оқпадар», А. Қутбиддин - «Изоҳсиз дугат», Э. Шукур - «Ибтидо хатоси» ва бошқалар.

Ҳикоячилик: А. Мухторнинг «Чодирхаёл», Х. Султоповнинг «Фуломгардиш», Х. Дўстмуҳаммаднинг «Жажман», О. Отахоновнинг «Учинчи каватдаги сарик дераза», Н.Эшонқуловнинг «Қуюн», «Хароба шаҳар сурати», «Маймун етаклаган одам» ҳикоялари.

Қиссачилик: Э. Аъзамов - «Жавоб», М. М. Дўст - «Истеъфо», Т. Мурод - «Ойдинда юрган одамлар», «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишагап оқшомда» ва бошқалар.

Романчилик: О. Ёкубовнинг «Оқ қушлар, ошпоқ қушлар», «Адолат манзили», Ў. Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» «Икки эшик ораси», С. Аҳмаднинг «Жимжитлик», Н.Қобулнинг «Унутилган сохиллар» асарлари.

Драматургия: А.Иброҳимов - «Пуч», Шукрулло - «Унсиз фарёд», Х.Фулом - «Бир миллион фожиаси», Т. Тўла - «Нодирабегим», Ш.Ризаев - «Исқақдар» ва бошқалар.

Мўъжаз талқинлар

«Кутадгу билиг»
(Ю. Х. Ҳожиб)

Бу ахлоқий-таълимий дoston Қутуғди (Адолат) Ойтуғди (Давлат),

Ўғдўлмиш (Ақл, энг фаол қаҳрамон) ва **Ўзғурмиш** (Сабр, хушёр қилувчи) пинг дунё ходисалари ҳақидаги суҳбатларидан иборат; асарда асосан давлатни бошқариш, билимли бўлиш, турли тоифа кишилари ҳақида сўз юритилади.

«Ҳибат ул-ҳақойиқ» (Адиб Аҳмад) Бу *мавъиза* (дидактик) асарда билимнинг фойдаси, жоҳилликнинг зарари, тўғри сўзлик, тилни тийиш одоби каби кўплаб ахлоқий масалалар борасида фикр юритилади.

Ҳикматлар (Аҳмад Яссавий) Уларда илохий ишқ, Оллоҳнинг борлиги ва бирлиги борасида сўз бориб, *нафс, подонлик* ва жоҳилликнинг зарари уқтирилади.

«Қиссас ул-анбиё» (Рабғузий) 1310 йилда ёзилган мазкур асарга пайғамбарлар ҳаётидан 72 та қисса жамланган; унда олам ва одамнинг яратилиши, қалдирғочнинг инсонга дўстлиги, Нух кемасида пайдо бўлган *мушук, сичқоқ, қўнғиз*; шайтоннинг узум дарахти остига *тулки, шер, тўпғиз* қонини қуйгани, Намруднинг эътиқодсизлиги ва манманлиги, *Билқийс*нинг отаси Аҳмад *подшо*, опаси жин бўлгани, *Сабо маликаси* эканини, *Рафиъ* ва *Табъни* Сулаймон хузурига юборгани, *қаринчка* ўз донолиги билан Сулаймонни лол қилгани ҳақидаги ва бошқа хикоялар мавжуд.

Навоий лирикаси Ишқи мажоз ва ишқи илохий мавзуидаги лирика бўлиб, «*Жонга чун дерман...*» ғазали мусалсалдир; ғазаллардаги шохбайтлар мустақил асар сифатида кўринади, айрим шеърларида ҳақиқат тилсимларидан огоҳлик истаган одам *фикҳ, ҳадис, тафсир* илмларини ўзлаштирган бўлиши зарурлиги ва бошқа масалаларда сўз юритган.

«Маҳбуб ул-қулуб» (Навоий) Бу сўнгги асари сажда ёзилган, 3 қисмдан иборат, мақол ва хикматли сўзларга бой насрий асар.

«Шайбонинома» (М.Солиҳ) Маснавийда темурийлар танқид қилиниб, Шайбонийхон илохийлаштирилади; у «*сурати шоху сийрати дарвеш*» ҳукмдор даражасига кўтарилиб, Ҳазрати Довудга тенглаштирилади.

**«Бобурнома»
(Бобур)**

Асарда тарихий шахс (Темур, Улугбек, Хусайн Бойқаро, Навоий ва бошқалар), жойлар (Самарқанд, Қарши ва бошқалар), тарихий воқеалар ҳақида реал маълумотлар берилади.

«Қиссаи Машраб»

Мапоқиблардан бири бўлган бобур асарда қаландар шоир Машрабнинг ҳаёт йўли, *Бозор охундан* олган илк сабоқлари, *Хазрати Офоқ хўжам* хузурларига «*Агар ошиқлигим айтсам...*» газалини куйлаб боргани, дарбадарлик даврида Бухорога бориб, «*Мушкоти Шариф*»дан сабоқ олгани, *Қабалиёнда Сўфи Оллоёр* билан учрашгани, мўъжизалар кўрсатгани, *Балҳда Маҳмуд Қатағон* томонидан дорга осилиши ва бошқа воқеалар ҳикоя қилинади.

**«Роҳати дил»
(Хувайдо)**

Бу мавъиза маснавийдаги «*Баёти ғаддорийн дунё*» ҳикоясида нафс балосига берилган уч ака-ука меҳнатсиз топиб олишган олтин туфайли бир-бировини ўлдириб қўядилар.

**«Устозлар эътирофи»
(Мунис)**

Бу газал 11 байт бўлиб, *Низомий, Жомий, Амир Хусрав, Хўжа Хофиз, Фирдавсий, Навоий, Апварий* каби 13 шоир номи эътиром билан тилга олиниб, талмех қилинади.

**«Танобчилар»
(Муқимий)**

Бу ҳажвияда *Султон Алихўжа ва Ҳакимжон* каби порахўр танобчилар қилмиши танқид қилинади, таажжуб ҳангомалар қаламга олинади.

**«Саёҳатнома»
(Муқимий)**

Ражази мураббаи солимининг мураббаъ шаклида ёзилган бу 3 қисмли асарда XIX аср II ярмида Фарғона водийси кишлоқларида яшаган одамлар ҳаётининг реал манзаралари лирик ва ҳажвий йўсинда самимий ифодаланган.

«Сайдинг қўя бер, сайёд» (Фурқат)

Бу мусаддасда *сайёд, сайд ва оху* мажозлари орқали эркисизлик қораланади.

**«Саргузаштнома»
(Фурқат)**

«*Хўқандлик Зокиржон Фурқатнинг ахволоти, ўзи ёзгани*» сарлавҳаси билан босилган бу таржимаи ҳолда адиб саккиз ёшида «*Маптиқ ут-тайр*»ни ўқигани, тушида *Аттор, Хусрав, Навоийни* кўргани, Сўфи Оллоёрнинг «*Маслак ул-муттақин*» асарини мутолаа қилгани,

Тошкентда *босмахопа*, театр билан танишгани ва бошқалар хақида хикоя қилади.

«Падаркуш»
(Бехбудий) Пьесада жоҳиллик қораланади, *Тошму-роднинг* билимсизлиги туфайли *Бой Тангри-қул* томонидан ўлдирилади.

«Баёни ҳақиқат»
(Бехбудий) Мақолада «*Ҳақ олинур, берилмас*» деяро экан, Бехбудий кишиларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга, мустамлакачилардан қутилишга даъват этади.

«Заҳарли ҳаёт»
(Ҳамза) 4 пардали бу пьесада *Марямхоним* ва *Маҳмудхон* жаҳолат, илмсизлик қурбонларига айланадилар.

«Янги саодат»
(Ҳамза) «*Ал-Ислох*» журнали юксак баҳолаган бу асарда *Олимжон* илм олиб, таназзулга юз тутган оилани саодатга эриштиради, отаси Абдуқаҳхорни (бой бўлган) қайтаради, бу жихатдан Чўлпоннинг *дўхтир Мухаммадиёри* билан қариндош образ ҳисобланади.

«Йигла, Туркистон», «Туркистон», «Дардига дармон истамас», «Ўзбек хотин-қизларига»
(Ҳамза) Мазкур шеърларда чоризм зулми остида эзилган, жаҳолат ва бидъат ботқоғига ботган Туркистон халқлари қисматига қайғуриш ғоялари акс этган бўлиб, булар Ҳамзанинг «Миллий шеърлар» номи остида 8 та «Гул» тўпламидан жой олган.

«Ёпишмаган гажаклар»
(Фитрат) Ўртоқ *Бойбўлатовга* очиқ хат шаклида эзилган бу мақолада ўзига тухмат тошини отганларни «*нон орасидан кир изламак*» деб баҳолайди, ўзини, «*Чигатой гурунги*» ташкилотини химоялашга уринади.

«Абулфайзхон»
(Фитрат) Бу тарихий фожеада *Абулфайзхон* (XVIII аср Бухоро хони)нинг манфурликлари, Ҳакимбий, Раҳимбийларнинг сотқинликлари, кишиларнинг, хусусан қизини хонга бермагани учун Фарход оталиқнинг ҳам бошига етгани, бошқа тарихий воқеалар хикоя қилинади.

«Улоқда»
(А. Қодирий) Мазкур реалистик хикояда, Ойбек ёзганидек, *воиз ўрнини сапъаткор эгаллайди*,

улоқ воқеаси бола тилидан санъаткорона ҳикояланади.

«Жинлар базми»
(А. Қодирий)

XX аср ўзбек адабиётидаги ғаройиб санъат гузашт-реалистик ҳикоянинг биринчи ва баркамол намунаси бўлган бу ҳикояда бир воқеа ота ва бола нигоҳи, тили орқали берилади, жинлар орасига тушиб қолган ота ҳикоясидаги кайфият кўрпа орасида эшитиб ётган болани кўрқуви билан уйғунлашиб кетган.

«Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан»
(А. Қодирий)

«*ро*» ҳақида ва бошқа воқеалар ҳажв йўлида берилади.

«Тошпўлат тажанг нима дейди»
(А. Қодирий)

Киссада бир умр меҳнат қилса ҳам «*нон ўрпига кесак тишлаб*» бири иккинчиси бўлмаган, тарбия кўрмаган, тажанг кишининг қиёфаси тавдалантирилган.

«Ўтган кунлар»
(А. Қодирий)

Романда *Отабек ва Қумушнинг* поизи киза муҳаббати, *Ҳомиднинг* манфурлиги кичиклар қирғини, *Юсуфбек* ҳожининг доно фикрлари, *Қутиборнинг* босиқ қиёфаси, *Уста Алим ва Саодатнинг* фожеали севгилиси, *Хушрўйнинг* макрлари, *Зайнабнинг* рўёбга чиқмаган муҳаббати ҳикоя қилинган.

«Кеча ва кундуз»
(Чўлпон)

Романда мустамлака тузуми қораланади, асар марказида турган *Мирёқуб ва Зеби*нинг тишини оқини кўрсатмайдиган *Раззоқ сўфи* ва бузук, арокхўр *Ақбарали* мингбоши қабилар ҳаёти, *Ноиб тўра*, *Зулҳун*, *Обрезқора* каби бир оиланинг таназзулига сабаб бўлиб, *Раззоқ сўфи* томонида сўйиб ташланган *Эшон* қабилар тасвири берилган.

«Бинафша», «Гўзал», «Бузилган ўлкага»
(Чўлпон)

Дастлабки икки шеърда гўзаллик олдида лол қолган инсон руҳиятидаги нўртаналар кўрсатилган; Бинафша тимсолида инсон қисмати, ой, қуёш, юлдуз, шамол тимсолида ошиқ қисмати берилган; Кейинги шеърда аччиқ ҳаёт ҳақиқати рамзлар асосида тасвирланади.

«Қутлуғ қон»
(Ойбек)

Романда XX аср бошидаги ҳаёт, миллий оғриқдаги ўзгаришлар, *Йўлчи ва Гулшор* му-

қаббати, *Мирзакаримбой, Ёрмат, сўнги жалид Абдушукурлар* ҳаёти тасвирланган; асарга қозоқ қизи қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи «*Бахтигул ва Соғиидик*», шунингдек «Ўч» достони «хамиртуриш» бўлган; романнинг иккинчи китоби «*Улуғ йўл*» 1917-1922 йил воқеаларини қамраб олган.

«**Менинг ўғригина
болам**» (1961)
(Ф. Фулом)

1917 йил воқеалари, халқ ҳаёти манзаралари тасвирланган бу ҳикояда Руқия кампир, ўғри бола образлари бўлиб, кампир билан ўғри орасидаги гаройиб мулоқот ва самимият ўша давр ҳолатини, миллий руҳни аниқ кўрсатиб туради.

«**Шум бола**»
(Ф. Фулом)

Мазкур автобиографик асар қахрамони Шум бола саргузаштларида аср бошидаги ҳаёт юмористик тарзда тасвирланган, *Сарибой, Хожи бобо, Султон ўғри* каби ёрқин образлар яратилган.

«**Ўғри», «Бемор»,
«Дахшат»**
(А. Қаҳҳор)

Мазкур ҳикояларнинг бирида *Қобил бобони* талаган амалдорларнинг манфур қиёфаси кўрсатилса, иккинчисида *Сотиболди* каби кашшоқ, қўли калта кишининг оғир ҳаёти кўрсатилган, «Дахшат»да *Унсун* ўз эрки учун қабристонда чой қайнатишга мажбур бўлади, *Ганжиравон* йўлида жони узилади.

«**Минг бир жон»,
«Асрор бобо»**
(А. Қаҳҳор)

Ҳикояда *Мирраҳимов* таъбири билан айтганда, жони мингта бўлган бемор *Мастура*нинг сабр-тоқати, ҳаётга муҳаббати кўрсатилган; иккинчисида қочоқ юрган кунларидан ёдгор ўғлидан айрилган чол ва унинг кампирининг фидойилиги, бир-бирини суяши, халқпарварлиги берилган.

«**Синчалак»**
(А. Қаҳҳор)

Қиссада курашчан *Саида* билан тегирмонни бузишга-да қодир тошқин сув деб таърифланган раис *Қаландаров* ўртасидаги зиддият тасвирланган.

«**Зайнаб ва Омон**»
(Ҳ. Олимжон)

Достонда янгилик ва эскилик ўртасидаги зиддият, янги авлоднинг меҳнати, курашчанлик *Зайнаб, Омон, Собир, Анор хола* образларида умумлаштирилади.

«Ўғлим, сира бўлмайти
уруш»
(Зулфия)

Шеърда шоиранинг тинчлик ва уруш муаммоларига доир қарашлари умумлаштирилган.

«Сен қайдасан, юрагим», «Не
балога этдинг мубтало», «Сен-
сиз», «Ойдинда», «Кўрганмидинг
кўзларимда ёш», «Баҳор келди
сени сўроқлаб», «Тун»
(Зулфия)

га қўйилган буюк хайкал сифатида қабул қилиш керак.

«Мен туғилган тупроқ»,
«Онагинам», «Тошбу», «Балиқ .
ови», «Булут», «Тўрғай»,
(Миртемир)

Мазкур шеърларнинг кўпида шоиранинг қалб тугёнлари, ҳижрон туйғуларининг бадий талқини берилган. Шоира қалбидаги эврилишларни дардчил тасвирлайди; Х.Олимжон хотирасига

юрт табиатининг улугворлиги кўрсатилади.

«Сурат»
(Миртемир)

Мазкур лирик достонда уруш ва инсон тақдири масаласи *Тошлон ва бевафо гўзал Ойсулув* образларида кўрсатилган.

«Рух билан
сухбат»
(С. Зуннуова)

Асарда уруш туфайли эридан ажралган ёлғиз аёл ўғлининг тўйи кечаси ёрининг сурати билан хаёлан сухбатлашгани, бунда туйган кечинмалари кўрсатилган.

«Уфқ»
(С.Аҳмад)

Трилогияда ўзбек халқининг уруш йилларидаги ҳаёти машаққатлари, бош қахрамон *Икромжон*, унинг қочоқ ўғли *Турсунбой*, Фарғона канали қурилишида қатнашган *Азизхон*, шунингдек, *Низом*, *Аъзам*, *Зеби*, *Жаннат хола*, *Иноят оқсокол образлари*, *Ғ. Ғулом*, *Тамарахоним*, *У. Юсулов* тарихий тимсолларида умумлаштирилган.

«Меъмор»
(Мирмуҳсин)

Бу тарихий романда меъмор *Нажмиддин Бухорий* темурийлардан жабр кўриб, юртини ташлаб кетишга мажбур бўлади.

«Мирзо Улуғбек»
(Шайхзода)

Ғожиада *Улуғбек* ҳаётининг охири кунлари, унинг сарбадорларнинг сўнги вакили *Пири Зиндоний (Хасан оҳангир)* билан мубоҳасаси, *Амир*

Темур арвоҳининг Улугбекка маломатлари, падаркуш ўгли буйруғи билан ўлдирилиши воқеалари тасвирланган.

«Нил ва Рим»
(Усмон Носир) Бу шеър эрк ҳақида мадҳия бўлиб, *Рамзес, Цезарь, Клеопатра* номлари талмех қилинган, Рим ва ундаги талатўнлар жинни театрга ўхшатишган.

«Музқаймоқ»
(О.Ёқубов) Хикояда ёлгон эътиқод туфайли бола руҳиятида рўй берган маънавий эврилишлар акс эттирилган бўлиб, унда отанинг сталинча қатағон қурбони бўлгани «Эр бошига иш тушса», «Оққушлар, ошпоқ қушлар» романидаги шунга ўхшаш автобиографик лавҳалар билан боғланиб кетади.

«Муқаддас»
(О.Ёқубов) Ёзувчини элга таъинланган бу қиссада *Шарифжон ва Муқаддаснинг* орзу-умидлари, ҳаёт синовлари олдидаги ўй-мушоҳадалари берилади.

«Улугбек хазинаси»
(О. Ёқубов) Романда Улугбек ҳаётининг сўнгги кунлари, *падаркуш Абдуллатифнинг* руҳий қийналишлари, *Али Қушчи, Мирам Чалабий, Хуршида* бопу каби маърифат фидойиларининг курашлари, *Мавлопо Мухиддин* хиёнати ва бошқа воқеалар берилган.

«Жон ширин»
(П. Қодиров) Хикояда пахтага кимёвий дориларни ишлатиш бир фожиа сифатида қораланади.

«Уч илдиш»
(П. Қодиров) Адибнинг бу илк романида шахсга сиғишиш иллати биринчи бўлиб қораланади, *Маҳкам ва Гавҳарнинг* покиза туйғулари улуғланади, олийгоҳдаги олимларнинг қинғир ишлар тасвирланади.

«Юлдузли тунлар»
(П. Қодиров) Романда Бобурнинг ҳаёти изчил тарихий воқелик фоида кўрсатилади, Бобур шох ва шоир сифатидагина эмас, оддий инсон тарзида ҳам гавдаланади; *Шайбоний, Исмоил Сафавий, Ҳадичабегим, Зухрабегим, Тохир, Робия, Моҳимбегим, Ойшабегим, Хонзодабегим, Мулла Фазлиддин, Малика Байда, Хипдубек, Аҳмад Тапбаллар* билан муносабатда ундаги кучли ва ожиз томонлар намойиш бўлади.

«Низомнинг тантилиги»
(П.Қодиров) «Авлодлар довои» («Хумоюн ва Акбар») романидан олинган бу парчада чин

инсоний фазилатлар Низомнинг сувга чўкаётган Хумоюннинг кутқаришида, Хамидабегимга Низом ҳам, Хумоюн ҳам бирдек кўнгил қўйганлиги, Шерхон ва Хумоюн зиддиятлари хикоя қилинади.

**«Инсон», «Сирдарё ўлани»,
«Арслон ўргатувчи», «Ўзбек-
гим» (Э. Воҳидов)**

Бу шеърларда шоир инсон ва
замин муаммоларини кўтариб,
инсон қалбининг поэтик

тадқиқотчиси сифатида кўринади.

**«Рухлар исёни»
(Э. Воҳидов)**

Достонда бенгал шоири *Назрул*
Исломининг ҳаёти ва кураши, шеър ва
шоирлик масъулияти, ривоят ва реалистика чуқур тасвирланган.
«Абадият ҳақида ривоят», «Жохиллик ҳақида ривоят»лар берил-
ган.

«Нидо» (Э. Воҳидов) Достонда инсоният бошига тушган энг улкан
фалокат - Иккинчи жаҳон уруши келтирган бало-
ларнинг ўсмир тақдирида қолдирган жароҳатлари ғоят таъсирчан,
даъваткор сатрларда хикоя қилинган.

**«Ранжком», «Фожиа», «Жавоб»,
«Илғор ишчи» ва чаққон мухбир
қиссаси», «Генетика», «Минг йил-
дирки...» (А. Орипов)**

Мазкур шеър ва дост-
тонларда истиклолга таш-
налик, *Шўро* тузумининг
ярим умри лоф билан ўтга-
ни, тил муаммолари ва бошқа муҳим масалалар каламга олинган.

**«Жаннатга йўл»
(А. Орипов)**

Бу драматик достонда тошқин пайтида
чўкаётган кизалокни кутқариб, ўзи халок
бўлган *Йигитнинг* нариги дунёдаги саргузаштлари, *Дўст*, *Ота-
онаси*, етти марта ҳажга бориб, жаннатга кира олмаган *Чол*, лирик
қахрамон *Садо* тимсолларида инсон рухий олами тадқиқ
қилинади.

**«Дунёнинг ишлари»
(Ў. Ҳошимов)**

Қисса муаллифнинг ўз онаси ҳақидаги
хотира-хикоялардан иборат бўлиб, ундаги
«Гилам пайпоқ», «Ўрис боланинг онаси» ва
бошқа кўплаб хикояларда ўзбекона самимият, оналардаги меҳр-
мурувват ғоят жозибадор тасвирланган.

«Урушнинг сўнги қурбони»
(Ў.Ҳошимов)

Хикояда Шоикром, Умри хола, Ҳади-ча образлари берилган бўлиб, урушнинг сўнги кунлари ҳаққоний тасвирланиб, Шоикромнинг «ихтироси» Умри холанинг ўлимига сабаб бўлгани уруш билан боғланади.

«Лолазор»
(М.М.Дўст)

Роман Назар Яхшибоевнинг ўйлари, ҳалол ёзувчи Саидкул Мардон кундаликлари шаклида ёзилган; унда «оламни булдурукка бостириш»ни хом ҳаёл қилиб юрган саводсиз Хотам Шўро, Қурбонойнинг оддий пистафурушлиқдан мамлакатга донғи кетган машъалга айлантирилиши каби турғунлик даври иллатлари қаламга олинган.

«Юлдузлар мангу ёнади»
(Т.Мурод)

Қиссада ҳалоллик, таптилик, мардлик каби ўзбекона хусусиятлар, урф-одатлар Бўри полвоп образида умумлаштирилган. Шукур, Тиловберди, Темир сингари тимсолларда эзгу одатларнинг авлодлар турмуши ва руҳиятидаги ифодаси берилган.

«Ўзбеклар»
(Ш.Холмирзаев)

Хикояда ўзбекона хокисорлик фазилатлари Ботир чўпон ва унинг аёли тимсолида акс этса, бош қахрамон Эргаш курсдошларининг самимийликни сохталикдан ажрата олмай, ҳалол ва қашшоқ одамларнинг насибасига шерик бўлаётганидан ўкинади.

«Афандининг қирқ бир пашшаси»
(З.Аълам)

Қиссада доно Насриддин ўз замондошларигаги ёлғон, қабоҳат сингари хусусиятларни ҳажв этишда қочиримлар, хатти-харакатлардан ҳам фойдалангани кўрсатилган; Абди ошшоқ тимсолида мард-тапти ўзбек фарзандлари образи умумлаштирилса, жасур, ориятли, тадбиркор кишилар юзлаб кўрқоқ одамлардан афзаллиги уқтирилган.

«Тунги манзара», «Тонг очар кўзларин», «Ой синиғи», «Ҳамал» (Ш.Раҳмон)

Бу шеърларда табиий манзаралар руҳий кайфият билан боғланиб кетади; эрк, мустақиллик йўлидаги жиход Қуръони каримдаги оятга боғлаб ифодаланади; юрт озодлиги йўлида жоп фидо этиш асл фарзандларга хос хусусият эканлиги тасвирланади.

**Конфуций
ҳикматлари**

Қадимги Чин мутафаккирининг «Сухбатлар ва муҳокамалар» китобидаги ҳикматларда одоб-ахлоқ, ота-онага, ўзгаларга ҳурмат ғоялари акс

этган бўлиб, уларнинг ўзбек халқ донишмандлиги билан муштарак томонлари бор.

**«Шоҳ Эдип»
(Софокл)**

Тақдири азалнинг ҳукми, *Эдипнинг*

Сфинкс шартларини бажариши, *отаси Лай*

қотилига айланиши, *Фивага* шоҳ бўлиши, *опаси Иокастага* уйланиши ва бошқа фожиалар тасвирланган.

**«Шоҳнома»
(Фирдавсий)**

Ажам шоҳларининг 4 сулоласи, 50 подшоҳи ҳақидаги бу асарнинг илдизлари чуқур бўлиб, Фирдавсийгача насрда Абул Муайяд Балхий ва

назмда Абу Али Мухаммад, Аббос Марвазий, Дақиқийлар «Шоҳномалар» ижод қилган; Фирдавсий Эроннинг афсонавий ва тарихий шоҳлари, Шогод, Заҳҳок каби ярамаслар қиёфасини маҳорат билан тасвирлаган.

**«Рубоийлар»
(У.Хайём)**

Бир қатор рубоийлари диний тасаввуфий, маърифий ғоялар билан йўғрилган бўлиб, улардаги май тимсоли оллоҳнинг ягоналигини

кўрсатади; бошқа тимсолларни ҳам сўфиёна томондан тушунилса тўғри бўлади.

**Маҳтумқули
(Фироғий)**

«Кўринг», «Бўлма», Дурди шоир би-

лан савол-жавоб шеърларида туркман шои-

рининг бадиий олами намоён бўлган.

Фузулий

XVI аср туркий шеърятнинг бу забар-

даст шоирининг «*Шифойи васл қадрин*», «*Бани жондин ўсондирди*» ғазаллари, «*Лайли ва Мажнун*», «*Ҳафт жом*», «*Анисул қалб*» дostonлари, «*Шикоятнома*» насрий асари фалсафий тераплогии билан эътиборлидир.

**«Сичқон ва қурбақа»
(«Калила ва Димна»)**

Ҳикояда *Сичқоннинг* шумлиги ту-
файли оёғини сичқоннинг оёғига боғлаб

олган *Қурбақанинг* ҳам *Қарғага* ем бўлгани мисолида одамлар но-
жинслар билан дўст бўлмасликка даъват этилади.

**«Ҳамлет»
(У.Шекспир)**

Трагедия адиб ижодининг чўққиси бўлиб,
ҳақиқат ва адолат, ўч ва муҳаббат мавзулари

Хамлет, Клавдий, Хертруда, Офелия тимсолларида берилди асарни Чўлпон таржима қилган.

«Евгений Онегин» (А.С.Пушкин) «Рус хаётипинг комуси» (Белинский) сифатида баҳолаган бу шеъринг романида мухаббат, риё, хиёнат, рашиқ туйғулари Евгений, Ленский, Татьяналарнинг тақдирида акс эттирилган; асарни Ойбек таржима қилган.

«Гулливернинг саёҳатлари» (Жонатан Свифт) Ушбу мажозий романида қаҳрамонлар табиатидаги ижтимоий иллатлар фони этилади; хаёлийлик ва асар қаҳрамонлари табиатидаги реаллик ўртасида номутаносиблик гоёнинг юзага чиқишига туртки берган.

«Қор маликаси» (Х.К.Андерсон) Эртақда эзгу ва ёвуз кучлар ўртасидаги кураш тасвирланиб, дўстлик қудратли куч сифатида улугланади.

«Кичкина шаҳзода» (Экзюпери) Эртақда болалар олами маҳорат билан тасвирланган. Унда абадият ва фонийлик, хаёт, мухаббат, ўлим муаммоси кўтарилган; кичкина шаҳзода тимсоли гоёят хаётбахш тарзда берилган.

«Нақорат» (Умар Сайфиддин) Хикояда ватанпарварлик, миллий гуруҳ туйғулари ёш турк зобити хаёти мисолида берилди; мухаббат ва бурч туйғулари орасидаги тўқнашувда Ватан олдидаги бурч устун келади; булғор кизи Рада ва турк зобити ўртасидаги мухаббат туйғулари тасвирланади.

«Форс тароналари», «Анна Снегина» (С.Есенин) «Форс тароналари»га кирган шеърларда шоир Шарк рухиятини чуқур илғаб оғани кўзга ташланади; Шеърлар ва достонларнинг Эркин Воҳидов томонидан маҳорат билан таржима қилинган.

«Hellados» (Н.Думбадзе) Хикоядаги Янгули ва Жамол образлари орқали ватан ва ватанпарварлик туйғулари ифодланади. Янгули табиатидаги зиддиятлар, унинг ўзини ҳалок этиши воситасида бу гоёлар очилади.

«Рим эртаклари», «Хуришни
эплогмаган кучукча»,
«Қувноқ шеърлар поезди»
(Жанни Родари)

вийлик, ўқувчини эзгуликка муҳаббат руҳида тарбиялаш гоялари
устувор.

«Демократия шунқори»,
«Даҳшатли туш»,
«Минг марта шукур»
(Азиз Несин)

Хикоялардаги муболагадор
кулгули воқеалар, лофу қофлар
замирида муайян ҳақиқат очиб
беради; шахс ва оломон ру-
хиятига хос ожизлик кўрсатиб

беради.

«Оқсоқолнинг кузи»,
«Ошқора қотиллик
қиссаси» (Габриэл
Гарсиа Маркес)

Биринчи асарда *Лотин Америка-*
сини даҳшатга солган ҳоқими мутлак
ҳақида гап борса, иккинчисида олдин-
дан маълум қотиллик, унинг оқибати

Анхела, қотил ака-ука *Педро ва Пабло Викариолар*, ака-ука томо-
нидан сўйиб ташланган *Сантьяго Насар* қисматларида, Анхеланинг
алал-оқибат *Боярдо Сан Роман* билан қайта топишувида кўзга
ташланади.

«Асрга татигулик кун»
(Ч. Айтматов)

Асарда инсоннинг ўзини-ўзи
англаши, ўзлигини таниш муаммо-

лари *Қозонга*ни кўмиш учун борган *Эдигей* ўй-хаёлларида, *Най-*
ман она ва унинг жўнг-жанглар манқуртга айлантириб қўйган ўғли
Жўламон қисматида, *Собитжондек* замонавий манқурт қиёфасида
ва бошқа воқеа ҳамда тимсоллар талқинида кўринади.

«Қиёмат»
(Ч. Айтматов)

Кўп фабулани бу романда эътиқод тим-
соллари *Исо* (пайгамбарнинг Понтий Пилат
хукми билан нобуд бўлиши), *Авдий* (Гришан, Мишаш Шабашник
каби нашаванд қотиллар қўлида ҳалок бўлиши), *Гурам Жўҳадзе*
(грузин ватанпарвари; Сандронинг сотқинлиги боис қизиллар то-
монидан маҳв этилиши); *Бўстон* (Бозорбойнинг ярамаслиги ту-
файли ёлғиз ўғли Кенжашни она бўри Акбара олиб қочиши ва но-
буд бўлиши)ларнинг ўта фожиали қисмати бу ёруғ оламдаги
қисмат деб баҳоланади.

«Она тилим»,
«Шуям эркакми?»
(Р.Ҳамзатов)

Шеърларнинг бирида она тилга муҳаббат, миллатга меҳр тасвирланиб, тилга муҳаббат элга муҳаббат тарзида кўрсатилади; бошқасида чинакам эркакка хос хусусиятлар

бўрттирилади.

«Аргумоқ», «Мамет бо-
тирнинг қатл
олдидан айтганлари»
(Ҳ. Сулаймон)

Туркий халқлар тарихини чуқур билган шоир биринчи шеърида «томирида қони қайнаган», жасоратни тақдир деб билган лирик қаҳрамонни тасвирласа, иккинчисида халқ қасоскорининг мағрур қиёфасини чизиб берган.

«Бегона»
(Албер Камю)

Қиссада инсон табиати ҳамда руҳиятини кирралари, жумбоқлари таҳлили бош қаҳрамон Мерсо орқали тасвирланиб, жамият ахлоқ нормалари, талаб-қоидалари орасидаги муносабатлар, шахс эркини янги талқини берилади.

ЭНГ МУҲИМ АТАМАЛАРНИНГ МУХТАСАР ШАРҲИ

ОНА ТИЛИ

Адабий тил - умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум меъёрга солинган шакли: *келяпти* (келопти, кевотти), *парвон* (шоти, занг), *йўл* (жўл).

Ажратилган бўлак - гапда ўзидан олдинги бўлакни изоҳлаган бўлак: Олахўжа ана шундай-*мўмин*. Биз, *хаммамиз*, борамиз.

Аниқловчи - гапда предмет белгисини ёки қарашлиликни ифодалаган бўлак: Сизнинг *сермаъно* нутқингиз ҳаммага ёқди.

Архаизм - ҳозирда синоними ишлатиладиган эскирган сўз: *алам* (байроқ), *эрик* (тиришқоқ), *эрмагу* (ялқов), *ума* (меҳмон) *будун* (халқ), *сарроф* (пул алмаштирувчи).

Атама - термин, истилоҳ: фан-техника, касб-хунарга оид бир маъноли сўзлар; *равиш*, *бош сўз*, *тангенс*, *неолит*, *шон*, *андава*.

Аффиксоид - аввал сўз бўлиб, ҳозирда қўшимчага айланган морфема: *таклифнома*, *ишхона*, *боғбон*, *чимхўр*, *ўтпараст*, *читфуруш*, *ошпаз*.

Бадий услуб - бадий асарлар услуби: *Мовий эди шишадек осмон*.

Битишув - сўз бирикмасида эргаш ва бош сўзнинг грамматик воситасиз, фақат оханг ва мазмун билан бириккан тури: *кизил гул, тез юрмоқ, ўйлаб гапирмоқ.*

Бошқарув - сўз бирикмасида эргаш ва бош сўзнинг келишик ёки кўмакчилар ёрдамида бириккан тури: *уйга кирмоқ, хаёт хақида суҳбат*

Бош маъно - ўз маъно; кўп маъноли сўзда сўзнинг нутқдан ташқарида ифодалаган бирламчи маъноси: *бош-калла*

Бош сўз - сўз бирикмасида маъноси изохланаётган сўз: *кизил гул, тушнинг ярми, хаёт билан ҳамнафас.*

Бош гап - эргашган кўшма гапда асосий маъно ифодалаган содда гап: *Ўқитувчи келгач, дарс бошланди.*

Боғлама - гапда от-кесим таркибида жойлашган *бўлмоқ, эмок* феъллари, *-дир* кўрсаткичи, *шаҳс-сон* кўшимчалари; Акам талаба *бўлди*, Сиз доно *экансиз*. Хаёт *гўзалдир*.

Боғловчи - уюшиқ бўлак ва кўшма гап таркибидаги содда гапларни боғловчи ёрдамчи сўз туркуми: *Феруза ва Шаҳноза келди, шунинг учун баҳсни давом эттирдик.*

Бўгин - бир зарб билан айтиладиган товуш ва товушлар бирикмаси: *и-ро-да-сиз-лик.*

Вазифадошлик асосида маъно кўчиши - кўп маъноли сўз вазифасининг кўчиши: *калам (пат қалам)-қалам (ўзакли қалам).*

Варвар ва вульгар сўзлар - ноадабий қатламга хос кўпол сўзлар: *мараз, битлиқи, жувопмарг, хумпар.*

Гап - муомаланинг энг кичик бирлиги, мазмун ва грамматик жиҳатдан шаклланган, шисбий тугалланган фикр: *Хаво салкин. Биз беҳад суюндик. Ишлаяпсизми? Ха.*

Гап бўлаги - синтаксисда сўзларнинг эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол бўлиши.

Графема - баъзан бир (*тез*), баъзан икки (*ер*) товуш ифода-ловчи *е, ё, ю, я* харфлари.

Графика - тилшуносликда харф, алифбо (ёзув) ни ўрганувчи бўлим.

Грамматика - тилшуносликнинг морфология ва синтаксис қисмини қамраб олган бўлими.

Грамматик маъно - сўзнинг бирор туркумга мансублиги: *ер(от), зўр(сифат).*

Грамматик шакл - сўзнинг содда, тақрор, кўшма, жуфт шакли.

Грамматик (синтактик) вазифа - сўзнинг гапдаги вазифаси, бирор гап бўлаги бўлиши: Қамишзорнинг шитир-шитири суқунатни бузади (*қаратқич аниқловчи, эга, воситасиз тўлдирувчи, феъл-кесим*).

Грамматик восита - сўз бирикмаси (бошқарув ва битишувда) эргаш сўзни бош сўзга боғловчи ёки гапда сўзларни бир-бирига боғловчи воситалар (*келишиклар, кўмакчилар*): уйнинг жиҳози, укам учун олдим.

Грамматик кўрсаткич - сўзда шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи кўшимчалар: иш-лар-имиз-ни.

Доминант сўз - синонимик қатордаги асосий сўз: *номусли, хаёли, иболи, иффатли, ориятли*.

Дублетлар - бир сўзнинг икки хил ёзилиши: *невара-пабира, гадо - гадой, музика-мусиқа, қайтадан-қайтатдан, қимматбаҳоқийматбаҳо, баттар-бадтар*.

Ёрдамчи сўзлар - *кўмакчи, боғловчи, юклама*.

Ёйиқ гап бўлаги - гап бўлагининг бир печа сўздан иборат шакли: *Ишламай еган* оғримай ўлар.

Ёйиқ ундалма - камида икки сўздан тузилган ундалма: Салом сенга, *полосонлик Хайдар капитан*.

Жуфт сўз - бир туркумга оид икки сўзнинг жуфтлашиб бир сўзга айланиши: *эл-юрт, еру кўк, ҳамд-саю*.

Жаргон ва арголар - муайян гуруҳ ишлатадиган ноадабий сўзлар: *сари, капара, якан, ухлади*.

Ибора - фразеологик бирлик; икки ва ундан ортиқ сўзнинг кўчма маънода образли қўлланиши: *ёқасини ушлаб қолмоқ, ам-мамнинг бузоғи, оёғи енгил, ит гажиган суякдай*.

Илмий услуб - илмий мақола, рисола, китоб, дарсликлар услуби.

Историзм - тарихий сўз; ҳозирда синоними бўлмаган, тарихга оид сўзлар; *иноқ, удайчи, қози, ушр*.

Йиғиқ ундалма - бир сўздан иборат ундалма: Хой, *кўёнча*, қаёққа кетяпсан?

Йиғиқ гап бўлаги - бош ва иккинчи даражали бўлақларнинг бир сўздан иборат шакллари; *Кеча дарс бўлмади*.

Кесим - эга ҳақида хабар берувчи бўлақ: Бу йўллар менга *таниш*. Баҳор *келди*.

Киритма - кириш сўз, кириш бирикма, кириш гап: *Сўзсиз*, бу гапни ҳамма эшитган. *Болалинг айтишича*, улар эрта тонгда йўлга чиқишган. Биз, *ўшада мол боқар эдик*, далага қараб йўл олдик.

Кўмакчи - гапда сўзларни бир-бирига боғловчи грамматик воцита: Атрофга хайронлик *билан* боқди.

Кўмакчи феълли сўз қўшилмаси - кўмакчи феъли лексик маънодан махрум, фақат етакчи феъли луғавий маъно англатадиган мураккаб феъл: ўқиб *чиқди*, сотиб олиб *бера қол*.

Кўп маъноли сўз - полисемантизм; бир сўзнинг бир неча маъно англатиши: темирнинг *занги*, хаётнинг *занги*.

Лаҳжа - бир-бирига яқин шевалар йиғиндиси: *қарлук*, *қипчоқ*, *ўғиз* лаҳжалари мавжуд.

Лексика - тилдаги барча сўзлар йиғиндиси.

Лексикология - сўз маъносини ўрганувчи бўлим.

Лексикография - луғатшунослик; луғат тузиш тамойиллари ва луғат турларини ўрганувчи бўлим.

Лексик бирлик - сўз ва ибора; *ёрдам*, *кўк*, *олиб келмок*, *бирпас*, *қулоғи оғир*, *оғзи қулоғида*.

Лексик кўрсаткич - сўз ясовчи қўшимча; *тўша+к*, *йиғ+инди*.

Лексик (луғавий) маъно - сўзнинг бирор нарса, тушунча ҳақида берган маълумоти: *дарахт-ўсимлик*, *юрмок-ҳаракат*, *запори- белги*.

Мавҳум от - кўриб, ушлаб бўлмайдиган, тушунча англатувчи от: *потинчлик*, *севги*, *вафо*, *йил*.

Маптикаий ургу - гапда бирор бўлакни бошқасидан ажратиб талаффуз қилиш; маптикаий ургу олган бўлак кесим олдида жойлашади: Биз *саёҳатга бордик*. Саёҳатга *биз бордик*.

Метонимия - алоқадорлик асосида маъно кўчиши: Дадам *самоварда* бўлса керак. *Зал оёққа* турди.

Метафора - ўхшашлик асосида маъно кўчиши: *Ўчок оғзида* қора қумғон қайнаб турибди.

Модал сўз - модал маъно англатувчи *керак*, *лозим*, *даркор*, *бор*, *йўқ*, *хуллас*, *демак*, *шубҳасиз*, *сўзсиз*, *афтидан* каби сўзлар туркуми.

Морфема - сўзнинг энг кичик, бўлипмас маъноли қисми: *суяп- ч-иқ-им-сиз*.

Морфемик таркиб - сўзнинг ўзак негиз ва қўшимчаларга тўлик ажралиши: *сан+о+ғ+им+га*.

Морфология - сўз туркумларини ўрганувчи бўлим.

Морфологик таркиб - сўздаги шакл ясовчи ва сўз ўзгартирувчи қўшимчаларнинг ажратилиши: сувокчи-лар-га.

Морфологик кўрсаткич - сўз ўзгартирувчи ва шакл ясовчи қўшимчалар: иш+лар+имиз+ни.

Морфологик усул - сўз ясалишида аффиксация (қўшимчалар қўшиб сўз ясаш усули), сифат даражаланишида қўшимча қўшиб озайторма (қора+мтир, оқ+иш) сифат ясаш шакли.

Морфологик ёзув - ёзувда бир хилликни таъминловчи, яъни талаффуз этилганича эмас, коида бўйича ёзиш усули; сўссис -- сўзсиз, қиған-қилган, ёссин-ёзсин, кетти-кетди, зарил-зарур, йи-гичча-йигитча.

Мустақил сўз туркумлари - от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл (луғавий маънога эга, гап бўлаги бўла оладиган сўз туркумлари).

Нутқ аъзолари - нутқ товушларини ҳосил қилувчи фаол (тил, лаблар, товуш пайчалари, пастки жағ) ва нофаол (тиш, бурун бўшлиғи, оғиз, кекирдак, ўпка) органлар.

Неологизм - жамият тараққиёти ўларок, тилда пайдо бўлган янги сўзлар: бизнес, дилер, маркетинг, хиссадорлик.

Негиз - сўзнинг сўз ясовчи қўшимча олган қисми: тила+к+лар+им.

Ноадабий қатлам - нутқдаги шевага ҳос, жаргон, арго, варвар, вулгар, сўзлар: жувонмарг, яқан(пул), така (ёстик).

Нутқ товушлари - инсонга ҳос товушлар гуруҳи.

Олима сўз - бошқа тиллардан ўтган ўзлашма сўзлар: гул (тож), фикр (араб), пальто (фр.), ручка (рус), аэропорт (инг.), чой (хит.) туман (мўғ.)

Олмош - от, сифат, сон, равиш ўрнида қўлланувчи сўз туркуми: мен, ўз, ким, қандай, ҳар ким, биров, ҳар, ҳеч.

Омонимлар - шаклдон, маъноси ҳар хил сўзлар (ошиқ), қўшимчалар, (-ма, -чи), иборалар (кўз юммоқ).

Орфоэпия - оғзаки нутқ қоидаларини ўрганувчи бўлим.

Орфография - ёзма нутқ қоидаларини ўрганувчи бўлим.

От - нарса, шахс, тушунча помини аңлатувчи сўз туркуми.

Отлашиш - сифат, сон, равиш, сифатдон, ундов, таклид сўзларнинг отга ҳос морфологик ва синтактик белгиларни олиши: Яхшидан боғ қолади.

От-кесим - гапда кесимнинг от, олмош, сифат, сон, ҳаракат номи, ибора билан ифодаланиши: Ёмонликнинг умри қисқа.

Отли бирикма - сўз бирикмасида бош сўзнинг от, олмош, сон, сифат, ҳаракат номи, ибора билан ифодаланиши: қизил гул, ўқувчиларнинг ҳар бири, ҳаммадан яхши, яхши ўқиш, болаларнинг иккинчиси.

Оммабоп (публицистик) услуб - нутқ, газета-журнал мақолалари услуби.

Паронимлар - талаффузи яқин, шакли ва маъноси ҳар хил сўзлар; *аср-асир, расо-роса, танбур-тамбур, кайд-кайт, ёд-ёт, афзал-абзал, оламан-оломон, қисм-қисим*.

Полисемия - кўп маънолилик: *бош (калла, ишнинг боши, йўлнинг боши)*.

Профессионализм - касб-ҳунарга оид сўзлар: *ранда, фонендоскоп, қайчи*.

Равиш - ҳаракат белгисини билдирган сўз туркуми: *тез юрмоқ*.

Равишдош - феълнинг равишга силжиган *-а, -й, -б, -иб, -гач, -гунча, -гани* қўшимчалари билан ясалган шакли: *кўра, уйпай, қараб, бориб, боргач*.

Равишли бирикма - сўз бирикмасида бош сўзнинг равиш билан ифодаланиши: *барчадан кўл*.

Синтаксис - грамматиканинг сўз бирикмаси ва гапни ўрگانувчи бўлими.

Синоним - ўқилиши ҳар хил, маъноси бир хил бирликлар: *мумзик-зикна, чақимчилик-намимат, сабаб-важ-бахона-боис, хасим-душман, душвор-қийин-мушкул, оғзи қулоғида-боши осмонда*.

Синекдоха - бутунни айтиб қисмни, қисмни айтиб бутунни тушуниш (маъно кўчиши): Ёлғиз туғғимиз Отабек. Ўн қўл-ўн хунар. *Оқсоқол* келди.

Синтактик бирлик - сўз бирикмаси, гап, гап бўлаги.

Синтактик вазифа - сўз ва иборанинг бирор гап бўлаги бўлиб келиши.

Сифат - предмет белгисини билдирувчи сўзлар: *оқ бино*.

Содда сўз - бир ўзакли туб ва ясама сўзлар: *иноқ, ишламоқ*.

Содда гап - бир эга-кесим бирлигидан иборат гап: *Сув шовул-лаб оқмоқда*.

Сон - предмет саногини, тартибини билдирувчи сўзлар туркуми: *уч киши*.

Сонор - бурун товушлари: *м, н, р, л, ш.*

Сўз бирикмаси - тобе-хоким муносабатли сўз қўшилмаси: *мак-таб биноти, узунасига кесмоқ, уйига кетмоқ.*

Сўз ясовчи қўшимча - ўзакка қўшилиб, янги сўз ясовчи қўшимчалар (от, сифат, равиш, феълда): *ишчи, ишсиз, қисман, ишла.*

Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар - келишик, эгалик ва шахс-сон қўшимчалари.

Сўзлашув услуби - инсонлараро мулоқот услуби: *рост, майли, баққа, алдамчи, тўзим, аччиқ, ошамок.*

Такрорий сўз - бир сўзнинг такроридан ҳосил бўлган сўзлар: *тез-тез, шу-шу, айта-айта, секин-секин, бир-бир, дон-дун, ирим-сирим, поп-поп.*

Тасвирий ифода - сўзни образли қилиб айтиш: *гиёҳхандлик - аср вабоси.*

Товуш - талаффуз этилувчи ва эшитилувчи мавҳум бирлик.

Товуш найчалари - путқ товушларини ҳосил қилишда эпг фаол қатнашувчи путқ аъзоси.

Товуш ўзгаришлари - сўзда юз берадиган товуш алманиши, товуш тушиши ва товуш орттирилиши: *сана, мени, аччиқ.*

Турдош от - бир тушунча доирасидаги бир неча сўзларнинг умумий номи: *соат, иш, гилос.*

Турланиш - сўзларнинг келишик ва эгалик қўшимчалари билан ўзгариши: *уй, уйнинг, уйли, уйга, уйда, уйдан, уйим, уйинг, уйи, уйимиз, уйингиз, уйлари.*

Тусланиш - сўзларнинг шахс-сон қўшимчалари билан ўзгариши: *келдим, келдинг, келдик, келибман, келибсиз, келибди.*

Туб сўз - таркибида сўз ясовчи қўшимча бўлмаган содда сўзлар (*турткиламок*), такрорий сўзлар (*юра-юра*), кўмакчи феълли сўз қўшилмаси (*айтиб бермоқ*).

Тўда от - кўнликни ифодаловчи -лар қўшимчасисиз сўзлар: *омма, халқ, армия, пода, жамоа.*

Тўлдирувчи - асосан кесимга тобе ган бўлаги: *Фанни қўпинча билим билан янглиштирадлар.*

Упли товуш - фақат овоздан иборат *а, о, и, у, э, ў* товушлари.

Ундош товуш - фақат шовқин ёки шовқин-овоз қўшилишидан таркиб топган *б, в, г, д, ж, ш* каби товушлар.

Ундов сўз - ҳаяжон (*вой, ох*), хайдаш-чақириш (*хой, чик*) ифодаловчи сўзлар туркуми.

Ундалма - гапда нутқ қаратилган шахс ёки нарсани ифодалаган сўз: Тур, *ўғлим*. *Хой, қуёпча*, қаёққа? *Хой*, қаёққа?

Ургу - сўзда бирор бўғиннинг, гапда бирор бўлакнинг бошқаларига қараганда кучлироқ айтилиши.

Уюшиқ бўлақлар - гап таркибида бир хил бир неча бўлакнинг бир бўлаққа тобеланиши: *Ойим, опам, укам билан* саёҳатга бордик.

Умумлаштирувчи сўз - уюшиқ бўлақларни умумлаштириб келувчи бўлақ: *Ойим, дадам, мен- ҳаммамиз* спортчилармиз.

Фонетика - товушларни ўрганувчи бўлим

Фонетик ёзув - товуш ўзгаришига учраган сўзларнинг ёзилиши: *санок, суянчигимни, иссиғингиз, уй+им=уюм*.

Феъл - ҳаракатни ифодалаган сўзлар туркуми.

Феъл замонлари - ҳаракатнинг нутқ пайтидан олдин, ўша пайтда ёки кейин бажарилишининг ифодаси.

Феъл нисбатлари - ҳаракатнинг бажарувчи билан алоқаси: *келди, қийналди, ёзди, уришди, бажарилди, айттирди, бажаришди, кесилди*.

Феъл майллари - бажарувчи ва ҳаракат муносабати: *кўрди, кўрса, кўрсин, кўр, кўрмоқчи*.

Феъл-кесим - кесимнинг феъл, сифатдош, равишдош билан ифодалангани: Пахта қийғос *очилди*.

Феълли бирикма - сўз бирикмасида бош сўзнинг феъл, сифатдош, равишдош билан ифодаланиши: унга *айтмоқ*, вазифани *бажариб*, меҳнатда *синалган*.

Фразеологик бирлик - ибора: *вахимага солиб қўймоқ, қулоқ солмоқ, оёғи енгил*.

Шакл ясовчи қўшимча - сўз маъносига бироз таъсир этадиган қўшимчалар.

Шаклий ёзув - ўзлашма сўзларнинг ёзилиши: *фикр, почта, драма*.

Шева (диалект) - маълум худуддагина ишлатиладиган сўзлар, қўшимчалар: *бувак, гашир, баражатир, кевотти*.

Эга - ҳеч қайси бўлаққа тобе бўлмаган бўлақ: *Ҳеч ким* бунга эътироз билдирмади.

Эргаш сўз - сўз бирикмасида маънони изохлаётган сўз: *укамнинг китоби, ундан сўрамоқ, мовий осмон, сиз билан суҳбат*.

Эргаши гап - тобе-хоким муносабатли гапда бош гаши изохлаб, тўлдириб келган гап: *Куз келиб*, мевалар пишиди.

Этимология - сўзларнинг келиб чиқиши ҳақида сўз юритувчи бўлим: *яхши-ёқ* (фезл)+*иш* (ҳаракат номи)+*и* (эгалик қўшимчаси).

Якка от - битта нарсани ифодалаган от: *дарахт*, *севги*.

Ўзак - мустақил луғавий маъно ифодаладиган морфема: *сува+қ+чи+лик*.

Ўзакдош сўзлар - бир ўзакдан ясалган сўзлар: *сув*, *сувчи*, *сувли*, *сувжа*, *сувсира*, *сувсиз*.

Ўз маъно - қўп маъноли сўзда нутқдан ташқаридаги бирламчи маъно: *қўл*, *лаб*, *оғиз*, *кўз*, *бахор*.

Ўз қатлам - ўзбек тили лексикасидаги туркий сўзлар: *қўл*, *бир*, *йиғоч*, *кўк*, *кўклам*, *она*.

Ўзлашган қатлам - бошқа тиллардан ўтган сўзлар: *зикр* (ар.), *пешона* (тож.), *стол* (рус), *вергул* (фр.), *танга* (мўғул).

Ўзбек тили лексикасининг бойиши - сўз ясалиши ва халқ шеваларидан сўз олиш, ўзлашма сўзлар ҳисобига сўз бойлигининг ўсиши: *чилопзор*, *арабча*, *оқсоқол*, *дугона*, *халқ*, *чай*, *бизнес*, *ди-видеол*.

Ўлик тил - ҳозир муомаладан чиққан тиллар: *лотин*, *сапскрит*, (қадимги хинд), *қадимги хоразм тили*, *прут*, *полаб*, *сельд* тиллари.

Ўғуз лаҳжаси г-ловчи Хоразм шеvasи: *галди*, *гашир*, *гўрая-тир*, *болама*, *Хазарсинг ати*.

Қарлуқ лаҳжаси - й-ловчи шевалар: *йўл*, *кеянти*, *болиш*.

Қишчоқ лаҳжаси - ж-ловчи шевалар: *жўл*, *юражатир*, *жигит*.

Қўшма сўз - икки ва ундан ортиқ мустақил ўзакдан тузилган сўз: *бирпас*, *гултожихўроз*, *олиб кел*, *хар ким*.

Харф - товушнинг ёзувдаги белгиси.

Хол - асосан кесимга тобе, ҳолат, пайт, сабаб, мақсад, миқдор билдирувчи бўлак: *Онам кулиб юборди бирдан*.

* * *

АДАБИЁТ

Адабиётшунослик - бадиий адабиётни ўрганувчи фан.

Адабиёт назарияси - адабиётнинг умумий қонуниятларини ўрганувчи бўлим.

Адабиёт тарихи - бадиий адабиётнинг энг қадимги даврдан бугунгача бўлган тарихини ўрганувчи бўлим.

Адабий танқид - бугунги адабий жараёнга баҳо берувчи бўлим.

Адабий тур - бадиий асарнинг шакл ва мазмунига кўра 4 турга бўлиниши.

Аруз вазни - хижолаарнинг қисқа-чўзиқлигига асосланган вазн.

Бадиий адабиёт - сўз билан иш кўрувчи санъат тури, сўз санъати; гўзал адабиёт.

Бадиий тўқима - ҳаёт ҳақиқатига мос тушувчи тўқима.

Банд - 4 ва ундан ортиқ мисралардан тузилган шеър бўлаги.

Байт - мумтоз адабиётда шеърнинг икки мисраси.

Байт унсурлари:

а) садр - 1-мисрадаги 1-сўз;

б) аруз - 1-мисрадаги охириги сўз;

в) ибтидо - 2-мисрадаги 1-сўз;

г) ажуз - 2-мисрадаги охириги сўз;

ё) ҳашв - байтдаги қолган барча сўзлар.

Бармоқ вазни - шеърятда хижолаар микдорига асосланган вазн.

Баҳр - рукнларнинг маълум тартибда гуруҳланиши.

Бош қахрамон - асар марказида туриб, сюжет воқеаларини ҳаракатга келтирувчи тимсол.

Васл - қофияни уловчи ҳарф ёки қўшимча.

Девон - қофия ёки радифдаги сўнгги ҳарфни эътиборга олиб, араб алифбоси тартибида тузилган шеъррий тўплам.

Дебоча - девоннинг насрий (баъзан шеъррий ёки аралаш) сўз бошиси.

Зихоф (афойил) - аруз вазнида рукннинг номланиши.

Зуллийсанайн - икки тилда ижод қилувчи.

Ижобий образ - бадиий асарда ибрат бўлувчи образ.

Конфликт - тўқнашув, зиддият.

Композиция - бадиий асар тузилиши.

Мажоз - бадиий асарда инсондан бошқа образлар.

Манзума - дoston, маснавий.

Метафора - кўчим, истиора; бадий санъатлар жами.

Маснавий - иккилик банд (достон).

Матлаъ (мабдаъ) - ғазалнинг биринчи байти.

Мақтаъ - ғазалнинг сўнгги байти.

Наът - пайгамбаримизга мактов.

Наср - эпик, проза асар(хикоя).

Образ (тимсол) - бадий асарда иштирок этувчи қахрамон ёки тасвир.

Оқин - бахши, жиров, шоир (достон айтувчи).

Парадигма (тактеъ) - арузда руқн чизмаси.

Персонаж - бадий асар қахрамонлари.

Пейзаж - бадий асарда табиат тасвири.

Портрет - қахрамон қиёфаси тасвири.

Прототип - қахрамонга асос бўлган тарихий шахс.

Равий - қофияни юзага келтирган ҳарф.

Рамз - тимсол, ишора, символ.

Радиф - қофиядан кейин такрорланувчи бир хил сўз, сўз бирикмаси ёки гап.

Ремарка - драмада муаллиф изоҳлари.

Реплика - драмада қахрамонлар нутқи.

Руқн - ҳижолаҳнинг маълум тартибда гуруҳланиши.

Сюжет - бадий асар мазмуни.

Сюжет унсурлари:

а) пролог - воқеага киришдан аввалги кириш;

б) экспозиция - воқеага кириш;

в) тугун - зиддиятнинг пайдо бўлиши;

г) воқеалар ривожи;

д) кульминация - зиддиятнинг чўққиси;

е) ечим - зиддиятнинг ҳал бўлиши;

ё) эпилог - ечимдан сўнгги ечим.

Туруқ - бармоқ вазнида ҳижолаҳнинг маълум тартибда гуруҳланиши.

Шоҳбайт - шеърдаги мазмун ва ғояни умумлаштирган байт.

Характер - образнинг мукамал тури.

Қофия - шеърятда мисралар охиридаги оҳангдош сўзлар.

Ҳожиб - қофиялар олдида такрорланувчи бир хил сўз.

Ҳасби ҳол - ўз аҳволини баён қилиб ёзилган шеърый асар.

Ҳижо - шеър вазнида бўғин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дари тури. Тошкент, «Шарк», 1999.
2. Ўзбек тили грамматикаси, II жилдлик, I жилд, Морфология. Тошкент, «Фан», 1976.
3. Ўзбек тили грамматикаси, II жилдлик, II жилд, Синтаксис, Тошкент, «Фан», 1976.
4. Ҳозирги ўзбек адабий тили, I-кисм, Фонетика, лексикология, морфология, Тошкент, «Фан», 1966.
5. Фуломов А.Ф, Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Синтаксис, Тошкент, «Ўқитувчи», 1965.
6. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, «Ўқитувчи», 1980.
7. Султон И. Адабиёт назарияси, Тошкент, «Ўқитувчи», 1976.
8. Бобоев Т. Шеър илми таълими, Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
9. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, «Ўқитувчи», 1970.
10. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, «Ўқитувчи», 1974.
11. Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи, Тошкент, «Ўқитувчи», 1968.
12. XX аср ўзбек адабиёти, Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.
13. Ҳожиахмедов А. Шеърини санъатлар ва мумтоз кофия, Тошкент, «Шарк», 1998.
14. Ҳожиахмедов А. Ўзбек аруз луғати, Тошкент, «Шарк», 1998.
15. Рафиев А., Фуломова Н. Она тили ва адабиёти, Тошкент, «Шарк», 2002.
16. Фуломов А., Кодиров М., Абдурахимова М. 9-синфда она тили дарслари, Тошкент, Ўқитувчи, 2002.
17. Комилов Н. Тафаккур карвонлари, Тошкент, «Маънавият», 1999.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
Дунёдаги тиллар.....	6
Ўзбек тили.....	7
Ўзбек адабий тили.....	9
Тил фанининг бўлимлари ва атамалари.....	9
ФОНЕТИКА.....	10
Нутқ аъзолари ва нутқ товушлари.....	10
Унли товушлар.....	11
Ундош товушлар.....	11
Унли ва ундошларнинг қўшалок қўлланиши.....	11
Унли ва ундошларнинг сўз ясовчи вазифасида келиш.....	12
Унли ва ундошларнинг сўз ўзгартирувчи қўшимчалар вазифасида келиши.....	12
Унли ва ундошларнинг шакл ясовчи қўшимчалар вазифасида келиши.....	13
Унли товушларнинг сўз туркуми ўрнида келиши.....	13
Сўзларнинг товуш таркиби.....	14
Бўғин.....	14
Сўз урғуси ва гап урғуси.....	15
Товуш ўзгаришлари.....	16
Морфологик ёзувда ёзиладиган товуш ўзгаришлари.....	16
Фонетик ёзувда ёзиладиган товуш ўзгаришлари.....	17
Товуш ўзгаришига учраб, фонетик ёзувда ёзиладиган қўшимчалар.....	19
МОРФЕМИКА.....	20
Сўз ясовчи қўшимчалар.....	20
От туркумининг сўз ясовчи қўшимчалари.....	21
Сифат туркумининг сўз ясовчи қўшимчалари.....	22
Феъл туркумининг сўз ясовчи қўшимчалари.....	22
Равиш туркумининг сўз ясовчи қўшимчалари.....	23
Сўз ўзгартирувчи қўшимчалар.....	23
Шакл ясовчи қўшимчалар.....	24
Қўшимчаларнинг шакл ва маъносига кўра турлари.....	25
Сўз таркиби.....	25
Сўз ясалиши.....	26
ОРФОГРАФИЯ.....	28
Дублетлар.....	28
Қўшма сўзларнинг ёзилиши.....	29
Чизиқча билан ёзиладиган жуфт ва такрор сўзлар.....	29
Бош харф билан ёзиладиган сўзлар.....	29

ц ундошининг лотиндаги шакллари.....	30
Ёзилиши қийин сўзлар.....	30
ОРФОЭПИЯ.....	31
ЛЕКСИКОЛОГИЯ.....	32
Кўп маъноли сўзлар.....	32
Сўзларнинг шакл ва маъносига кўра турлари (синонимлик, омонимлик, антонимлик, паронимлик)	32
Ўзбек тилининг луғат таркиби.....	35
Тасвирий ифода.....	37
Бўёксиз ва бўёқдор сўзлар.....	37
ФРАЗЕОЛОГИЯ.....	37
Иборанинг хос белгилари.....	37
Иборага ўхшаш бирликлар.....	38
ЛЕКСИКОГРАФИЯ.....	38
ГРАФИКА.....	39
АЛИФБО (кирилл ва лотин)	40
ЭТИМОЛОГИЯ.....	40
ДИАЛЕКТОЛОГИЯ.....	40
УСЛУБИЯТ.....	41
Услубий ҳаюлар.....	41
ГРАММАТИКА.....	42
Морфология.....	42
Сўзларнинг бир туркумдан бошқасига кўчиши.....	42
Белги билдирувчи грамматик маънолар.....	43
Махсус кўрсаткичга эга бўлмаган грамматик маънолар.....	44
Сифат ва равишларда даража.....	44
Отлашиш.....	44
Нисбат кўшимчаларининг кўмакчи феълга кўшилиши.....	45
Турланиш ва тусланиш.....	45
Эгалик кўшимчасисиз қўлланмайдиган грамматик маънолар.....	46
Белгисиз қўлланувчи грамматик маънолар.....	46
Кўмакчиларнинг келишикдаги сўз билан келиши.....	47
ОТ.....	47
Келишиклар.....	49
СИФАТ.....	51
СОН.....	52
ОЛМОШ.....	54
ФЕЪЛ.....	55
РАВИШ.....	60
КЎМАКЧИЛАР.....	62
БОҒЛОВЧИЛАР.....	63
ЮКЛАМАЛАР.....	63

МОДАЛ СЎЗЛАР.....	64
УНДОВЛАР.....	65
ТАКЛИД СЎЗЛАР.....	66
СИНТАКСИС.....	66
Сўз қўшилмаси.....	66
Сўз бирикмалари.....	67
Гап.....	70
Гап бўлаклари.....	70
Эга.....	71
Кесим.....	72
Боғлама.....	72
Тўлдирувчи.....	73
Аниқловчи.....	74
Изоҳловчи.....	74
Хол.....	74
ПУНКТУАЦИЯ.....	88
Кўчирма гапда тиниш белгилар.....	91
АДАБИЁТ.....	92
АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ.....	92
Адабиёт назариясига оид манбалар.....	92
Адабий турлар.....	93
Халқ оғзаки ижоди жанрлари.....	98
Бадий санъатлар (Бадий тасвир воситалари).....	99
Адабиётдаги тулпорлар.....	103
Талмеҳ қилинган пайғамбарлар сифатлари.....	103
Аруз вазни.....	104
Айрим асарларнинг вазнлари (намуналар).....	105
АДАБИЁТ ТАРИХИ.....	109
ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ.....	118
Мақоллар.....	118
ЁЗМА АДАБИЁТ.....	121
Шарҳи ҳол (автобиографик) асарлар.....	126
Ёднома (мемуар)лар.....	126
Девонлар.....	127
Зулхисонайн (икки тил)да ижод қилганлар.....	127
XX АСР АДАБИЁТИ.....	128
Жадид адабиёти.....	128
Кейинги давр адабиёти.....	129
Энг муҳим атамаларнинг мухтасар шарҳи.....	145
Она тили.....	145
Адабиёт.....	154
Фойдаланилган адабиётлар.....	156

М. Сиддиқов, З. Юнусова, М. Хошимова
«АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИК ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК»
(«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» ОАЖ, 2004)


Мухаррир	М. Худоёров
Техн. муҳаррир	М. Мирзакаримова
Мусаххих	Н. Тожиматова
Компьютер усталари	Р. Исмонов Ф. Қодиров

Босмахонага 2004 йил, 19 апрелда берилди.
Босишга 2004 йил 28 апрелда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 1/16. Офсет босма. Харфлар гарнитураси
BodoPeterburgUZ. Босмахона қоғози. Ҳажми: 10 босма тобоқ.
Буюртма № 830. Адади 3000 нусха.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» ОАЖ босмахонасида босилди.
Манзил: 710000. Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 71-уй.

du

011026/34



81